

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус  
таълим вазирлиги

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

*Шахноза ТУЙЧИЕВА*

**ИЖОДКОР ДУНЁҚАРАШИ  
ВА БАДИЙ УСЛУБ**



«Akademiya»  
Тошкент — 2009

# 83,3(55) Агадиётшунисиҳ

Мазкур монография Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни мувофиқлаштиришни ривожлантириш қўмитаси томонидан ажратилган грант асосида тайёрланган.

**Тақризчилар:** ф.ф.н., доц. С.Умиров  
ф.ф.н. Т.Матёқубова

**Ш.Туйчиева. Ижодкор дунёқараши ва бадиий услуб.** –Т.: «Akademiya» нашриёти, 2008.

Унбу китобда Чўлпон шахси, инсонпарварлик қаравшлари, бадиий-эстетик идроки, ифода тарзига хос маънавий ва бадиий-эстетик изланишлар услуб муаммоси билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Роман ва жамият ҳаётининг бадиий-услубий таҳлилини Чўлпон маҳорати билан узвий алоқадорликда ўрганиш орқали “Кеча ва кундуз”нинг XX аср ўзбек романчилигидаги ўзига хос ўрни ва жаҳон романчилигига муштарак жиҳатлари таҳлил қилинган.

Шунингдек, монографияда М.Кўшикнов, С.Мамажонов, О.Шарафиддинов, Н.Каримов каби адабиётшуносларнинг Чўлпон изходига оид илмий-назарий фикрларига муносабат билдирилган. Унда Чўлпон изходиди янгича йўналишда тадқиқ этишга багишланган Д.Куронов, М.Йўлдошевларнинг илмий изланишлари назарий асос вазифасини ўтаган.

Китоб филолог мутахассислар, аспирант ва магистрлар, олий ўқув юртининг филология факультетлари талабаларига мўлжалланган.

2029/80	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston M
A6586	

© Туйчиева Ш. Ижодкор дунёқараши ва бадиий услуб (Чўлпоннинг “Кечава кундуз” романи мисолида).

ISBN 978-9943-300-00-2 © «Akademiya» нашриёти, Тошкент, 2008.

## КИРИШ

Мустақиллик даврига келиб ўзбек адабиётшунослигига шакл ва мазмун жиҳатидан янгиланиш тамойиллари кучайиб бормоқда. Услуб масаласини илмий тадқиқ этиб, такомиллаштириш бу янгиланишдаги эҳтиёжлардан биридир. Миллий адабиётимизнинг ёрқин юлдузларидан бўлган Чўлпон нафақат шеъриятда, балки насрда ҳам ўзига хос услугуга эга ижодкордир. Чўлпон сингари ўзбек адабиёти намояндадарининг маҳорат сирларини ўрганиш XX аср адабиётининг ижтимоий-эстетик моҳиятини белгилашда муҳим ўрин тутади.<sup>1</sup>

XX аср бошлари — нотинч ва мураккаб замонда яшаб, ижод қилган Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон ўзбек адабиёти ривожига ва унинг юксалишига катта ҳисса қўшди.

Ўзбек адабиётшунослиги бадиий наср соҳасида М.Қўшжонов, П.Қодиров, У.Норматов Б.Каримов ва бошқаларнинг Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек услуби таҳлилига доир чуқур изланишларида, Ҳ.Болтабоевнинг Фитрат меросига доир, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, С.Мамажонов, Д.Куронов, У.Султоновларнинг Чўлпон насрий асарларига доир тадқиқотларида муҳим ва теран илмий кузатишлар баён қилинган.<sup>2</sup>

Биз Чўлпоннинг «Кечава кундуз» романидаги бадиий-услубий изланишларни адабиётшунослик, услугуб-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 47.

<sup>2</sup> Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. - Т.: Ўзадабийнашр, 1985. Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. - Т.: Ёш гвардия, 1988. Каримов Н. Ойбек. - Т.: Fбулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. Норматов У. Қаҳҳорни англаш машақати. - Т.: Университет, 2000. Каримов Б. XX аср адабиётшунослигида талқин муаммоси (Қодирийшунослик мисолида): Фил. фанлари докт... дисс. автореф. - Т.: 2002. Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. Филол. фанлари докт... дисс. автореф. - Т.: 1996. Шарафиддинов О. Чўлпон. /Шоир ҳақидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар/ - Т.: Чўлпон 1991. Каримов Н. Чўлпон. - Т.: Шарқ, 2003. Мамажонов С. Бизнинг Чўлпон. - Т.: Ёзувчи, 1997. Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. - Т.: Шарқ, 2004. Султонов У. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари. Филол. фанлари ном... дис. автореф. - Т.: 1995.

шунослик ютуқларига таяниб, жаҳон адабиётида ўз ифодасини топган умуминсоний маънавий қадрият мезонлари асосида таҳлил қилишга уриниб кўрамиз. Аслида санъат асари, хусусан, роман ва жамият ҳаётининг бадиий-услубий таҳлили бир-биридан ажралмас ҳодиса бўлиб, уларни ўзаро узвий алоқадорликда ўрганиш «Кеча ва кундуз»нинг XX аср ўзбек романчилигига муштарак жиҳатларини кузатишга имкон беради.

Адабиётшуносликда Faфур Fулом, Ойбек, Абдулла Қаххор, Ҳамид Олимжон каби шоир ва адилларимиз асарларининг тил ва услублари маълум даражада ўрганилган.<sup>3</sup> Мазкур асарларда халқ тилининг қудрати, сеҳру жозибаси, нафосати, бой имкониятларидан кенг фойдаланилганлиги учун, улар бугун ҳам халқимиининг маънавий мулки бўлиб қолмоқда. Бироқ қатагон қурбонлари бўлган Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари шоир ва адилларимиз услубининг муҳим хусусиятларини ўз вақтида ўрганиш учун етарли имкон бўлмагани боис, улар ижоди ҳали кўпгина тадқиқотларни талаб этади. Шунга кўра, биз Чўлпон насли, хусусан «Кеча ва кундуз» романини ижодкор дунёқараши ва бадиий услуг муаммолари нуқтаи назаридан ўрганиш мақсади билан мазкур мавзуга қўл урдик.

Биз «Кеча ва кундуз» романни таҳлили орқали ижодкор шахси, унинг инсонпарвар дунёқараши билан боғлиқ масалаларни ёритишга ҳаракат қиласиз. Адилнинг заковати, романда тасвирланган мустамлакачилик даврини ҳаққоний ифодалаш йўлидаги маънавий ва бадиий-эстетик изланишларини услуг муаммоси билан боғлаб ўрганимиз. Санъаткор ижодида ўз ифодасини топган руҳий таҳлил ёрдамида жаҳон мумтоз адабиёти дурданаларига

<sup>3</sup> Мамажонов С. Faфур Fулом прозаси. - Т.: Фан, 1966. Мамажонов С. Услуб жилолари. - Т.: F.Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. Каримов Н.Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати. - Т.: Фан, 1964. Султонова М. Ёзувчи услубига доир (Ойбек, А.Кодирий, А.Қаххор ва С. Аҳмад прозаси асосида). - Т.: Фан. 1973.

ҳамоҳанг жиҳатларни кузатамиз. Тарихий давр руҳини ёрқин, реалистик акс эттириш маҳоратини имкон қадар таҳлил этишга уринамиз.

О.Шарафиддинов Чўлпоннинг адабий-танқидий мақолалари ва Чўлпон ҳақида замондошларининг хотираларидан тузилган «Адабиёт надир» тўпламига ёзган муқаддимасида: «Чўлпон адабиётни ўз даврининг илғор ғоялари билан бойитишга, Шарқ ва Гарбнинг бебаҳо тажрибасини янги ўзбек адабиётига олиб киришга ҳаракат қилинган... Ҳар бир мақолада Чўлпон шахсиятининг аниқ муҳри бор. Чўлпоннинг адабий-танқидий мероси бу улуг адаб шахсиятининг турли қирраларини, маданий савиясини, эътиқоди ва дунёқарашини ўрганишда, ижтимоий ҳаётнинг муҳим жиҳатларига унинг муносабатини аниклашда ижодий биографиясининг баъзи нуқталарини тўла-рок ёритишда ғоят аҳамиятлидир», — деб ёзади<sup>4</sup>.

Чўлпоннинг мазкур тўпламдаги адабий-танқидий мақолаларидан ўша давр маданий тараққиёти, шоирнинг ғоявий-сиёсий, ахлоқий-эстетик қараашлари шаклланиши ҳақида қимматли маълумотларни оламиз.

Табиийки, сўз санъаткорларининг илғор, тараққий-парвар дунёқараши, адабий-эстетик олами, факат адабий-танқидий мақолаларида гина эмас, балки бадиий асарларининг турли сатҳида, хусусан сюжет курилишида, воқеа ва характерларнинг танланишида ҳам сезилиб туради. Бинобарин, Чўлпон дунёқарашининг чуқур миллийлиги, халқчиллиги «Кеча ва кундуз» романининг бадиияти, тили ва услубини ташкил этувчи аксарият тасвирий-услубий воситаларида намоён бўлади.

У ёки бу ёзувчининг услуби тасвир воситаларини ўз ўрнида ишлатиш, тил маҳоратидангина иборат эмас. Услуб поэтик ғоя билан узвий алоқадор, бадиий ғоя эса ижодкор дунёқараши билан боғлиқдир. Демак, ижодкор шахси, инсонпарвар дунёқараши ва услуб масалаларига ёндашиш ўз мантиқий асосига эга бўлиб, ада-

<sup>4</sup> Шарафиддинов О. Адабиёт яшаса, миллат яшар. // Чўлпон. Адабиёт надир. - Т.: Чўлпон, 1997. -Б. 4.

биётимизни яқин ўтмиш тажрибалари билан бойитиши, миллий-эстетик тафаккур ривожига самарали таъсир этиши жиҳатидан муҳимдир.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ китобхонларга ҳавола қилинган О.Шарафиддиновнинг «Чўлпон» (1991) номли рисоласи Чўлпоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида атрофлича маълумот берувчи дастлабки тадқиқотлардан бири эди. Адабиётшунос олимнинг «Чўлпонни англаш» (1994) рисоласи шоир ижодига илмий жиҳатдан холис, чуқур ва айни пайтда муҳаббат ва ҳурмат билан ёндашишнинг дастлабки намуналаридан бири сифатида Чўлпон ижодини яқиндан ўрганишимизга ёрдам берди. Шундай изланишлар сирасига адаб ижодининг муҳим қирралари тўғрисида баҳс юритувчи «Чўлпоннинг бадиий олами» (1994) тадқиқотлар тўпламини ҳам киритиш мумкин.

Н.Каримовнинг «Истиқлолни уйғотган шоир» (2000) деб номланган рисоласида Чўлпоннинг нафақат шеърий асарлари, публицистик мақолалари, балки ўзбек театр санъатининг асосчиларидан бири ва жамоат арбоби сифатидаги кизматлари хусусида ҳам батафсил тўхталиб ўтилган.

«Чўлпон» (2003) маърифий романи Н.Каримовнинг узоқ йиллар мобайнидаги кузатишлари маҳсули бўлиб, унда муаллиф шоирнинг ҳанузга қадар қоронги бўлиб келган ҳаёт ва ижод йўлини илмий-бадиий йўсинда тиклашга эришган.

С.Мамажоновнинг «Бизнинг Чўлпон» бадиий-публицистик мақолалар тўпламида Чўлпоннинг ҳаёти ва ижод йўли, шеърияти, драматургияси ва насрый асарлари, умуман, шоир, носир ва драматург бадиий оламининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритилади.

Д.Куроновнинг «Кеча ва кундуз» романида характерлар психологиязми» деб номланган номзодлик ишида Чўлпоннинг насримиз ривожида тутган ўрни масаласи илк бора монографик йўсинда маҳсус ўрганилди. Тадқиқотда Чўлпон насли поэтикасига хос характер яратиш ва характерлар психологиязми масалаларини ўрганишта алоҳида эътибор берилган.

Д.Куроновнинг «Чўлпон поэтикаси» (насрий асарлари асосида) докторлик тадқиқоти мақсади Чўлпон насрий ижодининг бадиий ўзига хоссиятини, давр шарт-шароитлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган хусусиятларини тадқиқ этиш заминида адабнинг ўзбек реалистик насри тараққиётида, миллий бадиий тафаккур тадрижида туттган ўрнини белгилашга қаратилган. Адаб асарларини тадқиқ этишда ижод намунасига бадиий коммуникация воситаси сифатида қарашдан келиб чиқилгани масаланинг қўйилиши ва ўрганилишида қатор янги жихатларни на-моён қилган. Олим Чўлпонни давр контекстида олиб қарайди ва юявий-эстетик таҳлил йўлидан боради.

М.Йўлдошевнинг «Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати» («Кеча ва кундуз» романи мисолида) деб номланган номзодлик диссертацияси ҳам янги йўналишдаги ишлардан ҳисобланади. Бу тадқиқотда Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати, хусусан, «Кеча ва кундуз» романининг тили биринчи марта лингво-поэтик аспектда ўрганилган. Унда Чўлпоннинг ўзбек тилидаги лексик ва фразеологик бирликлар ҳамда асосий тасвирий воситалардан фойдаланишдаги ўзига хослиги, лингво-поэтик конуниятлар очиб берилган. Асар матнидаги фразеологизмлар ва мақолларнинг бадиий нутқ таъсиричанлиги, тасвирийлиги ва образлилигини таъминлашдаги аҳамиятини кўрсатиш; Чўлпон асарлари тили ва аср бошидаги ўзбек адабий тили муносабатини белгилаш тадқиқотнинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Чўлпон шахсияти, бадиий мероси, хусусан, насрининг юявий-бадиий хусусиятларини ўрганган М.Кўпжонов, С.Мамажонов, О.Шарафиддинов, Н.Жаримов, Н.Владимирова, Б.Дўстқораев, А.Рахимов, Р.Отаев, Б.Жаримов, Х.Лутфиддинаева каби адабиётшуносларимиз адаб ижодига илмий баҳо беришган. Таъкидлаш жоизки, мазкур тадқиқотларда асосий эътибор Чўлпон биографияси, адабнинг у ёхуд бу асаридағи образлар системаси, сюжет-композицион қурилиши, характер яратиш маҳорати, услуби, ифода йўсинига хос рам-

зийлик, тил имкониятларидан фойдаланиш маҳорати, ривоя тарзи сингари масалаларни ўрганишга қаратилган. Сўнгги йиллардаги тадқиқотларда эса Чўлпон настрини структурал ўрганиш ва бадиий тил маҳоратини лингво-поэтик йўсинда тадқиқ этишга уринишлар изжобий натижалар берган. Д.Куронов, М.Йўлдошев каби тадқиқотчи олимлар Чўлпон ижодини ўрганишда янги-ча йўналишда салмоқли изланишлар олиб боришган.

Шубҳасиз, бундай кенг камровли ва теран тадқиқотларнинг ютуклари бизга Чўлпон дунёқарашини «Кеча ва кундуз» романни бадиий-услубий муаммоларига боғлаб ўрганишимизда мухим назарий асос вазифасини ўтайди.

Шуни хисобга олиб, Чўлпон шахси, инсонпарварлик дунёқараши, бадиий-эстетик идроки, ифода тарзига хос маънавий ва бадиий-эстетик изланишлар «Кеча ва кундуз» романни мисолида услуб муаммоси билан боғлаб ўрганилди. Роман ва жамият ҳаётининг бадиий-услубий таҳлилини Чўлпон маҳорати билан узвий алоқадорликда ўрганиш орқали «Кеча ва кундуз» романининг XX аср ўзбек романчилигига туттган ўзига хос ўрни ва жаҳон романчилигига муштарак жиҳатлари тадқиқ этилди.

# I БОБ. ЧҮЛПОН ИЖОДИНИНГ ФОЯВИЙ-БАДИЙХ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЁЗУВЧИ УСЛУБИ

## 1.1. Чүлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида миллий руҳият тасвири

Бутун ҳаётини маърифатни улуғлаш, жамият ҳаётиning барча соҳаларини ислоҳ қилиш, мавжуд тартибларни ўзгартириш, шунингдек, илм-фан, адабиёт, маданият, маорифни миллий асосга кўчиришдек, демократик тараққиётнинг илгор усул ва йўлларини ёқлаб чиқишига бағишилаган қатагон қурбони Абдулҳамид Чўлпоннинг XX аср миллий романчилигимиз тараққиётида муносиб ўрни бор. Бадий адабиёт образли тафаккур ҳосиласи бўлиб, у воқелик, ижтимоий турмуш, инсон, унинг қалби, эътиқод-мақсадлари, ўй-фикрлари, руҳияти ҳақида ўзига хос тарзда бадий восита ва усуслар билан фикрлаш демакдир.

Бадийлик — борлиқни акс эттиришнинг, инсоннинг оламга бўлган эстетик муносабатларини ифодалашнинг ўзига хос шакли. Бу усулда англанган воқелик қайта ишланиб, санъат образлари орқали акс эттирилади. Бинобарин, бадий образ — воқеликни акс эттиришнинг бадий воситасидир. Воқеликни нафосатли тарзда қайта англаш, кадрият сифатида ифода этиш жараёнида санъаткорнинг нафақат тафаккури, балки хиссий идроки ҳам фаол қатнашади. Шу боисдан бадий образ бир вақтнинг ўзида ҳам жонли воқеликнинг акси, ҳам санъаткор ўзлигининг ифодасидир. Демак, бадий образни реал ҳаёт ҳодисалари билан алмаштириш ҳам, билишнинг рационал босқичи бўлган тафаккурга буткул боғлаб қўйиш ҳам дуруст эмас.

Чўлпон ўзи яшаб ижод этган тарихий даврнинг юксак салоҳият соҳиби — маънавий интеллекти эди. Шу боис ҳам тарихан ўзгаришлар оғушида бўлган жамиятнинг моҳиятини янгича идрок этиш, бадий-эстетик ифодаласида давр руҳининг ташувчиси сифатида на-моён бўлади. Зоро, у, биринчи навбатда, миллатнинг,

қолаверса, Шарқнинг зиёлиси. Шу боис ҳам у миллий ва умуминсоний муаммоларни теран ҳис этади. Миллий менталитетга хос эътиқодий қараашлар доирасида фикрлайди, унинг ҳоҳиш-истаклари ҳам шунга мувофиқ бўлади. Агар З.Фрейд айтганидай, «инсон руҳини онгсизлик бошқариши» фикрига таянсак, Чўлпонни чекланган жамиятда яшаб, ўз ҳис-туйғу ва ҳоҳиш-истакларини мудом мухокамадан ўтказган, кези келганда жиловлаган ижодкор деб қарааш керак. Ижоддан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилинган бу жиҳатлар, яъни шахснинг ички конфликтлари билан ижодий меросидаги муштаракликларни англаш, аниқлаш ва кўрсатиш пировардига адид дунёқарashi ва услубий индивидуаллигини ҳам кашф этиш демакдир.

«Кеча ва кундуз»нинг бадиий юксаклиги, инсонпарварлик пафосини белгиловчи ҳусусиятлар ижодкорнинг ҳалқ ҳаёти ва руҳиятини, турли ижтимоий табақа вакилларининг табиати, маънавий-руҳий олами, ижтимоий мавқеи жамият интилишларини яхши билиши ва моҳирона ифодалашидир. Адид ўзи қаламга олган давр руҳини, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини, яъни ҳокимиёт ва ҳалқ, жамият ва шахс муносабатларининг нозик нуқталарини теран англайдигина эмас, балки нағис, ширали, ҳалқона тилда ифодалай олади ҳам.

Фоя ҳам, сюжет, композиция ва конфликт ҳам ёзувчининг тафаккур тарзи ва ички дунёсида бир-бирига пайванд бўлиб, яхлитлашади. Шу сабабли китобхон «Кеча ва кундуз»ни қўлга олганида ундан факат реал ҳаёт тасвирларинигина эмас, балки муаллифнинг ўзини ҳам қидиради. Унинг дунёқарашини, маънавиятини, тафаккурини, қалбини излайди.

Чўлпон чекланган ижтимоий муҳитга мослашишга нечоғлик мажбур бўлмасин, мазкур мослашув жараёнида ўз муносабатини ифода эта олган сўз санъаткоридир. Носирнинг маънавиятини бутун онгли фаолияти, интилишлари, ботиний дунёсидан излар эканмиз, у ўз-ӯзини англаган ШАҲС эди, — дея айта оламиз. Зоро, у

ўз маънавиятини моддий кучга айлантира олганлигини «Кеча ва кундуз» романни мисолидаёқ кўриш мумкин. Чўлпон ўзининг жамиятдаги ўрнини Ватан ва миллатга хизмат қилишдагина кўрган эди.

Шу боис у ижтимоий зулмкорлик сиёсатига қарши чиқди. Илфор маънавий-маърифий позицияда турди. Зўравонлик ва жаҳолатпарастликни қоралаб, эркинлик ва адолатни ёқлади. Ижтимоий-сиёсий, миллий озодликни орзу қилди. Бемалол айтиш мумкинки, миллий озодлик ҳаракатларини гоявий-маърифий тайёрлаб берган, Марказий Осиё халқларини миллий мустақилликка тайёрлаган ижодкорлар орасида Чўлпон юксак минбарлардан бирини эгаллайди. Зеро, у миллат озодлиги ва юрт фаровонлиги йўлида мардона курашди. Озод ва обод Ватан қуриш, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида курбон бўлди.

Демак, Чўлпон дунёқараши жадидчилик ижтимоий-маърифий ҳаракатининг асосий мақсадларига ҳамоҳангидир. Англашиладики, романда жамиятни ўрта асрчилик иллатларидан ҳалос этиш, маданий қолоқлик ва мустамлака зулмидан, хурофотдан қутқариш, ҳалқни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлатчилик асосларини бунёд этиш ҳақидаги Чўлпон эстетик концепциясининг бадиий ифодасини кузатиш ёзувчи дунёқараши ва услубий ўзига хослигини англашнинг асосий йўлидан биридир.

Услуб ижодкор руҳининг ташувчиси экан, уни дунёқараш, тил, услуб, адабий-эстетик идеал, маҳорат масалалари билан узвий алоқадорликда ўрганиш талаб этилади. Зеро, М.М.Бахтин ҳам услубни: «...шакл ва мазмун уйғунлигидан туғиладиган ҳодисадир»<sup>1</sup>, — деб таърифлайди. Ёзувчининг ҳаётга муносабати ва характер яратишдаги, тасвирий воситаларию фикрлаш йўсинидаги, ҳатто биографияси ва шахсиятидаги ўзига хосликлар ҳаммаси бирикиб, унинг услубини вужудга келтиради. Мураккаб ҳодиса бўлган услуб ёзувчининг

<sup>1</sup> Қаранг: Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. - М., 1979.

тилида нисбатан ёркинроқ намоён бўлади. Тилда ёзувчининг маҳорати, ҳаёт рангларини пайқай олиши, ноzik фарқларни ҳис этиш қобилияти аниқ кўринади.

Адабиётда шакл ва мазмун доимо бир-бири билан боғлиқ. Услуб мана шу ижодий жараён ичидаги мустаҳкам алоқани таъминлаб беради. Услубда ҳам индивидуаллик, ҳам умумийлик мавжуддир. Кўпгина тадқиқотчилар француз олимни Ж.Бюффон изидан бориб, «Услуб — бу инсон», — деган қарашни илгари сурадилар. Ёрқин индивидуал услугуб эгаси бўлган санъаткор нафакат ўзидан аввалги, балки замондош ижодкорларнинг илғор услугубий тажрибаларини муайян даражада ўзлаштиради. Айни замонда унинг бетакрор услуги кейинги давр адиларига таъсири ўтказа олади.

Шунингдек, услуг борликни ижодий англаш ва ўзлаштириш қуроли ҳамдир. Масалан, биргина мавзуу бир неча ёзувчилар томонидан турли хил ракурсларда ёритилади. Ана шу жараёнда шакл ва мазмундаги ўзига хослик, индивидуал маҳорат юзага чиқади. Турли ёзувчилар айнан бир хил давр, қаҳрамон ёхуд воқеа-ходисалар ҳақида ёсалар-да, уларнинг оламни англашлари, ифода тарзи хилма-хил бўлиши табиий. Чунки бу жараёнда санъаткор бетакрор истеъдоди, маҳорат ва тажрибаси, услугидаги ўзига хослик намоён бўлади.

Ўзига хос услуг оригинал эстетик концепция ва улкан яратувчилик, ижодкорлик қувватидан озиқланади.<sup>2</sup> Биз ёзувчи услугини унинг интеллектига боғлаб таҳлил қиласар эканмиз, бу билан услубни мутлақо индивидуал ҳодиса демоқчи эмасмиз. Таъкидламоқчимизки, услуг муаммосини ёзувчи ижодининг мазмуни ва йўналишидан ажратган ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Услуб ёзувчи талантидан келиб чиқиб, бевосита бадиий тилда акс этади.

«Кеча ва кундуз» романидаги Чўлпон оддий, содда ва самимий қаҳрамон Зеби тарафида туриб, нафс ва амал илинжиидаги чоризм мустамлакачиларининг малайига ай-

<sup>2</sup> Каранг: Пустовойт П.Г. Слово. Стиль. Образ. - М.: Просвещение, 1965.

ланган кишиларни Акбарали мингбоши қиёфасида кес-кин фош этади. Ёзувчи уни жисман хунук, бадбашара қилиб тасвирласа, хурофот қурбони бўлган Зебини мөхр ва ҳамдардлик билан ифодалайди.

Чўлпон Зебининг энг гўзал маънавий хислатлари: одоб, ибо, ҳаё, ёруглийка талпиниши, санъатни севиш каби фазилатларини ҳаётий бўёқларда, халқ миллий руҳиятидан келиб чиқиб тасвирлайди.

Роман қаҳрамони Зеби ижтимоий тенгсизлик, но-хақлиқ хукм сурган жамиятда ожиз ва ёлгиз. У ҳаётда ўз оиласида ҳам мутаассиб ота — Рассоқ сўфи зулми остида яшайди. Яхшики, Зебининг кўнглига қарайдиган ягона инсон, ўзи каби софдил, онаси Курвонбиби бор. Сўзи ҳам, турқи ҳам совуқ, диний илмлардан тузукроқ хабари йўқ, лекин мачитдан бери келмайдиган, ҳаётда омадсиз киши бўлган Рассоқ сўфига адид бундай аник таъриф беради:

«Сўфига энг маъқул бир масалани бўлса ҳам уқтириб, розилигини олмоқ учун ё ўзининг пири, ёки катта бир давлатга эга бўлиш керак эди. У одам ўз тенгларидан ҳеч бирининг ҳеч қачон ҳеч бир гапини тинглаган эмасди. Аёллардан маслаҳат, айниқса ўз хотинидан бир тақлиф эшитмоқ учун Рассоқ сўфининг қайта бошдан бунёдга келиши керак бўларди...».<sup>3</sup> Демак, Чўлпон Рассоқ сўфини табиий хислатлари билан реал ифода этмоқда. Шунчаки қоралаш йўлидан бормайди. Реалист санъаткор бундай йўл тутиши мумкин эмас эди.

Романда Рассоқ сўфи эпизодик образ бўлса ҳам ўз табиати, феъл-автори равшан чизилгани сабабли у ҳам бадиий характер, ҳам ижтимоий тип даражасида тасвирланган. Бу эса улуғ санъаткорларга хос фазилатdir.

Тунд ва совуқ отасига зид ўлароқ, Зеби ўта камта-

<sup>3</sup> Чўлпон. Асарлар. Уч жилдли. /О.Шарафиддинов таҳрири остида. 2-жилд. Роман. Ҳикоялар. Сафарнома. Таржималар. - Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. - Б. 7. (Бундан кейин иқтибослар шу нашрдан олингани боис сахифанинг ўзи кўрсатилиди.)

рин ва мулойим. У ночор аҳволидан нолимайди, ҳаётнинг салгина қувончларидан катта завқ-шавқ олади. У меҳмонга бориб келишга отасидан розилик олиши, Салтанат бу розиликни билиб кетиши керак эди. Лекин Раззок сўфи ҳадеганда мачитдан уйига қайтавермади, Салтанат узок кутиб қолди. Ана шу дугонасини узок куттиргани учун Зеби ҳижколат чекиб, «Хафа бўлманг-а?» деб, узрини ифодалайди: «Хафа бўлманг-а?» — деб турган вақтида Зебининг юзини кўриш керак эди! Бир қўлида супурги, бир қўли тиззасида, супурги ҳам ердан узиб олинган эмас, факат бош юқори қўтарилгану — бутун вужуд Салтининг ихтиёрида! Кўнгил, орзу, севги, севинч... булар ҳаммаси Салтига томон учади, унга томон отиласди; уни ўраб, уни айлантириб, уни кучади! Зебининг юзларидаги ойдай тиник ва қуёшдай ёруғ бу ҳолат моддий ҳақиқатлар қадар очиқ кўринарди» (8-бет).

Бу тасвири билан адаб, Зебининг руҳий ҳолатини аник, равшан кўрсатишга, шарқона андиша, ибо, са-мимият, бокиралик пардасига бурканган қиз кўнглида-ти яшаш завқи, орзулар дунёси, интилишлар оламини реаллаштиришга муваффак бўлади. Бу борада у кўпроқ ҳиссий идрок қучидан қувват олади.

Ўртоғининг бу меҳрига жавобан Салтанат унинг қўлидан супургини тортиб олиб, ёрдамлаша бошлайди. Зеби дугонасини уринтирмаслик учун, супургини қай-тариб олишга уринади. Бир-бирини қувалашиб, шодланадилар. Шу пайт Раззок сўфи кириб қолган пайтда-ти кескин ўзгаришни Чўлпон бундай сўзлар билан ифо-да қиласди:

«Ўз уйининг қабристонлар қадар жимжит, хонақоҳ-лар қадар унсиз, ўз кўнгли қадар тунд ва хўмрайган бўли-шини истаган Раззок сўфи худди шу ола-тўполон устига кириб келди! Эшикдан кирар-кирмас овозининг борича:

— Бу нима қиёмат!!! — деб шовқин солиши иккала ёш кизни чақмоқ теккан дараҳтдай турган жойларида қотириб кўйди» (9-бет).

Чўлпон мазлума, бахтга ташна ўзбек қизининг маданий қолоқ ва жоҳил отасидан чўчиши ва истиҳола қилишини баён қилиб ўтирмасдан, Зебининг мана бу сўзлари билан Рazzоқ сўфи руҳий оламига назар ташлайди:

«Кўнгли ўлсин, юмшаган вақтини кўрганим йўқ! Катта-катта харсангошларни сой бўйига девлар ташлашган, дейди... Энг каттасини отамнинг кўярагига ташлаб кўйиб, «Мана шу сенинг кўнглинг!» деганикин, яшишамагурлар» (18-бет).

Тошбағир, мутаассиб, тор ва чекланган дунёқарашли Razzоқ сўфи кўнгил одами эмас. Бу ҳол кўпроқ оиласвий муносабатларда намоён бўлади. Адиг Razzоқ сўфи шаҳарда яшашининг сабаблари, оила ва жамиятдаги мавқеи, эътиқод-аъмоли, табиатига хос сифатлар билан танишира боргач, реалистик тасвир мароми қуюқлаша боради.

«Қурвонбиби сўзга қанча эпчил бўлса, Razzоқ сўфи шу қадар камтап, индамас, дамини ичига солган, зикна одам эди. Ташқари оламда, яъни ўз ҳовлисидан ташқарида унинг доимий ва бирдан бир вазифаси: ўзидан улуг ва кучлилар гапирса, «ҳовва, ҳовва» демак, ўзидан паст ва кучсизлар гапирса «йўқ, йўқ» деган маънида бош чайкаш бўларди» (10-бет). Бу одам шахс сифатида жамиятда ҳеч ким эмас, ҳазрат эшоннинг кўпгина муридларидан бўлиши керак бўлган бу одамлар жамият ривожига, миллат онгининг ўсишиги таъсир кўрсатолмайдиган, яратувчилик, бунёдкорликдан йироқ кимсалар. Razzоқ сўфи жамиятда нақадар кераксиз бўлса, оиласда ўзини шу қадар баланд, ҳатто ҳукмдордай тутади. Бу одамнинг мусулмончилик урф-одатларига тўла амал қилмаслигини Чўлпон бундай кўрсатади:

«Ўзбекда ахир ҳар бир эркак ўз хотинини — ўз ҳалол жуфтини! — қизи ё ўғлининг номи билан атаб чақиради. Ўз хотинининг исмини айтиб чақириш ярамайди. Хотинининг исми Марям, қизининг исми Ҳадича бўлса, мўмин-мусулмон — шарму ҳаё юзасидан бўлсамикан? — хоти-

нини Ҳадича» деб чақиради. Аксар она-бала баравар «лаббай!» дейди, шундайда оиланинг ҳакиқий эгаси бўлган ота: «кагангни айтаман, кагангни!» дейди. Ҳатто шунда ҳам «Марямни» демайди...

Бизнинг сўфи мўъмин-мусулмоннинг бу урфига ҳам амал қилмайди, у ўз ҳалол жуфти Қурвонбибини ҳаммавақт «фитна» деб чақиради: «Фитна, салламни бер!», «Фитна, қиз ўлгуринг қани?», «Фитна, пулдан узат!» (10-бет).

Қурвонбиби ҳам тошкўнгил эрига қандай таъсир этиш йўлини билади. У эрини гапиртириш учун эшон бободан гап очади:

«Эшонбобом сиздан дилгир эмишлар, — дейди бир кун Қурвонбиби сўфига.

Сўфининг тошдай қаттиқ ва ҳаракатсиз юзи бирданнига турли-туман ўзгаришлар ва ҳаракатларга жавлангоҳ бўлади:

— Нима дединг, фитна? Нега дилгир бўлибдилар?

— Назир қилган кокилини кестиришга келган бир болага хушомад қилибсиз...

Шу бас! Энди бизнинг сўфи сўзга уста бир хатиба айланади.

— Ишқ икки хил бўлади, фитна. Тушунмай гапирма! Ишқи маъжозий, ишқи ҳакиқий...» (11-бет).

Аслида бу сўзларни сўфи пиридан эшишиб олган, бу сўзлар замиридаги фалсафани тушунмайди.

Адид романда Зебини қанчалар меҳр билан тасвирласа, отасини шу қадар аямасдан тасвиirlайди. Шафқатсиз реализм образ тасвирида ёрқинроқ намоён бўлади:

«Унинг маълум бир касби, хунари йўқ. На савдо-сотик қиласи, на деҳқончиликка уринади, на косиб-хунармандлик пешасини тутади. Шу билан бирга, дастурхони нонсиз, қозони иссиқсиз қолмайди...» (13-бет).

Аммо сўфининг қишлоқда қолган ўтай акаси бунинг акси, деҳқончиликни севади, укасини ҳам ҳалол меҳнат билан рўзгорини яхшилаб олишга чақиради. Адид

тасвирида у интилиб яшаши жиҳатидан миллат соғлом кучларининг вакили. У ҳатто сўфига танбеҳ беради:

«Сўфи, ўзингиз «ватан, ватан» дейсизу, ватанингизни билмайсиз.

Сўфи шу «билмайсиз» деган нарсага тутокиб кетди:

— Нега билмас эканман, ака! Билиб гапирсангизчи!» (13-бет).

Асарнинг шу жойида сўфи акасининг мантиқли сўзларини эътироф қилувчи инсофли одам сифатида кўринади. Демак, Чўлпон Рazzоқ сўфи тасвирида ҳаққонийлик, ишончлилик тамойилига амал қилган.

«Жаҳлингиз чиқмасин. Билиб гапираётирман. Ватанингиз — ота-онантиз ўтган, ўз киндигингиздан қон тўкилган, ота-она арвоҳига шам ёқиладиган жой эмасми?

Сўфи жим қолди. Ҳатто, кўзларига ёш келгандай бўлди.

— Нимага индамайсиз? — деб сўради акаси.

— Ҳақ гапга нима дейман? Қизиқсиз...» (13-бет). Энди «ака» ва «ука» учун «ҳақ гап» бўлиб кўринган Ватан тушунчасининг туғилиб ўстган уй, маҳалла, қишлоқ маъносидагина тушунилиши, тор маънода идрок этилишидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Чўлпон миллий онг тараққиётидаги, кишилар ҳиссий дунёсидаги маҳдудликни ифода этган. Миллатнинг нафакат иқтисодий, балки руҳий, маърифий ва маънавий равнақ топиши — халқ сифатида жисплашишини истаган.

Бинобарин, Чўлпон учун Ватан бу — она юрт, биз яшаб турган, аждодларимиз умргузаронлик қилган, келажак наслларга қолдириладиган ҳудуд — мамлакат. Колаверса, бутун бир халқ, мавжуд ижтимоий муҳит тарзида онгли ва ҳиссий идрок этилади. Ёзувчининг Ватан ҳақидаги тушунчаси кенг. Унда жисмоний, эътиқодий, миллий ва ҳудудий сифатлар бирикадигина эмас, ворисийлик ҳамда масъуллик тушунча-туйғулари ҳам ўзаро туташади. Шу боис Чўлпон учун Ватан ва миллий онг ажралмас тушунчалардир.

Адіб Зебининг отаси шаҳарга қандай келиб қолгани тарихини муфассал ҳикоя қиласр экан, бу билан ўша даврда қишлоқда камбағал дәхқонлар ерсиз қолганлигига эътиборимизни қаратади. Билинадики, сўфи билан акаси қишлоқда отадан қолган бир парча ерни талашиб, низолашиб қолган эканлар. Аммо меҳнатсевар дәхқон акаси ташландиқ дўнгни текислаб, сугориладиган ерга айлантирибди. Энди унга уруглик олиш, ер ҳайдаш учун маблағ ва иш кучи етишмаётган экан. Ака сўфига тўғри йўлни кўрсатади:

«Шаҳарни ташланг! Бу ҳовлини сотинг! Шаҳарда ҳовли-жойни яхши пулга олади. Қишлоқдан кичкина бир ҳовли оламиз — мунинг ярим пулига ёки учдан бирига. Қолганига асбоб оламиз. Ўз еримизнинг ёнидан-беридан бир парча яна топамиз... Уни ҳам оламиз. ҳали бардамсиз, биргалашиб ишлаймиз. Дурустми?» (14-бет).

Адіб сўфи қишлоқдаги оғир меҳнатни сира ёқтирислиги, шаҳарда эшонга яқин бўлиб, текин яшашга ўрганиб қолганини ака-уканинг диалогида равшан кўрсатади. Бу диалог ҳам алоҳида мулоҳаза талаб этади (тарқоқ диалог; бу ҳакида қуий бобларида алоҳида тўхтламиз — Ш.Т.) Ака халқнинг миллий руҳиятига алоқадор асосий далиллардан бирини келтиради:


«Хўп денг. Қишлоққа кетайлик! Ўлим — ҳақ! Ўлар вақтда бир-бири миздан йироқ тушиб, бир-бири мизга ташна бўлиб ўлмайлик...

Сўфи бир улоқчи тойни кўрсатди:

— Жонивор-э, заб от бўлибдими? Бай-бай-бай!» (15-бет).

Адіб эринмай, ака-ука ўртасидаги бу муаммони охиригача етказади. Ака сўфини дәхқончилик қилишга кўндиrolмагач, пири, устози, Эшон бобо кўндириб берар, деб умид қиласди. Аммо муаллиф тасвирида пир ҳам муридига яраша маънавий қашшоқ, ҳаётга жиддий қарамайдиган одам экани кўринади.

Адіб бу билан ўша давр ҳақиқатини — айрим эшон, пир ва муридлар ҳам таназзулга юз туттанини кўрсата-



ди. Бу ҳолат асар сюжетининг оқимига таъсир қиласи — Зебининг фожеасига олиб боради:

«У шу топда ўзининг яқин келажакдаги қора кунларини, қай рангда кўриниши маълум бўлмаган баҳти, толенини ўйларди. Унинг бутун баҳти Рассоқ сўфининг жоҳил вужудига боғлик эмасми? Ўша совуқ сўфи шу қувноқ жонни ва сайроқ қушчани истаган вақтида баҳтли ёки баҳтсиз эта олмайдими? Унинг бир оғиз «ҳа» ёки «йўқ» дейиши қиз бечоранинг беҳад қувнаб яйрашига ёхуд ҳазон япроғидай бир нафасда сўлиб нобуд бўлувига ярамайдими? Қиз шўрлик у — бир умр қовоги солиқ ва юзи кулмас отадан ҳеч бир хайрият кутмайди» (37-бет).

Адид Зебининг қисмати ҳақида куюнади. Қизнинг қайгуларини қалбан теран ҳис этади, фикран англайди. Чўлпон ҳалқ миллий руҳиятининг махдуд жиҳатларини, урф-одатларини яхши билгани учун ҳам қизни кутаётган муқаррар баҳтсизликларга айнан шу жиҳатлар боис бўлиши мумкин эканлигидан бизни огоҳ қиласи: Зебихон «Отаси тўғрисида ўйлаган вақтида ўзини ўлимга маҳкум бир одам, отасини маҳкумнинг жаллоди каби кўради... ва титрайди!» (37-бет).

Миллий тафаккурдаги махдудликнинг жаҳолатта етаклашини адид яхши билади ва романда Зеби қисмати мисолида шахс эркинлигининг кишанлари сифатида тасвиrlайди.

Зеби ички оламида ширин бир умид ва ҳадиксирашдан туғилган туйғулар кураши кечади. Қиз ўзини чалғитмоқ, ноҳуш хаёлларни унутмоқ илинжида бўлади. Чўлпон қизнинг руҳий ҳолатини чизар экан, тасвири чукурлаштиради: «Ёши балоғатга етиб, уйлари совчиларнинг қатнов йўлларига айланганидан бери у шўрликнинг қора ўйларга ботмаган куни йўқ! Факат ширин бир умид билан, кўзда кўрилиб, қўлда тутилган — нақд бир умид билан бирга келган қора ўйлар қиз бечорани ёмон эзиз ташлайди! Бир-икки кундан бери ашула, ўйин дегандা ўзини билмас даражада берилиб кетиши, шу изтиробларнинг ҳордигини чиқариш учун эмасми?» (37-бет).

Кузатишлар шуни кўрсатадики, Чўлпон образ ва персонажларни қиёслаш орқали реал ҳаёт картинаси- ни якъолроқ кўрсатиш йўлидан борган. Масалан: Раззок сўфи, акаси, пири; Раззок сўфи, Қурвонбиби, Зеби; Хадича, Пошшахон, Зеби; Нойиб тўра, Акбарали, Мирёкуб образларига хос учликда қиёсий типологик таҳлил йўлидан бориб, қаҳрамонлар маънавий-руҳий олами ёрқин очилади.

Чўлпон «Кеча ва кундуз» романида Акбарали мингбошининг хотинлари бўлган Хадича, Пошшахон, Султонхоннинг кундалик ҳаёти жуда зерикарли эканлигини, фақат кундошлиқ ғалваларига, гийбатларига кўмилиб, маънавий қашшоқ ва худбинона ҳаёт кечираётганликларини эринмасдан тасвиirlайди. Улар ёш, софдил, ёруғликка ташна, санъатга шайдо Зебини тўртинчи кундош қилиб туширишни истайдилар. Бу ишлардан асосий мақсад учинчи, кенжә келин Султонхонга кундош олиб келиб, бағрини доғлаш, руҳан қийналишини кўриш. Кундошлар бу иш Султонхонга ва айниқса, ўз тенгқурига тегиб, баҳтини топиши мумкин бўлган Зебихонга ҳам баҳтсизлик, қайғу, кулфат келтириш эканлигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Адид халқнинг руҳиятида ҳали уйғониш йўқлигини, халқ тақдирида узун кечадавом этаётганини, ҳали тонг отиши узоқлигини бир қадар илғор қаҳрамони — туғилиб келаётган миллий буржуазия, ўртача мулкдор синф вакили Мирёқуб ва чор ҳукумати вакили Нойиб тўранинг муносабатлари орқали тасвиirlайди.

Чўлпон чоризм мустамлакачилиги даврида Россия сиёсат ва саноат доиралари мўмай даромадлар учун Туркистонга кириб келган вақтда маҳаллий ҳокимият вакилларига (романда Акбарали мингбошига) суюнганигини яхши билар эди.

Ёзувчи «Кеча ва кундуз» романида миллатнинг онги, миллат тараққиёти мирёқублар билан боғлиқ эканлигини ҳаққоний тасвиirlайди. Аслида чоризмга тобе маҳаллий ҳокимият ҳам миллий буржуазиясиз иш кўрол-

маслигини Акбарали билан Мирёкуб тақдирлари, хатти-харакатлари орқали кўрсатади. Мингбоши Нойиб тўранинг уйига меҳмонга ҳам Мирёкубсиз боролмасди. Акбарали чоризм вакили — Нойиб тўранинг уйида ўзини тутолмай, маст бўлиб қолиб, тўранинг лўппигина ширин ўғлини кўриб, ўзи ўғил кўролмагани эсига тушиб, ортиғи билан ичганидан шармандали ҳолга тушади. Чўлпон Акбарали ва Мирёкуб образлари табиатини бундай тушунтиради: «Фарзанддан ва эсдан маҳрум, лекин ер-сув, пул ва бошқа бойликка кўмилган бу одамнинг бутун борлиги Мирёкубнинг қўлида эди. Ердан чиккан ҳосилнинг қанчаси ўз қўлига кириб, қанчаси Мирёкубнинг омборига тўкилганини мингбоши ўзи ҳеч қачон билган эмас. Керак бўлганида мингбоши Мирёкубдан пул сўраб олар, ун, гуруч, гўшт, ёғ ва рўзгорнинг бошқа керакларини бўлса ичкарининг талабига қараб, яна Мирёкуб тайёрлаб берар, шу учун жонининг роҳатидан бошқани билмаган мингбоши ундан нарисини суриштирmas эди. (56-бет). Акбарали «жон роҳати» — нафс илинжидағи кимса. Бироқ қахрамон тасвирида адаб айрим ретроспекция усуллари, жумладан, хотира ва эслаш кабилардан ҳам фойдаланади.

Лекин Чўлпон тасвирича, янги туғилаётган миллий буржуазия вакили сифатида Мирёкуб, факат Акбара-литагина суюниб қолмаган. Унинг фаолият кўлами анча кенг. «Қишлоқда иккита баққоллик, битта қассоблик дўкони, гузарда иккита самовар бор. Шаҳарда катта йўлнинг бўйига — қўргон ташқарисига бир янги пахта заводи тушди; заводнинг каттакон бир пахта саройи ҳам борки, пахта терим вактида уч тарози билан пахта олади. Ана ўша заводга ҳам Мирёкубни шерик дейдилар. Во-кеан, унинг икки филдиракли сарик файтончаси ва сарик йўргаси, аксар завод олдида боғланган бўлади. Шаҳардаги катта банклардан бирида «учёт кўмитаси»нинг аъзо-си; хафтада бир мажлис ўтказади...» (56-бет).

Шу ўринда Чўлпон тасвирида гўё аҳамиятсиздай кўринган бир жумла эътиборимизни тортади: «Шу би-

лан бирга, унинг бирор жойга бирор чақа солиқ тұлғаганни, бирор касбға бирор марта «кизил қоғоз» (патент) олганини ҳеч ким билмайды» (56-бет).

Адіб тасвирлашича, Мирёқубнинг энг йирик тадбиркорлық иши — Нойиб түрәнинг үйидаги мәжмондор-чиликлардан бирида яқында қайсидир ахолисиз жойлардан темир йүл үтказилиши ҳақидағи маълумотларни билиб олиб, ўша йұналишда жуда күп ташландық ерларни арzon баҳога сотиб олгани бўлди. Поезд йўли қурила бошлагач, у жойларнинг баҳоси кўтарилиб кетади. Бу ишда Мирёқуб жуда катта фойда кўради.

Чор ҳукумати мустамлака ўлка халқини итоатда сақлаш учун маҳаллий бошқарувни ўз халқи учун қайишмайдиган, жон күйдирмайдиган, фақат Нойиб тўрага сажда қилувчи, мансабидан факат майшатини яхшилаш учун фойдаланувчи Акбарали сингари худбин, лаганбардор, очкўз, баднафс одамларга топшираси эди. Аммо айни вақтда, Чўлпон нигоҳида маҳаллий бошлиқлар ахолини итоатда сақласа ҳам, ўз оиласида тинчлик ўрнатолмайди, сабаби: унинг уч хотини — кундошлар бир-бирини ерга уришга уринадилар. Улар бадавлат хонадонлардан келин бўлиб тушган. Акбаралининг меросхўр ўғил кўриш ҳақидағи орзуси узоқ йиллар ушалмайди. Мингбоши биттагина қиз кўрган — Фазилат. Адіб унинг сочларини тилларанг қилиб тасвирлайди. Акбарали бу қиз ҳам бирорданмикин, деб шубҳа қилади. У бир жиҳатдан давлат-мандлиги туфайли, иккинчи томондан, фарзанд илинжида, қолаверса кўп хотинлилик удум бўлгани боисидан қайта-қайта уйланган.

Адіб Акбаралининг янги уйланишларини ўғил кўриш истагидан деб тушунтиришга интилса ҳам, асар қаҳрамонларига ўз позициясини зўрлаб үтказмайди. Улар ўз табиатларига кўра мустақил ҳаракат қилиб, мингбонини хотинбозликда айблайдилар. Адіб руҳий таҳлилни чукурлаштириб, айни воқеага турли аёлларнинг айрича муносабатларини тасвирлайди. Романнинг тўртинчи бобида қишлоқдан мәжмонга келган қизлар, айникса,

ашула бобида дутоналари ичидә тенги йўқ Зебихонни меҳмонга чақириш навбатини ўз зиммасига олган мингбошининг кичик хотини Султонхонга хизматкор Умринисо танбех берар экан, «Бошингизга яна бир кундош келишини ўйламабсиз-да», — дейди. Султонхон хато қилганини тушунгач, вазиятни ўнглапига интилади. Кейинги парчада Чўллон бу воқеага мингбошининг ўртанча хотини Пошшахоннинг муносабатини тасвирлайди. Пошшахоннинг руҳий кечинмалари орқали адаб, мингбоши маънавий қиёфасини чиза бошлайди. Яъни тасвир объектига персонаж нуқтаи назаридан нигоҳ ташлайди.

Пошшахон фикрича, кичик кундош Султонхон ашулачи Зебихонни меҳмондорчиликка чақирса, бу қизнинг таърифини мингбоши Акбарали эшитса, албатта уни тўртинчи хотин қилиб олади, бу эса Султонхонни руҳан қийнайди.

Пошшахон ўз устига кундош бўлиб келган Султонхондан шу тариқа ўч олмоқчи. Пошшахоннинг фикрича, «Эрининг хотинбозалиги эса бир унга эмас, бутун дунёга маълум эди». Пошшахон бу машъум ниятини амалга оширишда катта кундоши, мингбошининг биринчи хотини Хадичахонни ишга солади. У билан иттифоқ тузишдан ҳам қайтмайди. Факат Хадичахонгина Акбаралига ўз ихтиёри билан теккан экан. У Пошшахон билан сухбатда ғам, қайгуларини айтиб, Акбаралининг феъл-авторини, характеристерини оча бошлайди: Унинг фикрича, мингбоши аввал ёмон одам эмасди, лекин кейин...

«Бунингиз амалдор бўлгандан кейин айниди. Мингбошилик ёмон ҳовлиқтириди. Ўз қишлогини ташлаб бу ерга кўчди. Бу катта ҳовлини сотиб олди. Мана бу катта иморатларни солдирди. Боф-рог қилди, ер-сув кўпайтириди. Кўнгли бошқа савдоларга, ўзга кўйларга тушди... Бола ҳам кўзига кўринмади, хотин ҳам. Ёнига «ҳайбаракаллачилар» киришди. Хотин топадиган, маслаҳат берадиганлар кўпайишди. Бир ҳафтанинг ичидә тўй қилиб менинг устимга сизни келтириб қўйди» (44-45-бетлар).

Аслини олганда кундошларни бирлаштираётган жиҳат худбинона интилишлардир. Бироқ уларнинг нутки орқасида ҳикоячи Чўлпон фикр-қараашлари ҳам пинжон. Мингбоши табиатига хос мол-дунёга ўчлик, ҳовлиқмалик билан бир қаторда адид «ҳайбаракаллачилар»нинг жамиятдаги ўрнини ҳам ишонарли чизишга эришади.

Халқона миллий бўёқларга бой бу диалогларда ҳар икки аёлнинг руҳий дунёси, хаёт тарихи очила бошлияди. Ўртанча кундош Пошшахон учинчи, ёш кундош Султонхондан зорланар экан, унинг овозида жамиятдаги ижтимоий тенгсизликдан нолиш оҳанглари сезилади: «Отам ўлгур мунинг ер-сувига, давлатига қизиқди, «яҳ» деб туриб олди. Бу давлатлардан унга нима фойда?..» (65-бет).

Адид бу сўзларга жуда теран маънолар юклайди. Деярли ҳар бир сўз характерга янги бир жило беради. Пошшахон «Отам ўлгур» дер экан, қизининг кўнгил майлини инобатга олмай, отаси табиатидаги молпарастлика нафрати сезилади. Бу нафрат замираидан аслида Пошшахоннинг эри — Акбаралига кўнгли чопмаслиги, ботиний туйғулар оламида яшашилиги англашилади.

Катта кундош Хадичахоннинг бунга жавобан айтган сўзларига ҳам адид чуқур маъноююклайди:

«Давлати курсин, давлати!.. Энахоннинг келинбибисига рашким келади... Давлат асари йўқ. Рўзгорлари зўрга ўтади. Кўзичоқдай икки боласи бор. Эри ҳамиша ёнида... Кундош алами йўқ...» (45-бет).

Келтирилган бу парчадаги сўзлар оддий халқ руҳијитини, Пошшахон интилишларини ифодалайди. Азалазалдан, халқимизнинг маънавий соғлом кучлари нопок йўллар билан орттирилган мол-давлатдан кўра камбагалчиликда ҳалол ва одми, осойишта яшашни, инсоний қадр-қимматни улуғлашни афзал кўрган. Хадичахон ҳам айни дамда оддий бир аёл ўлароқ қабатида эри ва фарзанди билан ночор бўлса-да, кундош аламидан фориггинч ҳаётни оразу киласди. Бундай илғор қараашлар аксарият жадид адиларига хосдир. Абдурауф Фитратнинг

1922 йил босилган «Оила» асарида кўпхотинлилик шундай қораланади:

«Бир неча хотинга уйланиш... оила аъзоларига шодонлик келтирадими ё баҳтсизлик? — дейди Фитрат. Агар биз ўлкамиздаги икки хотинлик кишиларнинг умумий аҳволини кўзимиз олдига келтирсак, осонлик билан ҳукм чиқарамизки, — кўпхотинлик накадар фасод ва зулм, бу эса бадбаҳтлик ва аччиқ ҳаётнинг сабаби эканни кўрамиз.. (Биринчи хотинингиз ва фарзандларингиз) сиздан ва янги хотинингиздан нафратланадилар. Янги хотиндан ҳам бир-икки фарзанд туғилгач, бу ўзаро нафрат яна кучаяди... Оила аъзолари орасида муҳаббат кўтарилса, вайронлик, тарқоқлик ва интизомсизлик келиб чиқади... Натижада сиз баҳтсиз ва фарзандларингиз бадаҳлоқ бўлади... Хотинларингиз фурсат топиб, бирбирига занжирдай пишиқ улашга моҳир эканлигини кўрамиз. Чўлпон ҳам ўлкадаги умумий аҳволни таҳлил этиб, кўпхотинлиликни «фасод ва зулм», «аччиқ ҳаёт сабаби» ахлоқий тубанлик деб билган, ифода этган.

«Кеча ва кундуз» романида адабнинг сюжет ва композиция поэтикасини кучли, нозик тасвирларнинг бирбирига занжирдай пишиқ улашга моҳир эканлигини кўрамиз. Чўлпон нафис шеърияятга хос бундай хусусиятни прозада ҳам муваффақиятли қўллайди ва характерлар мантиғи билан асослайди.

Романда покиза ўзбек қизи — Зебихон жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик туфайли ҳаёт завқини, кўнгил интилишларини жиловлашга, чеклашга, ёруғ, шодон туйғуларини тош остига бостириб, онг остига — кўнгилнинг махфий жойларига беркитишга мажбур. Демак, Чўлпон қаҳрамон хатти-харакатларининг онгсизлик соҳасига кўчиши билан боғлиқ инсон руҳий жараёнларининг муҳим бўгинига ҳам аҳамият қаратган.

Асарда воқеалар ва характерлар мантиғига кўра, Зеби қанчалар навниҳол, нозик бўлса, Ақбарали минг-

<sup>4</sup> Фитрат А. Оила. //Шарқ юлдузи. - Т., 1999. - №1. - Б. 117.

боши шунчалар хунуқ ва кўпол. Романда ҳодисалар мөхияти ва инсоний характерларни тасвирилашда контраст усулидан фойдаланилган. Характерларнинг конфликти уларнинг шаклланиши билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар фонида очилган. Бу эса Чўлпоннинг ҳаётни диалектик асосда — қарама-қаршиликлар кураши орқали идрок этганигини кўрсатади. Реал ҳаётий зиддиятларни тасвирилаш орқали романнинг ижтимоий-эстетик салмоқдорлиги ошган, таъсирчанлиги таъминланган. Чўлпоннинг роман ёзишдан ўз олдига кўйган мақсади аник, гоявий позицияси изчил эканлиги асардаги ҳар бир қисм, образ ва бадиий воситаларнинг айнан шу мақсадга хизмат қилдирилишини таъминлаган. Бу эса «Кеча ва кундуз»нинг композицион мукаммал тусда реаллашувига олиб келган. Ёзувчини характерларни статик ҳолатда эмас, балки конкрет тарихий воқеалар ичида тасвирилашга унданаган. Ўз навбатида, романда макон ва замон уйгунилиги таъминланган. Чўлпон муаллиф характеристикаси билангина чекланиб қолмай, ички ва ташки монолог, диалог, хотира, руҳий изтироб, ўз-ўзини ва атрофдагиларни баҳолаш, лирик чекиниш каби усуллардан фойдаланиш орқали роман композициясига макон ва замон чексизлигини сифдиришга муваффақ бўлади. Зеби ва Акбаралининг ҳам ташки, ҳам ички қиёфаларидаги зиддиятни адаб, холис бир одам — Зебининг яқин дугонаси Салтанатнинг руҳий кечинмалари таҳлили орқали янада кучайтиради. Бу ердаги сюжет поэтикаси бир нигоҳдан иккинчи одам — Салтанатнинг нигоҳига оҳиста кўчирилади.

Чўлпон тасвири кинодаги сувратли кадрларнинг маъно талабига кўра алмашиниб турган экран тасвирига ўхшаб кетади:

«Тонг ёришмасдан йўлга тушиб қишлоқдан чиқарчиқмас (қишлоқдаги мингбошининг уйидан — Ш.Т.) ашулани баланд кўйган Зеби неча йиллик ғам-ғашлардан тўрт-беш кун ичида ортиғи билан ёзилиб кетаркан, ўз орқасида ўйналаётган ўйинлардан хабарсиз эди» (66-бет).

Бу ўйин, найранглардан — оҳуга қўйилган тузокдан дугонаси Салтанат хабардор, Энахоннинг онаси уни бир чеккага чақириб, огоҳ қилган эди. Аммо Зебининг қувончини, шодон кайфиятини эртагача бузмаслик учун Салтанат ҳозирча дугонасига ҳеч нарса демасликни эп кўрди. У Зебининг мингбоши уйига келин бўлиб тушишига қувонишини ҳам, қайгуришни ҳам билмайди:

«Мингбошиникида жуда сертакаллуф зиёфат еган бу ёш қиз (Салтанат) зиёфат берган жувонлардан жуда миннатдор бўлмоқ билан бирга, шундай қари ва ниҳоят даражада хунук одамга — яна кундош устига! — тушиб қолганлари учун уларга чин кўнгилдан ачинарди. Салтанат билан бирга Зебининг ўзи ва бошқа ҳамма қизлар мингбошининг давлати ва обрўси тўғрисида қанча мақтov эшитган бўлсалар, унинг бадбашараликда ҳам тенгсиз бўлгани тўғрисида ўшанча ваҳимали сўзларни тинглаган эдилар» (67-бет).

Чўлпон шу ўринда шаҳардан келган меҳмон қизларнинг бирортаси Акбарали мингбошининг мол-давлатига ҳавас қилиб, назари пастлик қилмаганини кўрсатар экан, бу энди адид яхши билган халқ менталитети, миллий рухиятига хос соғлом диднинг равшан кўриниши эди:

«Кизлардан ҳеч бири мингбоши хотинларининг давлатига қизиқмаган, уларнинг толеларига кўз олайтиргмаган, у давлатлар тўғрисида ўзаро гап очилганда очик жирканиш билан, «давлати бошидан қолсин!» дея қичқирган эди» (67-бет).

Муаллиф бу ерда қизларнинг соғлом дидини, жисмоний ва маънавий хунуклик ҳар қанча бойлик ва мансаб билан безанмасин, жирканч деб билган халқимизнинг ориятини умумлаштириб берган.

Худди шу руҳий ҳолатни равшан ифодалаш учун Чўлпон бойлик ва мансаб берадиган турмуш гўзалликларини ҳам аник тасвирлайди: «Салтанат қизларнинг ашуулаларига қўшилмасдан, ўз олдига оғир-оғир ўйлаб бораркан, ўзини хаёлида — бир нафас учун! — мингбоши хотинларидан бирининг ўрнига (ўзини) қўйиб кара-

ди... Устида түё хонатлас кўйлак, Хитой товардан калтача, тоза бекасам камзул, қимматбаҳо шоҳи рўмол, амиркон кавиш-маҳси... Кенг ҳовлида, даранглаган айвонлар ва сўлим уйларда, одамни чиройли қилиб кўрсатадиган қалин тошойнакларнинг қаршисида... Тилла билавзиклар, ёкут кўзли узуклар, хина билан чўғдай ло-вуллаб турган бармоқлар, сурмали кўзлар... Хонтахта устида анвойи ноз-неъмат, турли-туман мева-чева... Турган сари юмшариб, пиша борадиган вактида оғизга солса эрийдиган ноклар... Қуванинг йирик донали ва нор-дон анорлари...» (67-бет).

Тасвири нақадар жонли, табиий... Аммо шу жойнинг ўзида Чўлпон қизнинг орзу, идеалини кўрсатади: «Унинг қаршисида ўткир ва серҳавас кўзларини ўйнатиб ёш бир йигит турган каби бўларди... Нихоят, ёш қиз ёш йигитга томон астагина қайрилади ва қайрилган ҳамон ўзидан кетиб қичқиради:

— Мингбоши!!!» (67-бет).

Бу ердаги уч ундов тилга олинган шахснинг қиёфаси даҳшатли, кўркинчли эканини билдиради. Бу каби зидлаштириш асарда Салтанатнинг эмас, Зебининг бошига тушаётган бахтсизликни, фалокатни сувратлантиради. Қаҳрамон тасаввурида туғилган хаёлий-идеалдаги хаёт ва реал турмушнинг контраст манзараси жамиятдаги ижтимоий тенгсизликнинг, камбагал оиласларнинг қизлари бошига тушаётган фалокатларнинг ҳам ҳаққоний суврати эди.

Навниҳол Зебининг агар эрки ўзида бўлсайди, агар унинг отаси ҳам бойликка, давлатга, мансабга сифинмай, муте, очкўз, назари паст бўлмай, инсоний орияти бўлсайди, унга баҳт кулиши мумкинлигини қуидаги нафис чизгилар билан кўрсатади: «Сафар охирида аравакаш йигит Ўлмасжоннинг Зебидан бошқа йўловчиси қолмади. Кўнгилларидаги ажиб ҳисларни бир-бирига билдиromoқ учун ҳали фурсат тополмасдан энтикан бу икки ёш энди ўн-ўн беш минут холи фурсат топганларидан ортиқча талвасага тушган юраклари дастидан

нимадейишларини билолмай энтикардилар... Униси ҳам, буниси ҳам бир оғиз гап айттолмади. Икки ёш күнгилнинг шу топда кичкинагина бир тилаги бўлса, у ҳам — бир-икки маҳалла ўтгач, етиладиган ҳовлининг яна бир неча маҳалла нарига чўзилиши, ё бўлмаса, кексалар айтгандек, «ер таноби»нинг пичагина чўзилмай туриши зди» (68-бет).

Зоҳирлан, камбағалнинг баҳтга интилиши нақадар содда, оддий ва осон... Лекин ботинан шу жўнгина тилакларни рӯёбга чиқариш жамиятда ҳукм сурган адодатсизлик, ижтимоий тенгсизлик, зўравонлик, жаҳолат, ноҳақчиликлар, нафс илинжиидаги эврилишлар туфайли жуда қийин, амалга ошмас муаммога айланади.

«Кечава кундуз» романининг юксак бадиий матни замирида Чўлпоннинг илфор маърифатпарвар дунёқараси, халқнинг миллый руҳияти, давр ҳаёти манзаралари ётганини кўрамиз. Ижодкор қаламга олинаётган давр руҳини яхши билади, жамиятнинг соғлом кучлари тарафида туради, миллат тараққиётига тўсик бўлаётган нуқсонларни ҳаққоний ифода этади. Турди, Махмур, Фуркат, Муқими, Завқий сингари маърифатпарварлар бошлаб берган, Беҳбудий, Фитрат, А.Қодирий каби жадидлар астойдил ҳаракат қилган жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, мавжуд тартибларни ўзгартириш истакларини Чўлпон бадиий ифодалашга эришади. Бундай интилишлар умуман, жаҳон адабиётидаги интилишларга ҳам муштаракдир. М.Ф.Достоевский, Л.Н.Толстой, Н.В.Гоголь, И.С.Тургенев, Н.А.Некрасов каби жаҳон адабиётининг намояндлари ҳам ўз халқининг соғлом кучларини куйлашган. Бироқ Чўлпон халқ эркини, инсон қадр-қимматини ерга ураётган ижтимоий кучларни нафақат миллый заминдан, балки ўлка ҳаётига суқилиб кирган Россия мустамлакачиларининг вакили — Ноийб тўра, суд-хукуқ ҳимоячиларида ҳам кўрди. Бинобарин, турли ижтимоий типларнинг реал, ҳаётий қиёфасини ҳаққоний чизиш ҳам санъаткор услубини белгиловчи хусусиятдир.

Чўлпон — реалист санъаткор. У характерларни табиий хислатлари билан тасвиirlайди. Ҳаракат ва мұхит — ҳиссий ҳолатларни моддий ҳақиқатлар қадар равшан кўрсата олади. Образ тасвирида ҳаққонийлик, ишончлилик, холислик тамойилларига амал қилиб, шафкатсиз реализмни ёрқин намоён этади. Адид романда миллий онг тараққиёти ва кишилар ҳиссий дунёсидаги маънавий маҳдудликни фош қилган. Шахс эркинлигини тушовловчи, жаҳолатга етакловчи миллий тафаккурдаги маҳдудлик характерлар қисмати орқали кўрсатиб, ҳалқ руҳияти, миллат онги тараққиётини мирёқублар билан боғлаган Чўлпон реал ҳаёт картиналарини яққолроқ кўрсатиш, қаҳрамонлар маънавий-руҳий оламини ёрқинроқ очишда образ ва персонажларни қиёсий-типологик таҳлил этиш йўлидан борган.

Чўлпон миллатнинг яхлит ижтимоий бирлик бўлиб жипслashiшини орзу этди. Ўзи мансуб бўлган миллатнинг маданияти, тарихи, қадриятларини ошкора улуглаш йўлидан эмас, балки маънавий-руҳий, ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги нуксонларининг бартараф қилиниши истагида жонфидолик қилди. Жадидчилик ғояларининг амалга ошиши учун ижодий салоҳиятини сафарбар эта олди. Миллатнинг мустақил ва эркин тафаккурини шакллантириш, келажакка ишончини ортириш, онгу шуурини тазийклардан, қулликдан қутқариш — тўла озод инсонни, эркин ва баҳтиёр юртни кўришни ҳавас қилди, буларни романда истеъдод билан ифода этди.

## 1.2. Ижтимоий-психологик таҳлил устуворлиги

Миллий адабий-эстетик тафаккур тараққиёти билан ҳамқадам тарзда ўзбек адабиёти тарихида реализмнинг шаклланиши ва тараққиёти ҳам мантикий тарзда иачил ривожланди. А.Қодирий романлари кўпроқ реал ҳаёт муаммолари ва ижтимоий мұхит тасвирида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозимлиги ҳақиқидаги адабий-эстетик концепция асосига қурилади.

Адиб тарихий ҳақиқатни бадиј ҳақиқатга айлантириш, ҳаёт ҳақиқатига садоқат: (ҳаётийлик, ҳаққонийлик, миллийлик), тасвирида холислик, шаклий-услубий изланишларга хайрихояллик йўлидан борди. У нафақат турк, араб, балки рус романчилиги тажрибаларини ҳам ўзлаштиришга уринди. Жумладан, Л.Толстой, А.Чехов каби ёзувчиларнинг тасвирлаш санъати, шакл ва услуби билан яқиндан таниши. А.Қодирий ўз романларида ички монолог, ички руҳий таҳлил, шахснинг ички шаклланиши, воқеа чизиқларининг бошланиши ва давом этишидаги эркинлик каби экспрессион ҳолатларнинг илк белгиларидан унумли фойдаланди.

Шубҳасиз, ҳар бир ижодкор реализми бир-биридан кескин фарқланади. Абдулҳамид Чўлпон А.Қодирий анъянларини ўзлаштириш баробарида ўзбек романини янги бир тараққиёт погонасига кўтарди. Шу маънода романчилигимизнинг илк чўққиси — «Ўткан кунлар»дан фарқли равишда «Кеча ва кундуз»да тасвирланаётган воқеаларнинг ижтимоий-маърифий моҳияти очилиши билан бирга, асосан реал тарихий воқеаларгина эмас, балки адабий қаҳрамонлар, улар руҳиятида кечеётган жараёнлар асосий ўрин тутади. Бизнингча, Чўлпоннинг ўзбек романчилиги ривожланишига қўшган энг муҳим ҳиссаси ҳам ана шу жиҳатда кўринади. XIX аср охирларида кўп асрлик Европа романчилиги юксак даражада тараққий этган, энди унинг энг илғор намояндлари саргузаштнамо сюжет яратишдан кўра кўпроқ инсоннинг мураккаб оламини кашф этишга интила бошлардилар. Хусусан, рус адабиётининг алплари — Достоевский ва Толстой, Гоголь ва Чехов ўз асарларида инсон руҳиятининг энг чуқур қатламларигача кўз ташлаб, сўз санъатининг имкониятлари нечоғли кенг эканлигини намоиши қилгандилар. Ўзбек китобхонининг Европа типидаги романларни ҳам ўқишига эҳтиёжи ортгани, бадијий-эстетик диди анча ўсганлигини ўз вақтида англаган Чўлпон ҳам уларнинг маҳорат сирларини ўзлаштириб миллий романчилигимиз ривожига, бинобарин миллий-эстетик

тафаккурнинг янада тараққий этишига сезиларли улуш кўшди.

Адабиётни инсоншунослик илми, дейдилар. Дарҳақиқат, ёзувчи хилма-хил инсоний характерларни тадқиқ қилиш ва жонлантиришга теран бадиий тасвир ва руҳий таҳлиллар оркалигина эриша олади. Зоро, ҳаёт тўғрисидаги тасавурлар, ижтимоий-маънавий турмушни кузатишдан чиқарилган хulosалар китобхонга тил ва ифода орқали етказилади. Исломиз туйгуларга ном бериш, сўз сехри билан китобхонга таъсир кўрсатиш, унинг фикрий дунёсини, руҳий оламини ҳаракатга келтириш адабиётнинг, хусусан, бадиий насрнинг муқаддас вазифалари сирасига киради. Инсон характери, унинг руҳий ўзига хослиги кўп жихатдан у яшаётган мухит шарт-шароитлари билан боғлиқдир. Қаҳрамонлар руҳиятининг ўзига хос хусусиятлари, хатти-харакатларининг руҳий асослари даврнинг ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлари контекстидагина тўғри тушунилади. Шубҳасиз, ҳар бир шахснинг даҳлсиз олами, ўзига тегишлигини бўлган табиий хусусиятлари, сифат-белгилари ҳам мавжуд эканлигини инкор этмоқчи эмасмиз, албатта. «Кеча ва кундуз» романнда ижтимоий мухит билан чатишиб кетган қаҳрамонлардан бири Акбарали мингбошидир.

Аввал элликбоши бўлган Акбарали юқори мансабдор бўлиш учун мол-дунёсини аямайди (унинг ер-сувлари, мол-кўйлари, боғ-роғлари кўп). У пора учун мингбошининг уйига икки арава узум ва бошқа «совғалар» юборади. Мингбоши бўлгач эса, мансабдорлик нуқси уриб, чиройли от минганча миршаблар кузатувида гердайиб юради. Аммо у амалдорнинг халқ ва ватан олдидаги бурчлари нимада эканлигини ўйлаб ҳам кўрмайди.

Акбаралига тегишли далаларда адолатсизлик, ноҳақликлар юз бергани учун жадидлар газетаси уни танқид қилиб чиққанида ҳам мингбоши ўз камчиликлари хусусида фикрламайди. Аксинча, газетага ариза ёзгандардан ўч олиш пайида бўлади.

Чўлпон бир-иккита маънодор сўзлар билан Акбара-лининг мингбошиликка нолойик одам эканлигига ишора қиласди:

«Акбарали мингбоши, кучли панжалари орасига олиб, янги бир газетни гижимламоқда ва қиморбозларга хос оғзи маймоқлик или газет ёзганларни сўкмокда эди» (79-бет). Газетадаги хабар Акбаралининг интилишларига зид, бинобарин «ҳокими мутлоқ»лигига путур етказиши мумкин эди. Буни тушунса-да, жаҳлини боса олмай қолади.

Ёзувчи мингбошининг ғазабини қўзғотган газетадаги хабарнинг мазмунини ҳам келтиради:

«... бўлусининг ҳокими мутлоқи ўлан Акбарали мингбоши бутун бўлуснинг ягона усули жадида мактабини боғлатиб, муаллимини ҳақ бермасдан ҳайдаттирди... Уч ойгина давом эта олмиш бу мактаб миллат болаларини оз-да бўлса оқ-корани танитдирмокқа муваффақ бўлмиш эди. Мингбошининг ўзи эса ҳар сана бир эвланмокдан, хотин янгиламоқдан бўшалмайдур... Уч хотини устига яна тўртинчисини, ҳатто беш-олти-еттинчисини... ҳам олувга қарши эмас. Муаллим М.М...» (79-бет).

Одатда, маънавий қашшоқ ва руҳан ожиз одамлар адолатли танқидни тан олмайдилар ва кўтаролмай, қаҳр-газабга минадилар. Ҳолбуки, жадидларнинг газетасида мухтасар, ихчам, лекин ҳақ гаплар ёзилган эди. Акбаралининг ўрнида бошқа, маърифатлироқ одам бўлганида эди, газетада ифодаланган жамоатчилик фикридан, жамиятда обрўси тушаётганидан уялиб, ўз камчиликларини тузатиш чорасини қўзлар эди.

Аммо Акбаралига ҳақ гап ёқмайдигина эмас, у миллатнинг истиқболи ҳақида ўйлашдан тамомила бегона-дир. Чор ҳукумати маъмуриятига итоаткор, кичик бир бўлисга мингбоши бўлган Акбарали шугина ҳокимият эгаси бўлганидан ўзини кучли, қудратли ҳисоблайди, кўл остидагиларни зир титратади.

Мингбошининг хат-саводли котиби Ҳакимжон «шу газетани топиб кўрсатганига аллақачон дунё-дунё пу-

шаймон бўлган эди. У бир неча йил мирзолик қилиб, унинг жаҳли келган ва тутоқсан вактларини кўп кўрган бўлса-да, бугун шу кичкина мактубчанинг бу даражада ёмон таъсир қилганига ҳайрон эди» (79-бет). Зоро, Ҳакимжон ҳам бор-йўғи мирзалик даражасида саводли эди ҳалос.

Муаллиф шу бир жумла билан Ақбарали табиатидаги заифликни (танқидни кўтара олмасликни), муҳитга қарамликни, айни вактда, жадид матбуотининг таъсир кучини ҳам кўрсатади. У мингбошининг жаҳолатини, руҳиятидаги «кутурган»ликни равшан ифодалаш учун миллий турмушта хос кичик тафсилотдан фойдаланади: «Мингбоши мирзанинг қўлидан дастлабки бир пиёла чойни олиб, ҳатто бир ҳўпламасдан ёнига қўйди ва шу бўйича уни тамом эсидан чиқариб юборди. Ҳакимжон совуқ чойни унинг олдидан олмоққа ботинолмас эди... Чойнакдаги чой ҳам аллақачонлар совиб бўлди. Ҳакимжоннинг икки кўзи мингбошида, унинг қизариб-бўзарган юzlарида, жаҳл билан, тажанглик билан қисилган панжаларида, гижимланиб бир мушт ҳолига келган газетда...» (79-бет).

Ақбаралининг айни пайтдаги ҳолатини тасвирлар экан, Чўлпон бу билангина чекланмайди, у руҳий таҳлилни янада чукурлаштиради. Адаб Ақбарали характерига хос хусусиятларни унинг хатти-ҳаракатлари, бошқа қаҳрамонлар билан мулоқатларини кўрсатиш орқали очади. Романда бундай жиҳатлар Ақбаралининг ижтимоий-маиший ҳаётини тасвирлашда кўринади. Мингбоши одамлар билан муомала қилишга, керакли гапни ўрнида ишлатишга қодир эмас. У амалдор одамга хос «раҳбарлик» сифатларидан ҳам маҳрум.

Мингбоши жаҳолати, қўл остидагиларга зуғумини ифода этар экан: «ҳайкалдай котиб тура беришдан Мирзабобонинг, доим бир вазиятда, қимирламай ўтирабе-ришдан Ҳакимжоннинг беллари қайишиб кетди...», — деб ёзади адаб (80-бет).

Ақбарали энг қийин вазиятда ҳам Мирёқубнинг тад-бир топишига умид қиласди, уни бетоқатланиб кутади. Нихоят, у хизматчиларига:

«Мирёқуб қани дейман сенга, Мирёқуб?! — дея бақири. Бу ёввойи дарранданинг бўкириши эди! Мирзабободай одам тутила-тутила:

— Дарров ... отни эгарлаб... уйига бориб келайми? Ё шаҳарга чопайми? — деди» (80-бет). Акбарали Мирёқубга иш юзасидангина эмас, бошқа кўринимас иплар билан боғланган, зеро, унинг ёлғиз суюнгани — шу.

Генерал-губернаторнинг ишонган суюнчиғи — Нойиб тўрадек жиддий одам, давлат арбоби ҳам ўзининг ёш ва чиройли хотини бўла туриб, бошқа аёллар билан пинҳона айшини суриб юради. Нойиб тўранинг умр йўлдоши эса одоб-ҳаёни унугтган аёл. У уй хизматкори Зуннун билан «дон олишиб» юради. Чор хукумати Туркистон ҳалқларини дин, иймондан чиқариш, ахлоқини бузиш учун арокка ўргатиб, яширин ва ошкора исловатхона-фоҳишлаҳоналар очиб, ўзлари «намуна» кўрсатадилар.

Мирёқуб билан Нойиб тўра меҳмондорчилик вактида Акбаралининг тўртинчи марта уйланишини қоралайдилар. Мирёқуб тўрага Акбаралининг ёш хотини ёнига яқинлаштирмаётганини айтганида, у хаҳолаб кулгани диалогдан сезилади:

«Нойиб тўра мусулмон шариат аҳкомларидан бехабар эмас. У шариатда тўрт марта уйланишга рухсат борлигини билади. «Фақат, — дейди у, — бундан юз йил, эллик йил бурун дуруст эди, замон кўтарарди. Энди замонлар бошқа, Мирёқуб. Ҳозир тўрт хотин олиб, тўрт ташвишни елкага ортишнинг нима ҳожати бор. Одам дегани, албатта, биттага қаноат қилолмайди... бу маълум. Лекин бунинг учун уйланиб ўтириш керакми? Бекорчи харҳашани кўпайтириб нима қиласи киши?» (135-бет). Нойиб тўра учун беташвиш ҳаёт ва ишратли турмуш кифоя. Унинг замонлар ўзгараётгани ҳакидаги қарашлари мантиқлидай туюлади кишига. Бироқ унинг табиатида миллий турмушга тамомила бегоналик яққол сезилиб туради. Зеро, шариат ҳукмидаги кўп хотин-

ликда ҳам маълум маънода жамият ахлоқини тартибга солиш мақсади мужассамлигини у ҳеч қачон тушунмайди ва англаб етмайди. Нойиб тўра назарида уйланишдан мурод албатта, айш-ишратдан иборат бўлиб кўринади. Оилавий турмуш эса «бекорчи хархаша»дан бошқа нарса эмас. Унинг бу одмигина фалсафаси даставвал Нойиб тўранинг ўзи ҳам маърифат кишиси эмас, жайдари бир одам эканлитини кўрсатади. Қолаверса, Шарқ кишисининг оилавий турмуш ҳақидаги қарашларига, ҳаёт тарзига бегона эканлигини кўрсатади. Ҳатто Акбарали ҳам Зебига, фақат айш йўлида уйланмагани, унинг куй-қўшиқларига ишқибозлиги жиҳатидан Нойиб тўрадан анча баланд туради.

Ёзувчи шу тарзда замона руҳини, давр манзарасини чизади. Чўлпон Нойиб тўрага, фақат сиёsatчи, мустамлакачи сифатидагина эмас, оилавий-маиший ҳаёти фонида ҳам назар солади. Персонаж нутқида унинг характери, ҳаёт тарзи, тафаккур даражаси, диди, яшаётган муҳити равшан кўринади. У чин овропаликларга хос ўз туйгу-истакларини чеклаш ўрнига, табиий ҳаётдан завқ олишни хуш кўради:

«Ҳай-ҳавас учун мутлако уйланиб ўтириш шарт эмас. Сен ўзимизникисан, сенга ишониб айтганда, менинг бир ошнам бор: урушга кетган офицернинг хотини. Ёш, чиройли нарса» (135-бет).

Аммо Нойиб тўра, бу ёш, чиройли «ошнаси» билан қаноатланмаган. Ўзи айтишича: «Яқинда, зиёфатда бир савдогар бойнинг хотини билан танишдим... бу оқшом ўшаникига бормоқчиман... очик, дилкаш нарса. Мана холос!» (136-бет).

Нойиб тўранинг аёл зотини «чиройли, дилкаш» деб мақтаса ҳам уларни «нарса» дейиши, беписанд муносабатда бўлиши, руҳий ҳаётдан бегона, жаҳолат ва фахш олами кишиси нутқига хосдир. Нойиб тўра кўнглида Акбарали ҳам ана шундай йўлга юриши керак эди, у эса яна уйланиби: «Аҳмок, Акбарали, аҳмок!..» дейди (136-бет). Битта мўминнинг шаърий йўл билан турмуш

қуриши Нойиб тўрага «ахмоқ»лик бўлиб туюлади. Чунки Акбарали «бекорчи хархаша»ларга ўзини тутиб берган киши бўлиб кўринади.

Айни дамда Мирёқуб ҳам Акбаралининг кўп марта уйланиши, яъни «мусулмонлиги» аҳмоқлик эканлигини инкор этмайди. Чамаси аслида, Акбаралининг «ҳалол» йўлини маъқулласа ҳам, тилида Нойиб тўрага «руҳан иқинлигини» билдириш истагида унинг гапини маъқуллайди. Чунки Мирёқуб ҳам ҳали моддий дунё одами, иктиносидий манфаатдорлик илинжидаги шахс. Шу боис ҳам амалдорнинг райига зид боришдан ожиз.

«Рост айтасиз, тўра, рост. Мана мен ҳам биттага «қаноат» қилиб ўтаётирман-ку... Ҳай-ҳавасларим қолиб кетаётгани йўқ... » (136-бет).

Мирёқубда қисман ўзининг ахлоқий нопоклик интилишларини оқлаш истаги ҳам кўринади. Бу жихатдан у Нойиб тўрадан фарқланмай қолади. Унинг қаноат ҳақидаги фалсафаси мутлақо гайриахлоқий ва гайри-миллийдир.

Шу боис «суюнчиғи» Нойиб тўра, албатта, уни маъқуллайди. Ерли ҳалқларнинг ахлоқий, маънавий жихатдан айниши унинг мустамлакачи мақсадларига мувофиқ келарди. Зоро, мустамлакачи маҳсус ваколат билан ўзга эл — Туркистонга юборилган вакил бўлиб, нафақат ҳарбий, савдо муносабатлари, балки ерли ҳалқнинг диний-ахлоқий муносабатларига дахл қилиш миссиясини ҳам ўз зиммасига олгандир.

Мирёқуб мастилигига, мусулмончилигини унутмайди, аммо худонинг карами кенглигини ўзининг ёмон ишини оқлаш учун, бузиб талқин этади.

«Худовандикаримнинг раҳмат дарёси кенг дейдилар, тўра... Худо хоҳласа... Сиз, ахир, мулла одамсиз...

— Тўра ҳам қаҳ-қаҳ солиб кулди» (136-бет). Энди бу қаҳқаҳа Нойиб тўранинг динсиз, иймонсиз ва факат моддий дунё одами эканлигини кўрсатади.

Ёзувчи (қаҳрамон ҳам) шундан сўнг жиддий оҳангга ўтиб, замона зайли, ижтимоий муҳит, жамият ҳаёти

мураккаблашаётганини кўрсатади. Тўра яна Мирёқубни ўзига яқин кўриб, сиёсий аҳволдан хабардор этади:

«Тоғ томонда оломон кўзголон кўтариб, бир-иккита амалдорникига ўт кўйибди. Эртага тушдан кейин ёнимга аскар олиб, чиқиб кетаётирман. Бугун ҳам ўн етти кишини ушлаб келтирдилар. Оломон қутурган, дейди» (136-бет).

Бу ерда ҳам Чўлпон жумладаги ҳар бир сўзга жуда чуқур маъноларни юклайди. Адиб тушунадики, тоғдаги исёнчилар — миллий анъаналарнинг топталиши, юртнинг азалий қадриятларига путур етаётганидан газабланган,adolat истаган миллатдошлари. Аммо адиб Ноийиб тўранинг позициясига аралашмайди. Баёнчининг холислиги образ ишончлилигини таъминлайди. Тўранинг руҳи безовталигининг сабабларини ошпаз Зуннун билмайди, аммо у ҳам безовталанади. Чунки агар ҳомийси — тўра нотинч бўлса, Зуннун ҳам яқин орада уйланиш, оила, бола-чақали бўлиш ораусига эришолмайди. Бу хадигини у Мирёқубга айтади:

«Бизнинг тўра ҳам жуда хафа. Хоним бўлсалар тез-тез «Русияга кўчиб кетсанмикин?» деб кўяди. «Сен ҳам кетасанми?» деб сўрайди... Улар дунёнинг ҳамма ҳолу ахволини билиб турадиган одамлар, бир нарсани сезишгандир-да, мен бу ерда ҳар хил ўруслар билан гаплашаман. Ҳаммаси ҳар нарса дейди. Ўйлаб кўрсангиз ҳаммасининг гапи бир: «бир бало бўладиганга ўхшайди» (137-бет).

Мирёқуб ҳам Зуннунга кўнглидагини айтади:

«Рост айтасан, — деди. — Тўра менга кўп гапларни айтди. Бири-биридан ваҳималик... Унинг гапларини эшишиб, мен ўз-ўзимга «замона охир бўпти. Қиёмат яқин шекилли» дедим...» (138-бет).

Мирёқубнинг бу сўзларида унинг хотиржам ҳаёти, ҳай-ҳавасларига чек кўйилиши мумкинлигидан ташвишланаётгани сезилади. Ҳали нима эканлигини англашмагани ҳолда, фикрларида қандайдир чайқалиш пайдо бўлаётгани, қизиқувчилик ортгани кузатилади. Ошпаз

Зуннун ярим кечада Нойиб тўранинг хотини билан яқинлашгани, Мирёқубнинг ҳамиятига тегади, қалбини ларзага солади, ихлосини сўндиради. Ёзувчи унинг бу пайдаги рухиятини биргина кечинмасида ифодалайди:

«Мирёқубнинг ранги ўчган эди..

«Тоза бўлган экан бўлгулик! — деди у. — Ҳали тапшу дегин?» (140-бет).

Акбарали ҳам, Нойиб тўра ҳам, унинг хотини ҳам, ошпаз Зуннун ҳам, ҳатто бу муҳитга тушиб қолган Мирёқуб ҳам (унда кейин ўзгариш сезилади) мавжуд вазиятдан ўз фойдаси учун, ҳузур-ҳаловати учун фойдаланиб қолишга интиладилар. Зуннун Нойиб тўранинг аёли билан зино қилишини Мирёқубдан яширмайди. Шу иш билан бир жиҳатдан Мирёқуб олдида ўзининг кичкина ва ожиз одам эмаслигини кўрсатиш истагида бўлади. Иккинчидан, Мирёқубга «Қўрқма, сен мендан яхшироқсан, мавқеинг ҳам баландрок, бегойим билан айшишратга сен лойиқсан» деб, далда беради. Бу билан хотинч замонда Мирёқуб сиймосида ўзига яна бир суянчиқ топиш, ўт ва сувдан омон қолиш истагида бўлади.

Зуннун шу қадар «юксак зот»нинг хотинига яқинлашганидан Мирёқуб ранги ўчганлигининг сабаби шуки, бирлаҳзада у ишонган, қаттиқ суянган баланд тог — Нойиб тўра шахс сифатида бирдан пастлашиб кетгани уни ларзага солади. Бу манзарани ёзувчи Зуннуннинг ҳаяжонли сўзлари билан янада сайдинлаштиради. Зуннун Нойиб тўранинг ўз хотини олдида обрўйи йўқлигини айтганда унинг сўз оҳангига бошлиғи учун ҳижжолат чекаётгани сезилади. Зуннун рус тўралари хизматида экани, ҳатто гўзал хоним билан ишқий саргузаштлари борлигига қарамасдан, ўз ўрни пойгоҳда эканини билади. Аксинча, Мирёқубга ялингандай, дардини тўкиб солади:

(Нойиб тўра) «Хотинидан узр сўрайди бечора! У кетган ҳамон хоним мени чақиртиради. Онаси олдида буйруқ қиласди: «Хўжайнинг келгунча залда ўтири. Келганда чиқиб эшикни оч. Секин юр! Бизнинг уйқумизга халақит берма!» дейди. «Хўп» деб залда қоламан. Залнинг бир

ёнидаги эшик хонимнинг уйларига очилади, бир ёнидагиси йўлакка, йўлакдан — кўча эшигига. Онаси бўлса бола (невара) билан бирга, ҳў... нариги чеккадаги уйда ётади» (Бу ерда ёзувчи уч нуқтали «ҳў...» олмоши ёрдамида масофанинг узоқлигини билдиради — Ш.Т.). Демак, она бояқиши қизининг ахлоксиз ишларидан хабарсиз.

Зуннун тилидан баён қилинган мана бу бир неча сўзда ҳам Нойиб тўра характери, феъл-автори янада очилади:

«Хўжайн, аксари, маст келади, ҳеч нарсани билмайди. Ҳушёр келганида «бор, энди, жойингга чиқиб ёт! Секин юр, хонимни уйғотасан. Шу чоққача тахталик полда юришни билмайсан. Ҳўкиз!» дейди... » (141-бет).

Нойиб тўранинг шу бир, икки сўзидаёқ осиёликларни «маданиятсиз ҳалқ» деб, пастга уриши, беписандлиги аён бўлади. Бироқ Зуннунда мутеълик, итоаткорлик — қуллик шаклланган. У ўз хўжасига ошкора эътиroz билдира олмайди. Шунга қарамасдан, Нойиб тўра оиласининг ички турмуши, оиласий-маиший носозликларидан норози. Тўранинг чинакам юзини Чўлпон персонаж нуқтаси назари билан очади.

Хатто Нойиб тўранинг ўзи билан узоқ суҳбатларда ҳам Мирёқубнинг онги бу қадар тиниклашмаган эди. Чўлпон алоҳида эътибор қаратаетган, бир қарашда кичик туюловчи лавҳанинг қаҳрамон руҳиятида туб бурилиш ясашда муҳимлиги бу ҳолатнинг мустамлака инқирозидан нишона эканлигидадир. Худди шу инқирозни Мирёқуб бошқалардан кўра теранроқ англайди:

«Империяси тағин ҳам ботмасинми, — деди у. — Неча минг, неча лак фуқаронинг жони шуларнинг қўлида. Буларнинг жони эса мана мунақа манжалацилар қўлида экан!...» (141-бет). Энди у «неча минг, неча лак фуқаро» тақдири ҳақида ўйлайдиган, сиёсат устунларининг мўртлигидан ташвишланадиган кишига айлана боради.

Мирёқуб шундай фикрлардан, гуноҳлардан узоқ юриши керак эди. Лекин у Зуннуннинг шайтоний маслаҳатига кириб, Нойиб тўранинг ёш хотинига кўз олайтирди. Адид қаҳрамон тақдирини мантиқий изчилликда

күрсатиши йўлидан боради. Ўзининг пастлигини Мирёқуб бундай изоҳлайди:

«... Биз, эркак ҳалқини ўзинг биласан. Итмиз! Шайтон ҳаммавақт елкамизда... Тизгинни доим чапга буриб туради...» (142-бет). Англашиладики, унда ички бир пушаймонлик туйгуси уйғонган. Ўз-ўзини таҳлил этишга интилиш кузатилади. Унда шайтоний майл-истаклардан тийилиб, «ит»ликдан инсонийликка ўтиш истаги, умиди уйғонган.

Ёзувчи Нойиб тўранинг ёш хотини нега бегоналарга элакишганига бир жиҳатдан эрининг ўзи ҳам айборлитини Зуннун тилидан ошкора айтади:

«Эри — номига эр. У бошқа хотинлар билан юради. Унинг ўйнашлари кўп» (142-бет). Демак, Чўлпон аёлнинг эътиборсиз қолишлиги ҳам табиий майлларнинг юзага чиқишига олиб келиши мумкинлигига испора қилмоқда.

Мирёқуб учун Зуннуннинг сўзлари гўё тўранинг хотинини хурсанд қилиш айб эмас, детан рухсатдай кўринади. Муҳими кейинчалик... Мирёқуб бу иши учун ўзини жиддий айблай бошлайди, яъни унинг ўз сўзи билан айтганда, «итлиги» чекилиб, «одамлиги», вижданни уйгона бошлайди. Ўзини ўзи аёвсиз сўрока тутади (152-бет).

Ёзувчи бу вазиятга ижтимоий, ахлоқий-маънавий баҳони руҳий таҳлил — Мирёқубнинг ички ҳолати таҳлили орқали беради. «Мирёқуб ҳайратлар ичидаги қолган эди». Бу ҳайрат уни янги бир олам кишислига айлантиришга тайёрлашнинг руҳий асосланганини кўрсатади.

Нойиб тўранинг эътирофида ҳар ҳолда ростлик бор. У (Мирёқубга эмас, гўё ўз-ўзига айтгандай), фақат Туркестон эмас, собиқ қудратли империяда таназзул бошланганини тан олади. Нойиб тўра маҳаллий ҳалқ вакили бўлган, «бегона» дўсти Мирёқуб олдидаги дил изҳори сифатида қайғуриб айтади. Бир томондан, Мирёқуб кўп яхшиликлар қилгани учун тўра уни ростдан ҳам дўстим деб билади. Иккинчидан, мастлик туфайли эҳтиёткорликни қўлдан бой бериб, сиёсий хатога йўл қўяди. Қалтиш вазиятдан маҳаллий ҳалқни огоҳ этганлигини англай олмайди.

«Сенларнинг хонларинг билан бизларнинг подшоҳи-  
миз юртларига кўп ҳам ачинмайдилар, шекилли... Сен-  
ларнинг Худоёрхоннингга «ўруслар Оқмачитни олиб  
кўйди», деганлар. Худоёрхон «у юртим неча кунлик  
йўлда?» деб сўраган; «бир ойлик йўлда», деганлар. «Ун-  
дай бўлса, менга унақа олис юртнинг кераги йўқ. Ола  
берсин!» деган... Бизники ҳам, валлоҳи аълам, ундан  
қолишмас» (133-бет). Демак, Нойиб тўрада парчалана-  
ётган империяни асраш истаги кучли. Бироқ у ҳам  
иложисизликдан қийналади.

Чўлпон романда ўша даврдаги сиёсий вазиятнинг  
жуда қалтислиги ва таранглашгани туфайли чор ҳуку-  
матининг Туркистондаги вакиллари, нойиблари ҳам ав-  
валги киборлигини, кеккайишларини ташлаб, бироз  
«халқпарвар» бўлиб қолганлигига ишора қиласди. Нойиб  
тўра, ҳатто Акбарали мингбошига «дехқонларингни но-  
рози қилма, уларнинг ҳам даласи сув ичиб турсин» деб,  
танбех беради. Аслида «халқпарварлик» бўлиб туюлган  
бу ҳол сиёсий хушёrlик туфайли юзага келган эди.

Нойиб тўра Мирёқуб билан ўз уйида тўкин дастур-  
хон устидаги сухбатида барча жадид маърифатчила-  
рини ҳам қийнаётган муаммолар: маҳаллий халқнинг  
қолоқлиги, илмсизлиги, фан-техника тараққиётига бе-  
парволиги, дунёда нелар бўлаётганидан бехабарлиги,  
газета, китоб ўқимаслиги масалаларидан сўзлайди.  
Чўлпон бу ўринда ҳам персонаж нутқи ва диалог воси-  
тасида муаммони ўртага ташлайди. Адибнинг бу услуби  
— миллат дардларини мустамлакачи мансабдор тили-  
дан айтириш цензурани чалғитишининг ягона тўғри йўли  
эди. Нойиб тўра Мирёқубдан «Германия нега кучлик?»  
— деб сўрайди (чунки I жаҳон урушида Россия импе-  
рияси Германиядан енгилаётган эди). Мирёқуб, бу му-  
аммога Нойиб тўра ўзи жавоб беришини истайди. Ўша  
вазиятда бу муаммони анча илмли, сиёsatчи амалдор  
Нойиб тўра яхши билар эди. Мирёқуб тўрага устоз ол-  
дидаги шогирддай тортиниб, қимтиниб муомала қила-

ди. Нойиб тўранинг «Германия нега кучлик?» деган саволига: «Сиз биласиз, тўра» деб, бош эгади.

«Кечакундуз»да худди шу Нойиб тўранинг уйидаги меҳмондорчилик вактидаги сухбатда асар қаҳрамонлари харакат қилаётган ижтимоий мухит ҳар томонлама очиб берилади.

Хонадон соҳиби чор ҳукуматини ағдариб, ҳокимиyatга келиши мумкин бўлган тоифа — инқилобчилар ҳақида сўзлар экан:

«Подшони ҳам ҳайдар, амалдорни ҳам ҳайдар. Миршабларни йўқот, жандармларни ўлдир, урушни тўхтат; бойлардан — ер-сувни, фабрикачилардан — фабрикаларни, заводчилардан — заводларни тортиб олиб ҳалқка бер, дейди. Уларнинг ҳалқ дегани қора ҳалқ, ялангёеклар, ... Юртни ўшалар сўрасин, дейди» (134-бет).

Мирёқуб Нойиб тўранинг кўнгли учунгина эмас, ўзи мулкдор бўлгани учун ҳам инқилобчиларни коралайди:

«Номаъқул отнинг тезагини елти ўшалар! Саводи йўқ, оми бир ялангоёқ келсину юртни сўрасин эмиш... Бойлардан ерни тортиб олиб камбағал экар эмиш...» (134-бет). Чўлпон сиёсий қараашлардаги табақаланишни, инқилобчилар эўравонлигининг асоссизлигини Мирёқуб тилидан маҳорат билан фош этади.

Ҳоким ўринбосари Нойиб тўра катта мансабдор бўлса ҳам ўз ишини яхши билгани учун, маҳаллий ҳалқнинг айрим вакиллари билан сухбатлашади. Эҳтимол, у ҳушёргидаги Мирёқубга кўнглидаги барча ташвишларини айтмас эди. Лекин бу мансабдор тобе ўлканинг оддий фуқароси билан дўстлашиб, энг нозик мавзуларда дилкаш сухбат қуриши қизиқарли. Нойиб тўра маст бўлса ҳам, империянинг ўша вактдаги ахволини тўгри баҳолай олади.

«Муаллифнинг қаҳрамонга муносабати, табиийки, нейтрал бўлиши мумкин эмас. Умуман, буни талаб қилиш ҳам нотўғри бўлар эди, зоро, ёзувчи ҳам бир инсон сифатида кимнидир суйишга, кимдандир нафрлатанишга ҳақли. Бу ўринда талаб қилиниши мумкин бўлган биргина нарса — меъёр, токи: биринчидан, муал-

лифнинг муносабати қаҳрамон ички мантигига зид ҳолатларни келтириб чиқармасин; иккинчидан, ўкувчи қаҳрамонни четдан холис кузатиб, унга ўзи ўз баҳосини бера олсин».<sup>5</sup> Ҳақиқатан ҳам “ўз баҳосини бера олсин”, Д.Қуронов фикрларини давом эттиromoқ истагида, шундай умумлашма бериш мумкин:

Адибнинг «Кечава кундуз» романидан кўзлаган бадиий-эстетик мақсади чоризм мустамлакачилиги даври Туркистон хаёти эпик манзараларини кўрсатиш орқали ўз даврига ишора қилишдир. Зеби ва унинг ота-онаси аччиқ тақдирли, ёш маъсуманинг Акбарали хонадонида чеккан изтироблари, мингбошининг тафаккурдан бегоналити, Мирёқубнинг ўз-ўзини англай бориши каби фактларга таяниб айтиш мумкинки, романда характерлар мантиги ва Чўлпон поэтик мақсади ўзаро мутаносибдир.

Ёзувчи қаҳрамонлар тасвирида айрим ретроспекция усуслари: (хотира, эслаш, тасаввур-хаёл (идеалдаги ҳаёт) ва реал турмушнинг контраст манзараларини бериш) дан унумли фойдаланади. У асар қаҳрамонларига ўз позициясини зўрлаб ўтказмайди. Ҳар бир персонаж ўз табиатига кўра мустақил ҳаракат қиласди. Руҳий таҳлилни терапланаштириш, характерлар интилиши, феъл-автори, руҳий олами, ҳаёт тарихини очища тасвир объектига персонаж нуқтаи назаридан нигоҳ ташлаб, улар ботиний туйгулар дунёсини янгича жилолантиради.

Чўлпон ҳаётни диалектик асосда — қарама-қаршиликлар кураши орқали идрок этган. Бу ҳол ҳодисалар мөхияти ва инсоний характерларни тасвирлашда контраст усулидан фойдаланиш, шунингдек, характерлар конфликтини уларнинг шаклланиши билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар фонида очища намоён бўлади. Ёзувчи асардаги ҳар бир қисм, образ ва бадиий воситаларни изчил ғоявий-эстетик позициясига хизмат қилдириб, роман композицион мукаммаллигини таъминлашга эришган. Буларнинг барчаси «Кечава кундуз»нинг исжимоий-эстетик салмоқдорлигини оширган, эмоционаллитини таъминлаган.

<sup>5</sup> Қуронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. - Т.: Шарқ, 2004. - Б. 171.

## II БОБ. «КЕЧА ВА КУНДУЗ» РОМАНИ БАДИЙ МАТНИ ТИЗИМИДА СТИЛИСТИК ФИГУРАЛАР

### 2.1. Роман бадииятини таъмнилашда интонацион-синтактик ифода усулларининг роли

Жаҳоннинг истеъдодли адиллари ўз ижодларида жамиятнинг илгор кучларини ҳамиша ўйлантириб, ташвишга солиб келган долзарб муаммоларини чуқур бадиий таҳлил ва талқин қилишгани учун, бу асарлар жамият маънавий ҳаётига фаол таъсир кўрсатган. Маълумки, ҳар бир давр адабиётининг етакчи хусусиятлари ўша давр етиширган йирик адабий сиймолар ижодида ўзининг мукаммал ифодасини топади. XX асрнинг биринчи чораги ўзбек адабиётини том маънодаги изланиш даври адабиёти дейиш мумкинки, худди шу хусусият бевосита Чўлпон насрига ҳам хосдир. Биз табиатан изланувчан адебнинг хорижий адабиётларга хос поэтик воситаларни миллий адабиётимизга дадил қабул қиласанниң гувоҳи бўламиз.<sup>1</sup> Энди шу фикрлардан келиб чиқиб, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз»и ҳақидаги фикрларни давом эттирайлик. Адебнинг бу асарни ёзишдан мақсади Зеби, Ақбарали мингбоши ёки Мирёқуб характерларини кўрсатишдангина иборат эмас, албатта. Серқирра истеъдод эгаси бўлган Чўлпон романда бу шахсларни асосий қаҳрамон қилиб олса-да, адебнинг бадиий-эстетик мақсади чоризм мустамлакачилиги даврида Туркистон ҳалқининг бошига тушган, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романни мұқаддимасида айтганидек, «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари» эпик манзараларини кўрсатиш эди. Зеби ва унинг ота-онаси аччиқ тақдири, ёш маъсуманинг Ақбарали хонадонида кундошлар даврасида чеккан изтироблари, мингбошининг тафаккурдан бегоналиги, Мирёқубнинг ўз-ўзини англай бориши ёзувчи поэтик мақсадига характерлар мантигининг мутаносиблигини кўрсатади.

<sup>1</sup> Куронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. - Т.: Шарқ, 2004. - Б.224.

Ижодкор романдағи характерларни турли вазият — шароитларда олиб қарайди. Маълумки, характерларнинг очилишида бадий асар сюжети ривожида юз берадиган ҳодисалар — кутилмаган вақтда воқеаларнинг кескин ўзгариши (перипетиялар), шулар оқибатида қаҳрамонлар руҳиятида туғиладиган — мураккаб кечинмалар (коллизиялар), мушкулотлар ҳам муҳим аҳамиятта эга.

Бадий тасвирда ифодалилик ҳосил қиласынан да маълум стилистик вазифани бажарадиган интоацион-синтактик ифода усулларидан бири стилистик фигура-лардир<sup>2</sup>. Стилистик фигураалар ёхуд бадий тасвир воситалари ифоданинг таъсирчанлигини кучайтиришга, нутқ эмоционаллигини оширишга ёрдам берадиган маҳсус синтактик курилишлар. нутқ обороти бўлиб, уларга такрор, жим қолиш, антитета, градация, перифраза, инверсия каби интоацион-синтактик ифода воситалари киради. Рус тилидаги «фигуральное выражение» тушунчаси ҳам шундай нутқ оборотларига нисбатан ишлатилиб, у ўзбек тилида «образли ибора» термини билан ифодаланади.

«Ҳар бир конкрет асарнинг тили ва услуби унинг режаси билан бирга етилади, — дейди Н.Риленко. — Тилни халқ яратади, аммо унга ишлов бериб бадий-лаштирувчилар сўз санъаткорлариридир... Ёзувчининг тилга оид диди ва иқтидорини унинг китобий нутқ билан жонли нутқ унсурларини қанчалик яхши уйғунлаштира олиши белгилайди».<sup>3</sup>

Шу нуқтаи назардан Абдулла Қодирий, Ойбек, Faфур Фулом, Абдулла Каҳҳор каби адилларимиз асарларига ёндашсак, уларнинг ҳаммаси ҳам жонли халқ тилини адабий тилга санъаткорларча пайванд қилиб ишлатганларини кўрамиз. Аммо ҳудди шу икки дарёни — жонли халқ тили билан адабий тилни бир-бирига

<sup>2</sup> Қаранг: Хотамов Н., Саримсақов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли луғати. - Т.: Ўқитувчи, 1979.

<sup>3</sup> Риленко Н. //Вопросы литературы. - Москва, 1967. - №6. - С. 131.

қандай қилиб қўшиш, уларни қайтарзда уйғунлаштириш масаласини ҳар бир ёзувчи ўз олдига кўйган ғоявийбадиий вазифадан келиб чиқиб, ўзига хос дид, иқтидор, ҳаётий тажриба иштирокида мустақил ҳал қилади. Уларнинг тил ва услубларидағи хилма-хиллик ҳам бир жиҳатдан мана шундан келиб чиқади.

«Кече ва кундуз» романни ҳам ўзига хос услубга эга. Ёзувчи тафаккури ва тасаввур кучи билан яратилган мазкур романда ҳар бир бўёқ ва сўз маънолари нозик фарқларига эга. Чунки Чўлпон сўз танлашда ўта синчковлик билан ишлаган, тасвирининг жонли, ишонарли, эстетик таъсирчан бўлиши учун қайғурган.

Фикримиз тасдиғи учун қўйидаги парчани кўриб чиқайлик: «Уйида вактида Рассок сўфи ё ариқ бўйидаги кўкатларни юлиб, ё эшик ва дарвозаларнинг бўшалиб колган занжирларини маҳкамлаб, ёки ҳовлида ўтин киркиб, ё бўлмаса — икки қўли орқасида, дам ичкарига кириб, дам ташқарига чиқиб, дам ҳовлига ўтиб, лабларини ари чаққан одамдай оғиз очмасдан, индамасдан юра беради...» (11-бет). Такрорланиб келаётган сўзлар (ё, ёки, дам...) лексик фон яратади. Гап ичида бир неча бор такрорланиб келаётган деталлар (юлиб, маҳкамлаб, қирқиб, кириб, чиқиб, ўтиб) муаллиф баёнига хос бўлган хусусиятдирки, бу восита орқали қаҳрамонга баҳо бериш имконияти вужудга келтирилган. Парчанинг охирида кўйилган уч нуқта — чуқур пауза ва муаллиф оҳангидаги бузилиш, нутқ оқимининг узилиши ҳам услубий восита бўлиб, мазкур парчанинг табиийлигини ниҳоятда кучайтирган, қаҳрамон характеристининг хаётйлигини таъминлаган.

Таянч образ сифатида ишлатилган ҳар бир сўз бир рикмаси, сўз, ҳатто морфема бутун матнда нутқий-образли бутунлик ташкил қиласи. Бу стилистикада<sup>4</sup>

<sup>4</sup> Стилистика – адабиёт назариясининг бир бўлими бўлиб, поэтик тил хусусиятларини ўрганувчи соҳа. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 211.

эришилган ютуқлардан биридир. Ҳеч шубҳасиз, Чўлпон ҳам роман тили поэтик жилосини ошириш, ифодавий гўзаллигини таъминлашда бадиий нутқнинг ўзига хос аҳамияти ва ролини теран анлаган.

Роман матни билан ишлаш давомида ёзувчининг даракловчи сўзларга кўп эътибор қаратганини кузатамиз. Масалан, роман воқеаларини ёритища Чўлпон бир неча ўринда «бесаранжом» сифатини такрорлайди. Бу унинг бошқа сўз топа олмаганлитидан эмас, албатта. «Бесаранжомлик» содир бўладиган воқеага кириш ҳосил қиласди. «Бесаранжомлик» — экспрессионликни кучайтирувчи, кетма-кет, ўзаро боғланиб келувчи ва ҳар бир погонада ҳал қилувчи маънони ифодаловчи кучли усуулга айланади:

«Отаси бомдоддан кирмаган, онаси сигир соғиш билан овора, ўзи кичкина саҳнни супуриб турган вақтида ташқари эшикнинг бесаранжом очилиши Зебининг кўнглини бир кур сескантириб олди» (5-бет). Биз **бесаранжом** сўзини даракловчи сўз деб олдик, кейинги парчаларда бунга жавоб топамиз. Бесаранжомлик, дастлаб айнан Зеби ҳолати билан бошланади. Бир қарашда ёзувчи бу сўзни шунчаки ишлатгандек туюлса ҳам, тасвир билан танишиш асносида у маҳсус қўлланган восита эканлигига амин бўламиз. Кейинги парчада **бесаранжомлик** иккинчи погонага кўтарилади:

«Бу қишлоқ саёҳати, аравакаш йигитча билан тасодифан танишиб қолиши, шу танишув орқасида кўнглида сезгани бесаранжомликлар бечора қизни ҳалигидек қора ўйларни ўйлашта мажбур қилган эди» (37-бет). Бу парчада ёзувчи Зебининг кўнглида кечайтган муҳаббат учкунларини туйгулар гирдоби «қора ўйлар» исканжасида кузатади. Шу орқали унинг ички оламига назар солади. Ҳар бир такрорланган «бесаранжомлик» қаҳрамон кечинмаларида бурилиш ҳосил қиласди, руҳий жараёнлар ривожининг яна бир қиррасини очишга замин тайёрлайди.

Навбатдаги погона:

«Бу ёшликтинг бепарво қучогида маъсум гўдаклардай, ҳеч нарсадан хабарсиз тўлиб-тошиб ухларкан, сўри томонда икки кампирнинг ташвиши билан, алланега бесаранжом бўлиб пичирлашгани эшитиларди» (66-бет). Энди Зеби тақдири ҳақида онаизор Курвонбиги ва Салтанатхоннинг оналари бесаранжом, пичирляяптилар. Кузатганимиздек, такрорланиб келаётган «бесаранжомлик» ўзаро кўринмас иплар билан боғланиб, матнда муҳим вазифани адо этмоқда.

Кейинги погона:

«Уч бўлиб айтилган шу икки оғиз сўзда ҳам бесаранжом бир жадаллик бориди. Эрининг бирор нарса дейишини кутмасдан бечора хотин бояги бесаранжомлик билан қаторасига уч саволни чизиб ташлади!..

— Мингбоши бўлса хотини бордир? Худо уриб, кундош устигами?!

Бу бесаранжом саволлар қизнинг қулогига жуда аниқ эшитилган эди» (69, 72-бетлар) Келтирилган парчада бир неча бор такрорланган бесаранжом сўзи вазиятнинг тобора кучайиб боришига хизмат қиласи. Сюжет ҳаракатини таъминловчи такрорланиб келаётган «бесаранжомлик» олдиндан хабар берувчи «шароитни ифодаловчи ибора»га («обстановочная фраза» — В.В.Виноградов истилоҳи) айланади.

Чўлпон кескин бурилиш ясайди, энди **бесаранжомликлар мингбошига ўтади**:

«Хўжайнинг бесаранжом кўнглини тинчитай, ундан кейин ётиги билан бу хабарни эшитдирман» деган бўлса-чи?!» (88-бет). Адид **бесаранжомликларни** мингбошига юклар экан, Зебида **бесаранжомлик** билан бошланиб, турфа босқичларни ўтагач, ниҳоят бефарқлик ва тақдирга ризолик билан тугаган ҳис-туйғуларнинг поймол бўлишини қуидагича чизади:

«Зеби каттакон уйнинг тўрисида, очиқ дераза ёнидаги бурчакда, чимилдиқ кетида онаси билан бирга ўтиради. Унча бесаранжом бўлгани ҳам кўринмасди» (106-бет).

Ёзувчи Ақбарали мингбоши Зебини интизорлик билан кутаётганини тасвирлар экан, яна унинг ҳам бесаранжомлигини күрсатади:

«Мингбоши ишнинг бу равишга киришини ҳеч бир кутмаган эди. Бошқа ҳамма кишилардай у ҳам Зебининг тутқалоқларини «қизнинг нози» деб билар ва тезда ўтиб кетишига ишонарди. Шунинг учун кундузларини жуда бесаранжомлик билан ўтказиб, кеч кирганда энтика-энтика ичкаридан севинчлик хабар кутарди» (113-бет). Ақбаралидаги бесаранжомлик Зеби кечинмаларидан кескин фарқланади. Унинг энтишиларида қиз қалбига бегоналик баробарида гўзал туйгулардан ҳам йироклик, бир қадар тўпорилик намоён бўлади.

Чўлпон мингбошидаги **бесаранжомликларга** чек қўйиб, Мирёқубга ўтади:

«Мирёқуб битта-битта қадам босиб Нойиб тўранинг уйига томон юрди. Унинг миясида аллақандай бесаранжом фикрлар айланарди» (127-бет). Адиб Ақбаралига ўхшаган минглаб одамларни тасвирлаб ўтирмайди. Аксинча, бир қарашда ғурур пардасига бурканса-да, ўз нафсини тия олмайдигандек кўринган Мирёқубдай писмиқ, айёр киши қалбига ҳам одамийлик белги-хусусиятлари сақланганлигига дикқат каратади. У энди мовий кўз дилбар кўнглини ўлдирмаслик, умидини синдиримаслик, аламли ва айни чоқда маъсум дилида уйғота олган туйгуларини сўндиримаслик тилагида. Бошқачароқ айтганда, «Мирёқуб рухан иккига бўлиниб ўз-ўзи билан курашади» (Д.Қуронов). Энди у «итлик»да мингларнинг бири эмас, бинобарин Ақбаралидан кескин фарқланади. Гарчанд Мирёқуб ҳали одамийлик сарҳадларига ўтишга ўзида тўла маънода ички куч топа олмаган бўлса-да, унинг туйгулар оламидаги **бесаранжомлик** шайтоний майллардан раҳмоний кечинмалар томон сезиларли силжиш содир бўлаётганини кўрсатади. Қаҳрамон ўз қалбидаги итликнинг осий ўйларини ҳайдашга, узоқ туш мисол ёхуд бир босинкираш каби ўтган умрини таҳлил этиш ва уйғонишга ички эҳтиёж сезади.

Мирёқуб ва Марям муносабатларини тасвирлаб туриб ҳам, **бесаранжом** кўзларга ургу беради: «Ўпib бўлгандан сўнг Мирёқубнинг ёнидан унча узоқлашмасдан унинг қоп-кора ва бесаранжом кўзларига тикилиб турган хотин, ғолиба, унинг шу топда кечираётган талвасаларидан хабардор эмасиди» (148-бет). Мирёқуб қиёфасида «азиз дўст» ва меҳрибон акани кўриб, «сингил сифатида» ҳар қандай ҳирсдан йироқ, гоятда тинч ва локайд тарзда келиб пешонасидан ўпган Мария учун Мирёқуб чин маънода ҳалоскор дўстга, азиз ва қадрли кишига айланган эди. Мирёқуб эса дабдурустдан аёл киши билан бу қадар дўстона яқинликни тасаввурига сиддира олмайди. Унинг баданлари «дир-дир» титраши, аёлнинг қўлларидаги қизғин ҳарорат ҳамда мулойим майинликдан бесаранжом бўлиши гоятда табиий чизилади. Мухими, Мирёқуб гўзал ва ёқимли туйғулардан масур бўлиб, ўзини ярамасликлардан тия олади. Ҳаётда, фақат уни деб яшashi мумкин бўлган бир инсон кўнглига йўл топганидан, шу гўзал аёл ўзининг маъсум қалбига кирмоқнинг бутун ихтиёрини унга топширганидан ўзида йўқ шод эди. Бинобарин, бу бесаранжомлик ўткинчи жисмоний талваса эди холос.

Келтирилган парчалардаги такрор матнни бирлаштирувчи, характерлар руҳиятини очувчи восита сифатида келади. Ёзувчининг ўткир нигоҳи ҳеч бир детални кўздан кочирмайди. Воқеалар ривожи давом этяпти, шу билан бирга **«бесаранжомлик»**лар ҳам:

«Ошхонадан Зуннуннинг бесаранжом хурраги, йироқлардан хўрозларнинг чўзиб-чўзиб чақиришлари, ҳовли томондан очилаётган эшикнинг шарпаси эшитиларди...» (152-бет). Ҳар бир такрорланган **«бесаранжомлик»** ўз маъно кучига эга. Масалан, Зебидаги **«бесаранжомлик»**да кўпроқ чорасизликка мойиллик бор. Мингбошидаги **«бесаранжомлик»**да ички хотиржамликнинг йўқолиши, Мирёқубда руҳий покланишга томон силжиш сезилади. Зуннуннинг **«бесаранжомлиги»**да эса ўз тақдиридан ташвишланиш, айёrona режалари фош бўлишидан хаво-

тирланиш мавжуд. Яқунловчи парчадаги «бесаранжомлик»да эса оқ подшонинг ҳар бир буйргуини илгариғидай сўзсиз бажармай қўйган ҳамда важоҳати ўзгарган халққа янги соликлар жорий қилиш мушкуллигидан чўчиған амин ва элликбошиларнинг хавотири, эҳтиёткорлиги ҳамда иложсиалиги акс этган. Пировардида эса Чўлпон муқаррар ўзгаришлар, янги пўртанаалар олдидаги эл-юрт сабр косасининг тўлиб бораётгани билан боғлиқ **бесаранжомликни** ҳам ифода этмоқда:

«Ўтирганларнинг оғзидан хор билан айтилгандай яхлит ва бесаранжом бир овоз чиқди: ғу-в-в!... Худди «дод - д» дегандай...» (204-бет).

Англашиладики, Чўлпон қўллаган бадиий такрорлар тасвиrlанаётган вазият-ҳолатга, объектга нисбатан ўз субъектив муносабатини ифодалаш, уни баҳолаш, айни воқеа-ҳодисасининг назарда тутилган томони, у ёки бу характер табиатига хос белги-хусусиятларнинг намоён бўлиши жараёнини кўрсатиш орқали ўқувчи диққатини тортиш, уни чуқурроқ акс эттиришта хизмат қиласи.

Чўлпон поэтикасида қиёслаб бўлмайдиганни қиёслаш ҳоллари мавжудки, бир қарашда номухимдек кўринган кундалик ҳаёт тафсилотлари сюжет ҳаракатини бирмунча ўзгариради. Образлар ёки вазиятларнинг ассоциация асосида яқинлашиши содир бўлади. Чўлпон қўлланган бундай усул, бадиий психологизм стилистикасига тегишли. «Бурунги сўфидан, яқиндатина келиб, бир ҳафта ётиб кетган сўфидан асар йўқ. Унинг ранги, маҷитнинг жайдари шамидек сап-сариқ... Гўё касалдан яқиндагина бош кўтарган» (259-бет). Сўфи ва маҷитнинг жайдари шамини тенглаштириб бўлмайди гўё, булар тавсиф қилинаётган объектлардир. Уларни бирлаштираётган нарса эса ассоциатив қаторнинг мавжудлиги, яъни бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланишдир. Перифразага хос кўчим билан романда нутқнинг тасвирийлик ва таъсирчанлиги ортирилади. Чўлпон юкоридаги парчада объектлардаги асосий белги-хусусиятларга хос яқинлики, ўзаро алоқадорликни назарда тутади.

Тасвирларга поэтик кўчимларни киритиш адаб баёнига хос бўлган характерли жиҳатлардандир: «Пиёладаги чойни ярим қолдириб кўчага чиқсан вақтида сўфи ўз-ўзини таниёлмай қолди. Оёқлари худди тобут кўтариб бораётган мусулмоннинг оёғидай бир-бирига тегмасиди» (202-бет).

Баъзан иборалар «шартли сўз бирикмалари» билан ҳам алмаштирилиши мумкин: «Уч овозлик қизга яна бир нечтаси қўшилиб ялла оҳанги кўкларга кўтарилгандан кейин қишлоқнинг паст-паст, ийикиқ-ёриқ доволларидан осонгина ошиб ўтиб, битта-яримта йигит-яланг ҳам тўплана бошлади» (33-бет).

Таҳлил давомида ибораларнинг тасвиридаги сукут саклаш усули билан ҳам ўзаро боғланиб келишини кузатишимиш мумкин. Бунда муаллиф баёни кўп маъно англатувчи уч нуқта билан узилади, кейинчалик китобхоннинг ўзи матн эквиваленти сифатида бу фикр, жумлани тўлдиради. Масалан: «Мирёқуб — ит эмас, одам! У ёш бир хотинни баззоз дўконидан ўзига тоза кўйлаклик танлагандай қилиб танлади. Еттинчиси чакки эмас... юзининг тозалиги биринчи қарашдаёқ барқ уриб туради» (118-бет).

Баён оҳангидаги сукут саклаш ва узилишлар муаллифнинг қаҳрамон ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ниҳоятда чуқурлаштиради: «Чунки ўн бир хотин орасида еттинчиси бўлиб қўлга кирган Мария Острова ҳали ёш... Яқиндагина яхши ва најиб бир оиласинг эрка қизи бўлган... Хўжайиннинг айтишича, бир хиёнат уни бу кўйларга келтирган... Хўжайин ҳам уни кўз корасидай саклайди... Мирёқубга кўрсатди, бошқа анча-мунча одамга кўрсатмайди... Хотин ўзи одам танлайди... Йўқ, одам эмас, пул танлайди!» (118-бет). Бу сўзларда Мариянинг чорасизлиги, у кўнглига ёқадиган одамни эмас, ватанига кетиш учун пул топиш учун фохишалик қилишга мажбурлиги сезилиб туради. Адаб китобхонга образ ҳақида иложи борича тўла маълумот бериш билан бирга қаҳрамон тавсифига, қиёфасига тегишли чизгиларни ҳам жонлантиради. Чўлпон тасвирлашда да-

вом этар экан «сукут сақлаш» усули орқали китобхонга қаҳрамон ҳақидаги янги ўй-фикрларни «тақдим этади»:

Мингбошининг ўйлари:

«Шу қиронларнинг бир-бири билан урушгани ёмон бўлди... Кўп одам қирилди, дейди нойиб тўра. Менинг мирзам Соколов ҳам дараксиз кетди. Уч ойдан бери дараги йўқ. Юрт ҳам, самовардай ичидангина аста-аста қайнаб ётиди. Бир тошади бу! Ёмон тошади лекин. Одамларнинг юзига қарасам, ўрис — мусулмон ҳаммасининг кўзи бежо... «ютаман!» дейди. Қимматчилик борган сари авж оляпти. Шундай оқпошшонинг ҳазинаси қоқланиб қолдимикин? Оқпошшо менинг гапимга кирса, юрт берса берардики, тезроқ яраш қилиб одамларни тинчтарди. Аллақайлардаги юртларни деб бошини қазога тутадими киши...» (114-бет). Ушбу парчада ишлатилган уч нуқталар қаҳрамон хаёлидаги ўй-фикрлар тобора таранглашиб боришини яққол кўрсатади.

Чўлпон бадиий олами оҳанграбо қучига эга. Романда нутқнинг таъсирчанлиги ва тасвирийликни беришда тилнинг барча қатламлари иштирок этади. Муаллиф баёнидаги драматик тарангликнинг ошиб бориши графикани ҳам ўз ичига қамраб олади, бунинг оқибатида муаллиф интонацияси ёзувда ўз аксини топади. Масалан, Курвонбибининг сўфи билан Зебининг тақдири хусусида бўлган суҳбатидан парча:

«Илгари... мингбоши ўлгурга... бермайман деб келиб эдингиз... қўрсайиб... мақтаниб гапириб эдингиз... «Бенамозга... қиз йўқ!» деган эдингиз... қани у қўрсайишлар? Нима бўлди? Туппа-тузук сўфи одам бир бенамоз, бир бўзахўрга қиз бериб ўтирибсиз?» (45-бет). Бу мисолдан кўринадики, нутқ оқимининг кескин узилиши қаҳрамон ҳиссиёти, ҳаяжонидан далолат беради. Буларнинг ҳаммаси муҳим услубий вазифани бажариб, асарнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини, қаҳрамон кечинмала-рининг ҳакконий ва ишончлилигини таъминлайди.

Содир бўлаётган воқеаларни реал тасаввур қилиш учун муаллиф иложи борича бу ҳаракатларни ҳозирги

замонга кўчиради. Ба бу билан китобхонга анча яқинлашади. Бундан эса бевосита алоқа вужудга келади: баён қилувчи — тасвиrlанаётган объект — китобхон. Муаллиф ўзи баён қилаётган воқеаларни хозирги замонга кўчириб гапираётгандай, буларнинг ҳаммасига ўзи гувоҳ бўлгандай ва тўғридан-тўғри уни эшитаётган китобхонни гувоҳликка чақираётгандек, воқеалар иштирокчисига айлантираётгандек таассурот қолдиради.

Акбарали ва Мирёқуб образлари ҳакида сўз борганда муаллиф уларнинг қилмишларини «итлик» билан соилиширади. Ҳудди мана шу итлик билан солиштириш қаҳрамонлар шахсиятига хос сифатларни тавсифловчи хусусиятлардан бирига айланади. **Итлик** билан чогишириш қаҳрамон ҳаётининг маълум бир даврига таалуқли бутун тафсилотларни ҳам, қаҳрамон характеристини ҳам динамик равища очиб беради.

Асада Акбаралининг майший ҳаёти, баъзи «итликлари» тоҳ воқеа орқали, тоҳ унинг оғзидан чиқкан соғлом мантиқдан узок сўzlари — қаҳрамон нутқи воситасида очилади.

Ёзувчи қаҳрамонининг феълини доимий равища **итлик** билан таққослар экан, инсон шахсиятида ҳайвонларга хос бўлган хусусиятларни ассоциатив қиёслаш орқали ёритишга ҳаракат қилади. Муаллиф қаҳрамон ҳулқини, ҳар бир ҳаракатини тасвиrlашда асосий тавсиф учун жалб қилинган «итлик образи»га таянади. Акбаралида оқиллик танқис. Қалб мамлакатининг шайтоний амалларга таслим бўлиши, улардан узилиб ўз табиатини поклаш ҳакида қайғурмаслиги айнан ақлнинг заифлигидандир. У жоҳил бўлиб вояга етган. Бинобарин, машаққат ва қалбини қоплаган губорлардан ҳам халос бўлиш лозимлитетини англаш босқичидан йироқда яшайди. Зеро, инсоннинг камолотга етмоги, фақат маърифат орқали мумкин бўлади. Қалбини зулмат пардаси хира қилган Акбарали табиатига хос ҳолатлар тасвири орқали Чўлпон бу жараённинг ички ва ташки сабабларини излайди. Пировардида китобхонда инсон зоти нуқсондан

комиллик сарҳадларига ўтиши, фикрий ва қалбий комилликка юксалиши нақадар зарур эканлиги ҳақида тасаввурлар уйғотмоқни тилайди. Ақбарали тақдири орқали жаҳолат илдизларига назар солиш имконини туғдиради. Ўз умрини фафлат оғушида зое қылган кишининг, бу нодир неъматни гуноҳ йўлида сарфлаган нодон кимсанинг фожиали тақдиридан ибрат олишга ундейди. Ўлка маънавий ҳаётининг қора саҳифаларини ички бир изтироб, аччик надомат, сўнгесиз ҳасратлар билан ифода этади. Демак, унинг **итлик** ҳақида сўзлаши ҳаётни жиддий кузатиш ва чукур мулоҳазакорликка асосланган. Даствлад Чўлпон шундай бошлайди:

«Ақбарали деган бир одамнинг ёнида ҳукумат мухридан, зотида паст бир итликтан бошқа нарсаси йўқ. Мирёқубнинг каттакон мияси, ўткир ақли бор! Мингбоши ўйлайдики, Мирёқуб унинг қуйруғи... Мирёқуб ишонадики, мингбоши — туж, бурнига ип ўтиказилган, ипнинг учи — сарбонда, яъни туячида, сарбоннинг номини Мирёқуб қўйганлар... Ана, Ақбарали деган одам мингбоши бўла туриб, арзимас хотинлар орасида итлик ролини ўйнаб ётади» (117-бет).

Келтирилган парчада мингбошининг қиликлари **итлик** билан солиштирилиб, кейинги эпизодларда ривожланиб боради ва юқорида таъкидлаганимиздек, бу инсон шахсиятида ҳайвонларга хос бўлган хусусиятлар кўринади: «Мингбоши одам шаклидаги ит бўлгани учун бирдан ҳаммасига чанг солади, ҳаммасини бирдан чанглари орасига олмокчи бўлади, қутуриб терисига сигмаган шердай, ҳаммасини баравар парчаламоқ истайди... Нихоят, мастлик билан ва ҳам — ўтакетган ҳайвонлардагина бўладиган олчоқ, очкўз, мечкай ва ямловчи ҳис билан! — кўзи кўр бўлиб, хушёр вактда қарсанг кўнгил айнайдиган биттасини илинтиради-да, ўзи ифлос, чангалидаги ови ифлос, икки ифлос бир-бирига суйканиб, тагсиз ботқоқ ичига ботиб кетишади! Мастликда хотин танлаб бўладими? Мастнинг кўзига мушук — фил, фил — мушук бўлиб кўринади... Кампирни —

пари қиз қилиб кўрсатадиган тилсимли ойна ичкиликдан бошқа нарса эмас! Мирёқуб — ит эмас, одам!» (118-бет). Агар дикқат қилинса, Чўлпон нуқул Акбарали билан Мирёқубни бир-бирига қиёслайди. Бирини ёқлаб, иккинчисини инкор қиласди.

Акбарали мингбошининг хулки ва ҳиссиётларида на-моён бўлаётган **итлик** энди Мирёқубга кўчади. Мирёқубдаги **итлик** аввалги хаётининг изларидай ўтиб кетади:

«Унинг миясида аллақандай бесаранжом фикрлар айланарди. «Мирёқуб — бурунги Мирёқуб эмас, нега бу қадар секин юради? Унинг шу чоққача санаб қадам босганини кўрган одам борми дунёда? Нима бўлди ўзи унга? Ўзи ҳам ҳайрон! Акбарали мингбошида бўлган итлик бунда йўқмиди? Бу қутурмаганими? Бу сувдан ҳам мулоийим, сутдан ҳам оқ, чумолидан ҳам беозор, мусичадан ҳам сўфими?»

«Йўқ! Бу ҳам Акбаралига ўхшаган мингларча итларнинг бири, фақат бу билан Акбарали мингбоши ўртасидаги фарқ шуки, бу ўзини ундан юқори олади. Шу юқорилик ҳисси, шу гурур — унинг ўзидан итликни тўсиб турди, ўзига кўрсатмайди, унинг ўзини алдайди...»

«Йўқ! Бу билан Акбарали ўртасида тоғ қадар фарқ бор! Ана, Петрограддан келган мовий кўзли дилбар бунга гувоҳ! Мирёқуб Акбаралига қараганда фаришта. Буни Петроград гўзали ҳам тили билан тасдиқ қиласди. Мирёқубда итлик йўқ!.. Бўлса ҳам, шу топда ҳеч нарса қолмади... Ҳаммасини ана у мовий кўзли гўзалнинг билинмас кучи юлиб ташлади, таг-томири билан юлиб ташлади!...» (127-бет).

Ёзувчи солиштиришда давом этади Мирёқуб характеристи, ҳиссиётларидағи ўзгаришлар тобора авжига чиқяпти:

«Юлиб ташладими? Таг-томири билан юла олдими? Йўқ! Бекор гап! Неча йиллардан бери илдиз ёйган, шоҳ тарқатган, кулочлаб ўсган нарсани бир қараашда юладиган куч йўқ ва топилмайди! Унинг илдизлари Мирёқубнинг баданида ҳали жуда кучли! Ана ўша куч эмасмики, уни кетаётган йўлида бирданига тўхтатди. Тўхтат-

ган жойида бир уйнинг зинасига ўтиришга мажбур қилди. «Итлик» бош кўтариб келарди...»

«Итликнинг шу хилда осий ўйлари билан Мирёқуб қандай қилиб ўрнидан турганини ва номер зинасидан шошилиб юқорига чиқаётганини ўзи билмай қолди... Итлик фикрлари яна орқага тисарила бошлаган каби бўлди...» (128-бет).

Муаллиф қиёслаш билан бирга Мирёқубнинг ички дунёсида, онгида кечайётган ва ҳали тўла англанмаган фикр-туйғулар жангини ҳам тавирлаганлиги, характернинг ўз-ўзини таҳлил этиши усулидан фойдаланганлиги аён бўлади:

«Бу қандай овоз? «Итлик» асари борми шу овозда?...

— Ҳай, Мирёқуб! Писмиқ Мирёқуб! Айёр Мирёқуб! Тулки Мирёқуб! Шайтон Мирёқуб! Нафсининг бандаси, бузук, шарманда Мирёқуб! Умрингда бир марта салгина, пичагина, қиттайгина итликни ташлаш, одам бўлиш фурсати топилибди-ю, шунда ҳам мағрур бўйнингни жиндаккина этгинг келмайдими? Шунда ҳам-а! Сен ит бўлсанг, шошма, итлик қилишга ҳали ултурасан! Итлик топиладиган нарса...» (129-бет).

«Индинга кетадиган бўлсак, менга бир дутор чалиб, ашула айтадиганини топиб бер. Бу тил билмасларинг билан зерикиб кетдим...», — дейди Акбарали Мирёқубга қарат. Зоҳиран қаралса, мингбошида ҳам **итлик** барҳам топаётгандай туюлади. Бироқ Акбаралининг зерикиши ва бу даргоҳдан кетмоқни тилаши ҳали **итликнинг** тарқ этилиши тилагида эмас. Чўлпон ўта нозик қочиримлар билан айтганидай, мингбоши ҳали биринчидан, бу хонимлар кўнглига урганидан, иккинчидан тил билмасларидан зериқмоқда. Буни яхши англаган Мирёқуб унга бошқа номерга кўчишни таклиф қиласди. Айни пайтда адид Акбарали қалбида ниш ураётган ва унинг жисмоний имкониятларидан ҳам келиб чиқувчи руҳий қониқмаслик, эҳтимолки «тил билмаслар»дан туюлган нафрата ҳам ишора қиласди. Агар шу фикрга таянилса, «кўнглимга урди», — деган мингбошининг «ду-

тор чалиб, ашула айтадиган», яъни кўнглига яқин кишини қўмсашини тушуниш ҳам осон кечади. Бинобарин, айнан шу маънодагина Акбарали характери нуқул кора рангларда чизилмагани, тирик одам сифатида ҳаққоний ифодаланганини кўриш мумкин. Аммо айни ҳолат-вазият учунгина йилт этиб кўринган бу жиҳат мингбоши табиатини бошқармайди. Мирёқубнинг: «Қутлуг бўлсин, итликнинг йўқолиши! Худога шукур, минг қатла шукур, одам бўлибсиз», — деган кинояли ҳазилларига Акбарали: «Ўтир!» — деб бақириш билан жавоб қайтаради» (144-бет). Шу биргина сўз мингбошининг ҳамон Мирёқубни ўзининг қуйруги деб ўйлашини, **итлик** ролини бажараётганлигини ҳам, сарбоннинг етовидаги тuya эканлигини ҳам англаб етмаганлигини кўрсатади. Қолаверса, унда жаҳлини босиб олиб вазмин сўзлашдан кўра ўшқириш ҳолати содир бўладики, бу ҳам Акбаралининг маънавий даражасини кўрсатади. Қўли кўксисда «Хўп-хўп»лаб турган Мирёқубнинг сўзлари ҳамон мингбоши учун жумбоқ бўлиб туюлади:

«Хўп, хўжайин. Эртага кундузи ҳаммаси бўлади. Индингача империяни ботирамиз...

— У нима деганинг?

— «Итликни ўлдирамиз!» деганим... Яхши туш кўриб ётинг, хўжайин! Хайр энди, хонимлар!» (144-бет). Бу билан ёзувчи икки қаҳрамондаги авж олиб келаётган итликнинг одамийликка томон силжишини миллий рангларда ифода этади. Шундай қилиб, образли алоқаларнинг ўзаро чатишувида вужудга келган нутқий-образли бутунлик ижтимоий муҳитни ёрқин тасвирлаш имконини беради. Демак, ўша давр ижтимоий муҳити мана шундай шахсларни тұғдирған. Уларни турли даражаларда кўрган ва бир-биридан фарқлаган адид эпик кўламдорликни таъминлашга әришади.

Чўлпон ўз дунёқарашидаги ҳаққонийликка садоқат ва нопокликка нафратдан келиб чиқиб, ижтимоий муҳитни, шу муҳитдаги инсоний муносабатларни бадиий деталлаштириб, маънодор тафсилотлари билан моддий-

лаштиради. «Совуқ қўл совуқлик билан узалади: «ҳа, эски танимнинг янги харидори» дегандай... Мирёқубнинг одатда ҳамма қўлни маҳкам сиқиб кўришадиган қўллари бу кичкинагина, оппок ва юмшоқ қўлларни ҳам куч борича сиқдилар. Факат бу қисишлар ҳам оловсиз ва ҳароратсиз эдилар: «ҳа, чукур чўнтағимнинг очкўз меҳмони!» дегандай...» (121-бет). Бу ўринда келаётган «ҳа» тапнинг бошида берилиб, ўз навбатида матнда зид қўйиляётган қаторни бирлаштириб, тасвирий восита вазифасини бажармоқда. Парчадаги ҳар бир сўз маҳорат билан ишлатилгани, қаҳрамон ички кечинмасини ўта теран ифодалаб бераёттани жуда муҳимдир.

Чўлпон романда инсонлар орасидаги мураккаб муносабатларни тасвирлашда шахс руҳиятининг яширин ҳиссиётларини китобхонга турли усууллар ёрдамида кўрсатишда давом этади. Адив тилидаги жонли бўёқлар, ранглар жилваланади: «Зебининг ўпишлари иссиқ ва астойдил бўлса ҳам, Пошшахон, негадир, халитдан уни ўликнинг совуган лабларидан олгандай бўлар ва нишаб сувга тегиб турган майса учидай енгилгина қалтиарди. Қаҳқаҳалар билан дунёни бошига кўтарган вақтларида ҳам ўз қўлининг беихтиёр кўкрагига бориб қолганини пайкар, аллақандай совуқ бир туман парчасининг кўкрагида ивирсиб, у ер-бу ерга қадалиб юрганини сезарди» (239-бет). Пошшахоннинг қалбидаги кучли тебранишларни, эмоционал ҳолатини тасвирлашда ёзувчи бадиий тасвир воиталаридан ана шундай унумли фойдаланади. Бу парчада биз ташхис — шахслантириш (персонификация<sup>5</sup>) чегарасида баён қилиш усулини кўрамиз.

Реалистик адабиёт стилистикасида (айниқса, унинг бадиий психологизм адабиёти мақомини олган қисмида)

<sup>5</sup> Персонификация — («шахслантираман» сўзидан) жонлантириш. Жонлантиришнинг бир тури бўлиб, бадиий асардаги бирор жонсиз предметта шахс сифатида мурожаат этилади. Шарқ адабиётшунослигида жонлантиришнинг бу усули ташхис (шахслантириш) деб юритилган. Карант: Хотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 243.

солиширилаётган объект ва субъект ўртасидаги мунносабатлар асосан ассоциатив орқали рўёбга чиқади. Та什қи жиҳатлари билан бир-биридан узоқ бўлган, семантик жиҳатдан боғланмаган предмет ва вазиятни солишириш яқинлаштирилаётган кўринишнинг психологик «қиёфаси», ассоциатив яқинликка асосланади. Бутасвирий усул кенг ассоциатив қаторни қамраб олади, унинг заминида нафақат вазиятнинг ташқи жиҳатдан ўхшашлиги, балки қаъридаги қисмати — психологик жиҳатдан юз бераётган воқеа-ҳодисаларни ассоциатив яқинлик орқали англашдан иборат.

Қиёслаш қадим замонлардан буён бадиий образни жонлаштириш усулларидан бири бўлган. Эътиборли томони шундаки, ташқи жиҳатдан қиёслаш мумкин бўлмаган нарсалар ҳам қиёсланаверган. Буларнинг қайси жиҳатлари яқинлиги, фақатгина ассоциация орқали аникланади. Ҳудди мана шу ассоциация ёрдамида матнда бир-биридан шунчалар узоқ бўлган предметларни яқинлаштириш, ёзувчи ва китобхон ўртасидаги фикрларнинг бир-бирига тўғри келиши таъминланади. Бундай усулдан Чўлпон моҳирона фойдаланади: «Арава шаҳар ичидан чиқиб дала йўлига кирганда, кечанинг кора пардаси ер бетини ўраган зди. Қор остидан чиқкан ерлар, баҳорнинг салқин ҳавоси ва ёқимли шабадаси остида мудрашиб ётардилар. Ой ҳали чиқмаган, фақат кечанинг қоронғисига ўчакишган саноқсиз юлдузлар тепада туриб машъалларини ёндирганлар, ҳудди пешона олдидиа кўринган энг ёруғ бир юлдуз пиёз тўғраётган келинчакнинг кўзларидаи пирпираб ёнарди» (20-бет). Бу парчада муаллиф «кечанинг кора пардаси»ни тасвирлар экан, солишириш давомида бир қанча деталларни ҳам киритади («ҳудди пешона олдидиа кўринган энг ёруғ юлдуз пиёз тўғраётган келинчакнинг кўзларидаи пирпираб ёнарди»). Чўлпон тасвирига хос бўлган бундай баён қилиш усули, қиёслаш учун келтирилган кундаклик тафсилотлар бадиий ва эстетик жиҳатдан бир-би-

ридан узоқ бўлган компонентларнинг ўзаро алоқадор, ўзаро боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Муайян образни ёхуд маълум бир сюжет вазиятини кинояли талқин қилиш, кесатиқли бўрттириш билан ҳам тўлдириш мумкин. Айниқса, суд жараёнидаги парчалар бунга яққол мисол бўла олади: «Улардан икки киши айрилди: биринчиси — ниҳоятда семиз ва йўғон гавдали гарнizon бошлиғи; бу одам, товуқнинг қа-қалашибига яқин бир ун билан овози борича ва бирданига қаҳқаҳа солди... Иккинчиси — имом-домла; бу киши ўзларининг ингичка — хуштак сингари овозлари билан, ихтиёrsиз «маша-олло!..» деб юбордилар» (251-бет). Киноявий бўрттириш баён усули сифатида Чўлпон бадиий оламида, жумладан «Кеча ва кундуз» романидаги муаллиф истехзосини кенгрок ёритиб беришда намоён бўлади. Ўз ўрнида киноявий бўрттириш қаҳрамон хулқатворидаги майдо-чуйда тафсилотларни бериш билан бирга солиштирилаётган нарсанинг таркибий қисми сифатида келади. Ёзуви Пошшахон руҳиятидаги ўзгаришларни куйидаги парчада тасвирлайди: «Унинг хаёли дарёлардай бу жувонни аллақайларга оқизиб олиб кетади. Ушлаб бўлса экан, хаёлларнинг учини!» (246-бет). Худди шу тасвир кейинроқ ҳам учрайди: «Пошшахоннинг кучли ўйлари шамолдай учади, баланд-пастни айланади. Қани энди уларни тутиб бўлса!» (238-бет). Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, киноявий бўрттириш ҳаракат образини яратяпти, нутқий ҳулқни таърифлаяпти, бу эса ўз ўрнида келтирилаётган сюжетга қўшимча бўёқ бўлиб, «маъно компоненти» кучига эгадир.

Киноявий бўрттириш муаллифнинг баҳо бериш имкониятини оширишга ёрдам беради. Фикримизни далиллаймиз: «Кундошлик орқасида юз берган бу жиноят замоннинг нозиклиги орқасида оловга ташланган жizzадек бўлди. Кичкинагина уезд шаҳрининг кичкина ва тор мияли амалдорлари — ҳаммаси аскардан етишган «азаматлар» — келишмаган бир тасодифнинг тўрт чақага арзимаган бу қурбонини замоннинг зўр қаҳрамони да-

ражасига күтариб юбордилар» (245-бет). Танлаб олинган қиёслаш объекти муаллиф (баён қилувчи) муносабатини белгилар экан, баён қилиш давомида бутун матнга эмоционал бўёқ беради. Бунда содир бўлган «жиноят» «оловга ташланган жиззадек бўлди» ва «тўрт чақага арзимаган бу қурбон» «тор мияли амалдорлар» томонидан «зўр қаҳрамон даражасига күтариб» юборилди. Юқоридагилардан шу нарса аён бўладики, қиёслаш бадиий матн системасига қолган компонентларни, ижтимоий муҳит образига тобе қилган ҳолда образнинг бир белгиси сифатида киради. Ўз ўрнида таянч образ эмоционал ва жонли бўёқлар орқали берилган ҳаётий тафсилотлар билан ўсиб боради.

Чўлпон услубидаги индивидуалликни илмий асослашда Д.Куроновнинг фикрлари аскотади: «Адаб тасвир ва ифода имкониятлари жижатидан анча олдинга ўтиб кетган хорижий адабиётларга хос усулу воситаларни миллий-маданий анъаналаримиз заминига ўтказадики, бу уларнинг ўзлашишини ҳам, англашилишини ҳам осонлаштиради».⁶ Дарҳақиқат, Чўлпон баёнининг ўзига хос томонларидан бири асосий вазиятни кўрсатиш билан бирга бутун саҳна фонини беришда қўлланган барча стилистик усуллар тасвирланаётган воқеликни ҳаққоний, ишончли кўрсатишга хизмат қиласди.

«Кечака ва кундуз» романи поэтикасининг ўзига хос хусусиятларидан бири сюжет ва композиция пишиклиги, тасвирнинг характерлар мантиғига мутаносиблигидир. Адаб романда инсон руҳий жараёнларининг муҳим бўгини — қаҳрамон хатти-ҳаракатларининг онгсизлик соҳасига кўчишига ҳам аҳамият қаратади. Образлар субъектив оламини кашф этишда Чўлпон уларнинг сезги ва тасаввурлари, ҳодисаларни баҳолашдаги ҳукм-хулосаларига кенг ўрин берган.

«Кечака ва кундуз»да бадиий психологизм стилистикаси талабларига мувофиқ тарзда қўлланилган кўчим-

⁶ Куронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. - Т.: Шарқ, 2004. - Б. 224.

лар ҳам романнинг нутқ тасвирийлиги ва таъсирчанлигини орттиришга хизмат қиласи. Тасвирга поэтик кўчимларнинг кириб келиши муаллиф эпик баёнининг ўзига хос жихати бўлиб, сюжет харакати бир қадар секинлашгандек туюлган вазиятларда шу орқали ассоциативлик таъминланади.

Ёзувчи характерлар шахсиятига хос белги-сифатларни «итлик» билан қиёслаш орқали роман қаҳрамонларини динамик равишда очади. Образли алоқаларнинг ўзаро чатишувидан вужудга келган бундай нутқий-образли бутунлик қаҳрамонлар тафаккур ва руҳиятига хос силжишларни кўрсатиш имконини беради. Балки ижтимоий мухитни ҳам ёрқин ифодалаш, эпик қўламдорликни таъминлашга ҳам йўл очади.

Чўлпон романда қаҳрамонлар қалбидаги кучли тебранишлар билан боғлик ҳолатлар тасвирида ташхис — шахслантириш (персонификация) чегарасида баён қилиш усулидан фойдаланган. Объект ва субъект ўртасидаги муносабатлар қиёсини ассоциатив алоқадорлик тасвирий усули орқали рўёбга чикарган. Пунингдек, муайян образ ёхуд маълум бир сюжет вазиятини кинояли талқин қилиш, кесатиқли бўрттириш, истеҳзоли тасвирлаш ҳам муаллиф (баёнчи)нинг обьектта муносабатини белгилаш, бадиий матнни эмоционал бойитиш учун қўлланган ёзувчи усулидир.

## 2.2. Поэтик фигуруларнинг бадиий-эстетик функцияси

Чўлпон «Кеча ва кундуз» романини ёзиб тугатган даврда замонавий ўзбек насрода европа адабиёти, умуман, жаҳондаги илгор адабиётларга хос барча етук анъ-аналар етарлича қарор топиб улгурмаган эди. Янги ўзбек реалистик насрини жаҳон адабиёти билан «бўйлашадиган» даражага кўтаришда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратларнинг, улардан кейин адабиёт майдонига кириб келган Faфур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳкорлар-

нинг изланишлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ижодкорлар миллий адабиётимизга хос мумтоз анъаналарни, ҳалқ оғзаки ижоди тажрибаларини жаҳондаги илфор адабий-бадиий тажрибалар билан пайванд қилиб, ўзбек реалистик насрини оёққа турғиздилар.

Адабиётшуносликда, бадиий асар тилига бағишланган илмий-танқидий асарларда<sup>7</sup> ёзувчининг сўз бойлиги, тилдаги қочиримлар ва кўчма маънолар, миллий ранглар, муаллиф тили, персонажлар тилини индивидуаллаштириш каби масалалар нисбатан кенгроқ ёритилган. Шулар қаторида диалог масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, филология фанлари номзоди Азимбой Бобониёзовнинг «Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги тасвирий воситалар ва тил бадиияти» (1995) номзодлик ишида реалистик адабиётда диалогнинг ўрни ва қаҳрамонлар қиёфасини гавдалантиришдаги аҳамияти хусусида теран фикрлар илтари сурилади. Тадқиқотчи А. Қодирий романидаги воқеалар ривожи ва унинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда диалогларни лирик, юмористик, драматик турларга бўлиб таҳлилга тортади. Муҳими, у А. Қодирийнинг диалог яратиш маҳоратини, факат мазмун жиҳатидангина таҳлил этмайди. «Ҳар қандай диалог, — деб ёзади муаллиф, асарда ривожлантириб бериладиган воқеалар силсиласининг муҳим бир ҳалқаси бўлиб хизмат қилиши ва қаҳрамонлар ички ҳолатинигина эмас, балки инсон сифатидаги моҳиятини очиб бериши керак».<sup>8</sup>

Ёш тадқиқотчи Гулчехра Имомова Одил Ёқубов ва Ўткир Ҳошимов романлари мисолида бадиий нутқ типлари, хусусан, диалогнинг ўрни масаласига эътибор қа-

<sup>7</sup> Каранг: Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. - Л.: Наука, 1977. Бахтин М. Эстетика словесного творчества. - М., 1979. Виноградов В.В. О языке художественной литературы. - М., 1959.

<sup>8</sup> Каранг: Бобониёзов А. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги тасвирий воситалар ва тил бадиияти. Филол. фанлари ном... дис. автореф. - Т., 1995.

ратади. У диалогни миллий тип яратиш жараёнида қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириб ва типиклаштириб бериш, тўлақонли характер яратиш ва ўзига хос услубнинг намоён бўлишида носирлар истеъоди ва маҳоратининг муҳим жиҳати деб қарайди.<sup>9</sup>

Адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов XX асрнинг 80-90-йилларида яратилган ўзбек романларининг тил хусусиятларини бадиий нутқ типлари асосида яхлит нутқий жараён сифатида тадқиқ этар экан, диалог масаласига ҳам эътибор қаратади. Олим диалог типларининг тармоқлари сифатида 1.Жонли (реал) диалоглар. 2.Хаёлий (тасаввурдаги) диалоглар. 3.Ички диалоглар турини кўрсатади. Кейинги йиллар ўзбек насрода “баҳс-диалог”, “характеристика-диалог”, “мунозара-диалог”, “муҳокама-диалог” каби шакллар кўп қўллананаётганлигини таъкидлайди. Диалогнинг композицион-стилистик структураси тобора ранг-баранглашиб, кенгайиб бораётганини конкрет мисоллар асосида тасдиқлайди.<sup>10</sup>

Демак, диалог сюжет ипини бир-бирига боғлайдиган, асарда тасвиirlанган воқеалар тўғрисида ахборот берувчи, айни чоқда, қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштирадиган, асарнинг психологик иқлими ва миллий колоритини яратишда жуда муҳим вазифаларни ўтайдиган бадиий нутқнинг ўзига хос типидир.

Бинобарин, диалог икки киши орасидаги шунчаки сұхбат эмас. Реалистик адабиётда диалог воқеалар ри-вожида муҳим ўрин тутиб, қаҳрамонлар қиёфасини гавдалантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Чўлпон санъаткор сифатида характер яратиш, унинг етакчи хислатларини ифодалашнинг асосий воситаси тарзида диалогдан ҳам унумли фойдаланган, диалогларда ишлатилган сўзлар, ҳар бир жумлага хилма-хил

<sup>9</sup> Каранг: Имомова Г. Типик миллий характерни яратишда бадиий нутқнинг ўрни. Филол. фанлари ном... дис. автореф. - Т., 1993.

<sup>10</sup> Каранг: Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрода бадиий нутқ поэтикаси. Филол. фанлари докт... дис. автореф. - Т., 2002.

функциялар юклаш адибнинг моҳир сўз устаси эканини яна бир марта тасдиқловчи далилдир.

Диалог бадиий матннинг узвий қисми бўлиб, бадиий тўқиманинг энг муҳим унсурларидан бирини ташкил қиласди. Уларда диалогик ҳаракат мавжуд бўлиб, бу ҳаракат асосидаги фикр сухбатдош жавобида акс эта-ди. Диалоглар хусусиятини ўрганишда яна шунга ҳам амин бўламизки, диалог савол-жавобдангина иборат нутқ эмас, балки сўраб билиш, бирор иш қилишга ун-дайдиган сабабларнинг навбатма-навбат эътиrozли ўй-фикрлар билан алмасишилари асосида ҳосил бўлган «нутқий дастурлар»дир. Улар, айни чоқда, персонаж-ларга индивидуаллик бахш этувчи омиллар сифатида ҳам кўринади. Мавжуд нутқий ва интоацион бузилиши-лар — қайта сўраш, нутқ оқимининг узилиши, «даҳа-наки» жанглар, ўзгарувчан паузаларнинг мавжудлиги бир мақсадни кўзлайди: бундай усууллар орқали ёзувчи қаҳрамон кечинмаларига шерик бўлиш, улар учун қай-туриш, тасвирнинг аник чиқишини таъминлаш ва пи-ровардида китобхон ишончини қозонишга интилади.

Диалог ҳакида фикр юритишда биз М.Бахтиннинг ил-мий хуносаларига таянамиз.<sup>11</sup> Ҳар бир ёзувчи ўз асари-га диалог киритар экан, унга катта масъулият юклайди. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида диалогларнинг бир неча турини кузатишимииз мумкин. Булар: кундош-лар орасидаги диалог; суд аҳли ва Зеби ўртасидаги диа-лог; Мирёқуб ва Мариянинг поезддаги «диалог»и ва ни-хоят ички диалог (Мирёқуб ва «виждон»). Буларга кўшимча — диалогларнинг ўртасида келадиган ёзувчи-нинг китобхонга мурожаати ҳам четда қолмайди.

Чўлпон романда диалогдан фойдаланишда, факат кўницилган тасаввурлар ва кенг расм бўлган нормалар доирасидагина қолиб кетган эмас. У кўпинча диалогга янги функциялар юклайди, унинг янги қирраларини очади, чинакам санъаткорга ҳос тарзда диалогни ўзи-

<sup>11</sup> Каранг: Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. - М.: Сов. Пи-сатель, 1963.

нинг foяvий-бадиий ниятларига тўла хизмат қилишга мажбур этади.

Икки кундошнинг сухбати келтирилган парчага зътибор қаратайлик:

«Худовандикарим бу эркакларни мунча яхши кўрар экан, а...»

— Ўзимиздан қиёс-да... Орамизда эркакни яхши кўрмайдиган ким бор?.. Нондан олинг? Қиёмга қараб ўтирангиз-чи?» (43-бет).

Китобхоннинг ўй-хаёли янти кундош тушириш ре-жасида бўлиб турган бир пайтда, ёзувчи чўрт кесиб, фикрингизни чалгитади. Мана шу фикрнинг сакраши воситаси орқали ёзувчи психологик эффектга эришади. Гарчи «Нондан олинг? Қиёмга қараб ўтирангиз-чи?» деган иборалар мазкур диалог замиридаги асосий маънога мантиқан боғланмайдиган кўринади. Аммо ана шу ортиқчадай кўринган иборалар, аслида, диалог қатнашчиларини жонлантиради, уларнинг қиёфасидаги миллийлик ва ҳаётийликни кучайтиради ҳамда шу йўл билан уларга инсоний жозиба баҳш этиб, тасвири янада жонли қилишда муҳим роль ўйнайди.

Хадичахон давом этади:

«Менинг кўнглим тинталаниб-тинталаниб адо бўлган, айланай... Кўнглимдаги оловнинг қуруқ кули қолган, холос. Энди, худонинг тақдири билан, менинг кунларим сизнинг бошингизга тушибди. Инсоф қилганда, айланай, бу кунни худо ҳеч бир бандасининг бошига келтирмасин. Нондан олиб ўтиринг...» (43-бет).

Худди шу ўринда яна бир системага зътибор берайлик: (... ? ?) бу сукут сақлаш ва сўроқлар драматик ахволнинг кучайишини, ҳолатнинг зўрайишини таъминляяпти.

Ёзувчи қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатларини очиб беришда диалогдан иложи борича кенгроқ фойдаланади. Яна бир мисолга мурожаат қиласилик:

«Мунча ҳам овози чиройлик бу қизнинг!.. Ашула айтса, қулогинг маст бўлади одам... Нафаси мунча иссик, мунча мазалик! Мунча таъсирилик!

— Шуни айтаман-да. Суюқ ош қилдик, ошқовок сомса қилдик, палов қилдик... — бўлди! Бундан ортигига мана бу камбағаллик ўлгур йўл қўймайди» (31-бет). Бу усулда тузилган диалогларда фикрларнинг хилма-хиллиги, бир-бирига уйғун эмаслиги оркали муаллиф персонажларнинг психологик ҳолатини очиб беради. Сұхбатдан кўринадики, ҳар бир персонаж ўз хаёли билан банд. Диалог қатнашчиларининг сўзлари алоҳида олиб қаралса, кичик монолог қолипига ҳам тушиши мумкин. Маҳорат билан қўлланган бундай усул образларнинг индивидуал ҳусусиятларини очишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда ҳам тиниш белгилар системасига (!... ... ! ! ... !) зътибор берадиган бўлсак, энди ёзувчи драматик аҳволнинг кучайиши билан бир қаторда таъсирчанликни ҳам оширяпти.

«Кече ва қундуз» романида Зеби устидан ўтказилган суд жараёни берилган парчада бадиий тасвир восита-ларини қўллашда ҳам муаллифнинг етук маҳоратидан далолат берувчи ёрқин лавҳалар мавжуд. Узок давом этган савол-жавоблардан, яъни диалоглардан ташкил топган бу эпизод (лавҳа) персонажларнинг психологик портретини чизища алоҳида аҳамият касб этади. Жараён қатнашчиларининг ҳар бири ўз фикр-хаёли билан банд. Масалан, закунчини (адвокат) Зебининг тақдири мутлақо қизиқтирумайди. У ўзининг зиммасидаги асосий вазифани, яъни судланувчи кимсани ҳимоя қилишини мутлақо ўйламайди ҳам. Закунчи Зебидай маъсума ва навниҳол қизалоқнинг мутлақо бегуноҳ бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайди. Унга ҳатто иш билан танишиш ҳам малол келади. Унинг максади — номигагина ҳимоячилик қилиб, рус тўраларининг кўнглини олиб, уларнинг хоҳиш-иродасига мутлақо қарши бормаган ҳолда суд жараёнини охирига етказиш, холос. Зеби оқланадими, кораланадими — унинг учун мутлақо фарқсиз. Буларнинг бари романда закунчининг тилида, самимиятдан мутлақо маҳрум бўлган ибораларида, улардаги расмиятчилик оҳангларида яққол ифода-

ланган. Хўш, Зеби-чи? Суд жараёнида унинг қайси сифатлари кўрсатилган? Унинг аҳволи, руҳияти қандай тасвириланган? Бунда адид бадиий тил воситаларидан, жумладан, диалогдан қандай фойдаланган?

Суд жараёни келтирилган парчадаги диалоглар, яъни диалоглардаги фикрлар тарқоқлиги, диалог иштирокчиларининг ўзаро сұхбатида бир-бирига мослашмаган, бир-биридан узок гапларни гапириши, кесик, узук-юлуқ ибораларни қўллаши, диалог суръатининг тез-тез ўзгариб туриши алоҳида таҳлилни талаб этади. «Терговчи бечора шунга ҳам умр сарф қилган зўр протокол»дан олинган парча фикримизни исбот қиласди:

«Мингбошига сувни ким берди?

— Мен бердим.

— Демак, мингбошини ўлдирган — сиз?

— Йўқ...» (249-бет).

Бор-йўғи икки савол ва икки жавобдан иборат диалог борган сари ўсиб боради. «Бу дафъа саволларнинг адади иккidan бешга чиқди». Ёзувчи вазиятни кескинлаштиради. «Бу дафъа савол-жавобларнинг адади орта тушди». Шу парчани таҳлил қиласр эканмиз, бизни Чўлпонга бундай усулни қўллаш нима учун керак бўлди деган савол қизиктиради. Ёзувчи бу саҳнага тилмоч образини ҳам киритади ва «айбдор»ни сўроқлаш тилмоч орқали амалга оширилади. Ёзувчининг мақсади мантиқ-сизлик орқали зиддиятни келтириб чиқариш ва бу билан Зеби фожеасини, Зеби фожеаси орқали эса инсон фожеасини кўрсатишdir. Бу савол-жавобда икки кишининг мулоқотидан ташқари, диалогнинг учинчи «қатнашчи»си — Зебининг хаёли ҳам бор. Зеби бу найранглардан бехабар, шунинг учун унинг сўзи ўз ҳолича жаранглайди. «Суд мажлисида фақат айбдорга берилган саволлар, сўнгра тергов протоколи билан ҳукмноманинг энг керак жойлари таржима қилинар; бошқа сўзлар ўрусча кетарди. Шу(нинг) учун тил билмаган Зеби ўтирган жойида гапирган тўранинг юз ҳаракатларини томоша қила бошлади» (254-бет). Муаллифнинг бу каби изоҳи

навбатдаги диалог ривожланишини таъминлаш учун муҳим стилистик аҳамиятга эга.

Зеби — XX аср бошларидағи умри «ичкари»да ўтадиган ўзбек қизларининг ёрқин вакили. У ҳали жуда ёш, ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган. У ҳали одамларни бир-биридан фарқлай олмайди, ҳали дунёда ёвузлик, ёмонлик каби иллатлар борлигини билмайди. Бу содда қиз соғ шарқона аҳлоқ руҳида тарбия кўрган. Шу боис ҳам ота-онанинг, кейинчалик эса эрининг измидан чиқмайди. Дунёнинг ҳар қандай ғалваси ва можароларини сабр-тоқат билан, тақдирга тан бериб қабул қиласди. Мана, у ҳозир суд қилингапти. Зеби ҳатто судда ўзининг тақдирни ҳал қилинаётганини, ана шу форма кийган, погон таққан, бегона тилда сўзлашадиган «турқи совуқ одамлар» унинг навқирон умрини хазон қилаётганини хаёлига ҳам келтирмайди. Табиийки, эрининг ўлимидаги заррача айби йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Лекин нега энди шу оддий ҳақиқатни анави «шапкали амакилар» тушунмайди? Адид жуда ихчам ва мухтасар тасвирда Зебининг кўнглидан кечеётган ана шу зиддиятли ва моҳияттан фожеали туйгуларни чуқур очади. Бутун суд аъёнлари, оқловчию қораловчи ва ҳатто расмият юзасидан суд мажлисига чақирилган домлагимом ҳам Зебининг қотила экани тўғрисида баҳс юритаётган бир пайтда, унинг кўнглида бутунлай бошқа ташвиш. Бу баҳс жараёнидаги диалогда Зеби иштирок этмаса-да, уни ўзича четдан идрок этишга, изоҳлашга уринади. Бироқ унинг айни пайтдаги ҳолатга “реакция” билдира олмаслиги кузатилади. Чунки Чўлпон қаҳрамоннинг нутқини замон ва маконга мос тарзда лексик-семантик қура олади: «Ҳамма гап ойдай равшан... Энди уйимни топиб кеталармикинман?» (255-бет). Чўлпоннинг санъаткорлиги шундаки, романда Зеби характерининг ижтимоий моҳиятини унинг инсоний табиати билан чамбарчас боғлиқ ҳолда очади. Адид қаҳрамоннинг инсоний сифатларини очиш, уни кўз ўнгимизда бетакрор хусусиятларга эга бўлган жонли инсон сифатида гавдалан-

тириш учун ҳамма имкониятдан унумли фойдаланади. Мулоқаза-диалог орқали ёзувчи ўз қаҳрамонининг шудақиқадаги ўйларини ҳам ошкор қиляпти.

Чўлпон қаҳрамон руҳиятини очишида ички диалог ва монолог имкониятларидан ҳам моҳирона фойдаланади. Ички диалог қаҳрамоннинг ички кечинмаларини ёрқинроқ ифодалашга, унинг руҳиятидаги қарама-қаршиликлар, изтиробларни ифодалашда ўз самарасини беради. Марям билан Мирёқуб ўзаро бир-бирларига қаратади бирон оғиз сўз айтишмайди. Ўзаро бевосита мулоқотга киришишмайди, лекин шунга қарамай, муаллиф бу ерда ички диалог вазиятини бера олган: бир персонажнинг хаёлидан кечган ўй иккинчи персонажнинг фикрларида акс-садо беради. Бири томонидан кўндаланг қўйилган савол иккинчисининг ўй-фикрларида жавобини ёхуд ечимини топади. Бу парчада айтилмаган иборалар ички экспрессияга тўла — уларда персонажларнинг ички ҳаракати, руҳий ҳолати, кайфиятидаги ўзгаришлар яққол ифодаланган. Адаб танлаган вазиятнинг ўзи гоятда табиий. Ёзувчи қаҳрамонларни бу ўринда ички қалбнинг бир-бирини англаши тарзида ички олами билан ифода этишга эришади.

Мария ва Мирёқуб ўртасидаги диалог, аслида, диалог эмас, балки иккала персонажнинг хаёлида кечаётган монологларdir. Чўлпон бу ўйларни бир-бирлари билан тўқнашишга, бир-бирини тўлдиришта, бир-бири билан мантиқ иплари орқали маҳкам боғланишига сафарбар қиласди:

«Жакоб.

Уйга келиб киришим билан, «Жакоб!» деб бўйнимга осилди. Эшик очиқ, ҳамманинг кўзи бизда! Ана, ҳўнграб йиғлай бошлади!

Бошимга бало бўладиганга ўхшайди. Менинг фикрим ҳозир бошқа ёқларда, бошқа кўчаларда. Марям муни билмайди... Ҳар қалай, силаб-сийпаб юпатдим.

«Бир оздан сўнг қайтиб келиб, туни бўйи сен билан таплашиб ўтираман» дедим. Кулимсиради...

Йўқ, шу кулимсирашдан кечиб кетолмайман!»

Марям.

«Хеч нарса деёлмадим, тилим тутилди. Бўйнига осилиб йигладим. Эркалатиб, юпатиб, ваъда бериб кетди» (179-бет).

Диалог ва монологдан максад «қалб ҳаракати»ни очишdir. Чўлпон портрет яратиша ижтимоий-психологик роман жанрининг умумий хусусиятларини назарда тутади. Бошқача айтганда, адаб портрет орқали, даставвал, қаҳрамоннинг ижтимоий белгиларини ифодалашга, кейин унинг ички дунёсига ишора қилишга ва ниҳоят, китобхонда унга нисбатан муайян эмоционал кайфият уйғотишига интилади. Диққат билан кузатсак, романда батафсил портретларни учратмаймиз. Ёзувчи қаҳрамоннинг ўтмишини мукаммал тасвиrlамайди, унинг келажақдаги ҳаёти ҳақида ҳам ҳеч нарса демайди. Шунга қарамай, романда муайян характерга зга бўлган жонли одамлар ҳаракат қиласди. Чўлпон истеъдодининг курдати шундаки, у баъзи бир рассомлар каби характерни контурлар ёрдамида чизади, бу контурларда эса унинг энг муҳим томонлари акс этади. Ривоявий ба-тафсилликдан қочиш, қаҳрамонларни ҳаракатда кўрсатиш, баланд дидли китобхон тасаввурига ишониш ҳам Чўлпон романни ўзига хослигини таъминлайди.

Д.Куронов Мирёкуб образининг ижтимоий-маънавий тадрижи ҳақида сўзлар экан, қуйидаги фикрни келтиради: «Ўзи билан ўзи қолган қаҳрамон қилаётган ишларини, ўзи тушиб қолган аҳволни таҳлил қилишга уринади. Мазкур эпизодда Чўлпон қаҳрамонини иккига ажратиб юборади: улардан бири Мирёқубни оқласа, иккинчиси қоралайди. Ёзувчи ўзбек реалистик насрода илк бор қўлланётган бу усулдан қаҳрамони руҳиятида бошланган сифат жиҳатидан янги — ўз-ўзини таҳлил қилиш жараёнини кўрсатишда унумли фойдаланади. Шу ўринда Чўлпон Л.Толстойнинг «Тирилиш» романидан ижодий таъсирланганини қайд этиб ўтиш лозим. Мирёқуб дилида ҳам «итлик» ва «инсонийлик» кураши кечакан.

ди».<sup>12</sup> Дарҳақиқат, Мирёқубнинг «мияси ажид бир қувват билан ҳаракатта келган ва золим терговчи (ўз виждени) борган сари забтини ошириб тергарди:

«...Ёлғон гапирма, Мирёқуб. Сен терговчи қошидасан. Биз кўнглингда ёзилганларни барада ўқиб турибмиз. Вексилдан ё ер васиқасидан сен қандай копия олсанг, биз ҳам сенинг кўнглингдан ўшанақа копия олганимиз. Шу(нинг) учун ростини айта берсанг — ўз ҳайриятинг. Бари бир, бизни ёлғон гапга ишонтиrolмайсан...» (153-бет).

Романда қаҳрамон (Мирёқуб) кўнглидаги терговчи (унинг виждени) уни (яъни ўзини) аёвсиз фош қиласди:

«Менга қара, кимдан жирканасан? Мирёқубдан эмасми? Нега индамайсан? Нега даминг чиқмай кетди? Биз тўғри айтган эканмиз, бўлмаса? Шундайми?

— Тўғри айтдингиз, Мирёқубдан жирканаман...

— Ҳаққинг бор, ҳаққинг бор! Мирёқуб, қанча баландпарвоз бўлгани билан, ўз бўйидан ортиқ кўтариолмайди. Чунки, у бир — ит. Олчоқ, паст ва аянч бир ит! У ўз-ўзини гоҳ арслон рангига, гоҳ қоплон рангига, гоҳ шер ва гоҳ эр бўёқларига бўяб кўрсатади» (154-бет).

Адид Мирёқубнинг руҳиятидаги назоратни давом этади: «Сен — бизнинг олами мизда улкан кишилар дансан. Ўруслар сенга ўхшаганларни китобларда мақтайдилар. Сенинг ҳамма ҳунаринг — енг ичида иш кўриб, шунча пул топишингда. Сен завод парракларини айлантираётган кишисан. Фақат бир жойга бир чақа солик тўламайсан. Шундай бўлгандан кейин, сендай улут бир одам бир ишни чукур ўйламасдан қилмайди. Ҳалиги масалада бизга ҳақиқий планингни айтиб бер!» (161-бет). Такрорланаётган иккинчи шахс олмоши (сен) кетма-кетликда келиб, фикрнинг яхлитлигини таъминлайди ва унинг ҳиссий таъсир кучи ортиб боришидан хабар беради.

Шу ерда Чўлпон, фақат Мирёқуб руҳиятидагина эмас, балки кўпчилик одамларнинг, эҳтимол, бутун банданинг руҳиятида яшириниб ётган риёкорликни, сохталикини чу-

<sup>12</sup> Куронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 141.

кур таҳлил қиласи. Руҳий таҳлилга хизмат қилувчи савол-жавобларда ёзувчи бир неча маъно қатламларини кўрсата олган. Биринчи қатлам — Мирёқубнинг виждони уйгонаётгани, унинг маънавий уйгонишидир.

Ёзувчи романда тасвириланган даврда мустамлака ҳукумати (асарда — Туркистон генерал-губернатори нинг вакили Нойиб тўра) маҳаллий бопикарув мансабларига атайлаб Акбарали каби саводсиз, онгиз, ўз ҳалқига қайишмайдиган, худбин одамларнинг қўйилишидан манфаатдор эканлигини кўрсатган. Бу гояни ёзувчи айрим бадиий детал-тафсилотлар билан янада кучайтирган. Мирёқуб мазкур диалогда айни бир вақтнинг ўзида иккита вазифани бажармоқда. Бир жиҳатдан хатти-ҳаракатларини изоҳлашга, баҳолашга интилса, иккинчи жиҳатдан, «терговчи»нинг нутқи ва ҳулқига муносабат билдиради. Диалогда у ҳар иккала томонномидан бевосита иштирок этади. Бундай вазият — ҳолат яратиш орқали қаҳрамон портретини чизишида мукаммаллик таъминланган.

«Кеча ва кундуз» романида Чўлпон яратган диалог восита бўлиши билан бир қаторда ёзувчининг мақсади ҳамдир. Адид диалог орқали, нафақат инсон характеристини, психологиясини очиб беради, балки инсонни ўзига хос фазилатлари билан кўрсатишга ижтимоий муҳитни тасвирилашга ҳам муваффақ бўлади.

Диалогда нутқи ифодаси, бадиий детал, образнинг бир неча бор такрорланиши<sup>13</sup> Чўлпон поэтикасига хос бўлган усуллардандир.

<sup>13</sup> Такрор — бадиий нутқка хос интонацион-синтактик ифода усулларидан бири: айрим товушларни, бир ёки бир неча сўзни ёки сўз бирикмаларини, баъзан эса маълум сатрни атайтик тақрорлаш орқали фикр ёки хис-туйғуни ифодалашга, унинг таъсир кучини оширишга ва турли интонацияларни бўрттириб кўрсатишга имкон берадиган стилистик усул. Сўз санъаткорлари бадиий тақрорлардан тасвириланётган объектга нисбатан ўзларининг субъектив муносабатларини ифодалаш, уни баҳолаш, воқеа-ҳодисанинг назарда тутилган томонига ўкувчи дикқатини тортиш, уни бўрттириб кўрсатиш учун фойдаланганлар.

Илмий адабиётларда такрорларнинг бир неча хил кўринишлари кўрсатилган<sup>14</sup> (ҳаракат такрори, параллел такрор, оддий такрор...) Шулардан бири такрорий-қайтишлардир. Ёзувчи Курвонбииининг ҳайронлигини, яъни Эшонбувага орқа қилишини бир неча бор такрорлар экан, бу билан китобхон кўз ўнгидаги маҳаллий маънавий мухит жамиятнинг бир қисми сифатида жонланади:

«Берсам нима бўлти, баччагар? Ўз қизим...

— Ўз қизингиз-ку... Тенгини топиб беринг-да... Эшонбувамнинг ман қилмаганларига ҳайронман. Ҳа... ҳа...

Шу ерга келганда Курвонбиби бироз дадилланиб, овозини кўтара тушди. Гўё эшонбобо унинг томонида бўлиб, Рассоқ сўфига қарши чиқажак эди:

— Ҳа... ҳа... энди билдим! Бу гапдан, валлохи аълам, эшонбувамнинг хабарлари йўқ! Бўлмаса, сизнинг бу бехуда ишингизни қилдиртмас эдилар» (103-бет). Келтирилган иқтибосимиз бир қадар чўзилса-да, такрорни кўрсатиши жиҳатидан характерлидир.

«Шошманг! Эшонбувамга бориб дод дейман! Ори рост, бир бўлган ишни энди буздириш мумкин эмаскуя, ишқилиб сиздан дод деб бир кўнглимни бўшатмасам бўлмайди...

— Э аблах, фитна! — деди сўфи яна кулиб туриб.  
— Эсинг йўклиги шу-да! Шу-да эси пастлигинг! Шу-да хотинлигинг!

Курвонбииининг аччиғи келди:

«Эчкига ўлим, қассобга ёғ!» Мен ўлолмай гарангман, сиз ҳадеб куласиз. Ҳа, эшонбувамга айтолмайманми?»

Бу сўзлари таъсир қилмагач, аёл яна эшонбувани тилга олади:

«Оббо, ақлли-ей! Шошманг, ҳали! Эшонбувам ғазаблангандан кейин эсингиз киради. Ҳали ёғлик паловлар билан мастсиз!

Сўфи кулишдан тўхтаб, жиддийлашди.

<sup>14</sup> Еремина Л.И. О языке художественной прозы Н.В.Гоголя. - М.: Наука, 1987.

— Бас дейман, аҳмоқ, бўлди! — деб қичқирди у. — Ҳеч нарсадан хабаринг йўқ, валақлай берасанми? Мингбошига бергин деб, қистаб юриб, мени кўндирган эшонбувамниң ўзлари бўлса нима дейсан?

Курвониби ихтиёrsиз:

— Вой ўлақолай! — деб бақирди. Эшонбувам ўзлари бошми ҳали? Вой шўрим курсиней!

Бечора кампир бошларига муштларди» (103-бет).

Юқоридаги парчада «эшонбувам» сўзи етти марта тақрорланади. Бироқ ундаги тақрорий-қайтишлар тизимида оҳанг турли бўёқларда берилган бўлиб, айниқса, бўлаётган воқеаларни қаҳрамоннинг қабул қилишида норозилик, ҳайронлик, умидворлик, ажабланиш, ҳайрат, иложсизлик каби турфа туйғулар қоришиклиги жараёни оҳангда яққол сезилади. Тиниш белгилар системаси эса драматизмнинг кучайиб бориши, ҳолатнинг зўрайтишидан далолат беради.

Диалогларда тақрорларнинг бундай ранг-баранглиги ва турли йўналишларда берилиши адабнинг моҳир сўз устаси эканлигини яна бир бор исботлайди. Товушлар уйғунлиги, аллитерация (бир хил ёки оҳангдош ундошларнинг қайтарилиши) — булар асосида сўзлар тақрорига олиб келувчи товуш тақрори ётади (параллел тақрор, оддий тақрор, ҳаракат тақрори ва ҳ.к.) Чўлпон насиридаги бундай тақрор турларининг бадиий-эстетик вазифаси ҳали ўрганилгани йўқ. Романда тақрор ҳам услубий оҳанг яратувчи асосий воситалардан биридир. Айрим сўзлар, товушларгина эмас, ҳатто фикр тақрори ҳам характерларнинг ички дунёсини очади.

Фикримизнинг тасдиғи учун айрим мисолларга муружаат қиласайлик. «Фазилатхон онаси ва Пошшахонга Султонхон аясининг шаҳарлик меҳмонларни чақиртирганини хабар қиласди:

- Султонхон аянг? — деб сўради онаси.
- Ҳа, Султонхон аям.
- Мунча эслик экан Султонхон аянг!
- Шунга ҳам эс керакми? — деди қиз.

Хадичахон кўзларини айёрлик билан ўйнатиб туриб кундошига қаради:

— Гапни эшитаётирсизми? — деди. — Эртага бизникига шаҳарлик меҳмонлар келишар экан! Султонхон ойим чақирибдилар. Султонхон ойим...» (48-бет).

Чўлпон бу ерда кундош аёлларнинг руҳий ҳолатини ботиний, яширин шодлигини, факат уларнинг нутки, ўй-кечинмаларида гина эмас, балки кўз қараашларининг товланишида ҳам кўрсата олади.

«Пошшахон, азалдан айёр бўлган кўзларига беш барабар равнақ бериб туриб, муқобала қилди:

— Мингбоши доджонинг суйгулик хотинлари бўлганидан кейин нима қилса таъби-да! — деди у. — Ким нима дея оларди? Ҳадди борми, қалай?..

— Мунча эслик экан бу Султонхон аянг! — деб такрор қилди Хадичахон. — Мунча эслик экан!..

Икки кундош ўша айёр кўзлар билан бир-бирларига қарашиб, маънолик-маънолик қулишдилар» (48-бет). Эътибор қилинса, аён бўладики, кундошларнинг ўзаро сұхбатида «Мунча эслик экан Султонхон аянг» деган ибора бутун диалогик ҳаракатнинг лейтмотиви бўлиб келяпти, чунки худди шу фикр кундошларнинг режасини амалга оширишга хизмат қиласи. Мазкур парчада диалог шунчаки информатив қимматгагина эга эмас. Чунки бўлаёттан ҳодисалар ҳақида батафсил маълумот бериш билан бирга, уларнинг изчил ва мантиқий ривожланишини таъминлашга ҳам хизмат қиласи. Бинобарин, диалог асар сюжетининг муҳим бир унсури сифатида кўзга ташланиб, персонажларнинг ахволи руҳиясини ифодалашда, уларнинг кайфиятидаги ботиний замзамаларни кўрсатишида ҳам катта роль ўйнамокда. Масалан, биргина «Мунча эслик экан Султонхон аянг» деган иборанинг ўзини олиб кўрадиган бўлсак, аён бўладики, унда гап Султонхоннинг донолиги, ақлзаковати, фаросати тўғрисида кетаётгани йўқ. Бу ўринда Гоголь ва Чеховлар реалистик услубида кузатилувчи янги типдаги бадиий асарга хос бўлган кинояга мойил-

лик, пичинг, кесатик, истеъзо оҳанглари мавжуд. Натижада, биз кундошларнинг ички дунёси: уларнинг писмилиқ, самимиятдан йироқлик, бир-бирига пинҳона ҳасад билан қарашиб каби характерига хос табиий белгисифатлар тўғрисида кенгроқ тасаввур ҳосил қиласиз.

Бу вазиятдаги персонажларнинг руҳий ҳолатлари тасвирида Чўлпон чинакам санъаткорларга хос йўл тулади. Адид инсон онгининг ботиний қатламларида, яширин муддаоларни улар тилига беихтиёр кўчган сўзлар воситасида кўрсатади. Кундошлари ўзига чоҳ қазиётганини соддалиги туфайли англаб етмаганидан ички қоникиш туйган бу аёлларда инсон фожиасига ачиниш эмас, балки мамнунлик кузатилади. Аслида тилёғламаликлар замирида ҳар бирининг пинҳон тилаклари, нафс илинжидаги эврилишлари ётади. Ўша муддаолар бирлиги уларни бирлаштиради.

Адид романда Мирёқуб ва Нойиб тўра тилидан меҳнаткаш халқнинг ижтимоий руҳиятини ҳам аник, равшан ифодалайди:

« ... Ўша урушни тўхтатсин дегани дуруст... Уруш чиққандан бери юртда қимматчилик бўлиб кетди. Ўзига яраша давлати, савдо-сотиги бор одамларни жин ҳам ургани йўқку-я... қайта, молнинг нархи ошиб, бири беш бўлди. Аммо шу қимматчилик бўлгандан бери одамларнинг кўзига қарасангиз, кўрқиб кетасиз, тўра» (134-бет).

Мирёқубнинг охирги сўзлари теран маъноларни англатади, у миллат вакили сифатида оддий халқнинг сабр косаси тобора тўлиб бораётганини яхши ҳис этади. Бироқ бунга асосланиб, уни фуқаропарварга чиқариш ҳам мумкин эмас. Характерли жиҳати шундаки, Чўлпон Мирёқуб тилидан одамзот табиатидаги хафсаласизлик иллатини кескин танқид қиласиз.

Бу маъноларни Нойиб тўра Мирёқубдан бир қадар фарқли тарзда ўзича англайди:

«Хаббаракалла! Бизнинг ҳамма хавфимиз ўша «кўзлар»дан... кўзлар кўп хунук қарайлар. У кўзларнинг сон-саноги йўқ. Германни енгсак, кўзлар ювошли-

нади. Худо сақласин, агар шу хилда кета берсак — у күзлар бизни еб ташлаши мумкин...» (134-бет). Мана шу нутқдаги «күзлар» бадий детали орқали Чўлпон Россия империяси халқ оммасини бошқаролмай қолганини, халқнинг кўзида (ва кўнглида) халқни қийнаб, оғир аҳволга солиб кўйган ҳокимиятга нисбатан норозилик, нафрат кучайиб бораётганини кўрсатади.

Қаҳрамон портретини яратишда кетма-кет келтирилган барча тафсилотлар уни образ сифатида тури ракурсларда очиб беришда ёрдам беради. Ўз ўрида қўлланилган бадий деталь инсон характери, руҳиятини ёритишида муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, деталь оддий тафсилотдан фарқли ўлароқ, бадийлик воситасини бажариш билан бирга, муаллифнинг индивидуаллигини таъминловчи, асарга ўзгача жило бағишловчи восита сифатида ҳам қўлланилган. Юқорида келтирилган «күзлар» детали муаллиф қалбини, унинг ҳаётга, инсонга бўлган муносабатини кўрсатиши кучига ҳам эга.

«Кече ва кундуз» романида ёзувчи лексик такрор усулига ҳам кент ўрин беради. Лексик такрор ўзига хос усул сифатида қайтарилаётган сўзнинг тасвирий имкониятларини янада оширади, китобхон диккат-эътиборини айнан шу сўзга қаратади. Зеби юраги сиқилганини баҳона қилиб, ўртоғи Салтанатхонларникига йўл олади: «Ҳар қалай, севимли ўртоғидан ва унинг оналаридан кўрган ихлос ва хурматлари учун — ҳалиги мулодаза орқасида — Зеби хурсанд, унинг хурсандлигини кўриб, ўз гуноҳларининг кечирилганини ё бўлмаса, анча енгиллашганини ўйлаган Салти ва унинг оналари хурсанд... Иккала томон ҳам бир-бирининг кўнглидан бехабар, шу хилда хурсандликка кўмилди.

Зебининг бу хурсандлиги, албатта, кузатган мақсадига эришмоқ билангина пойидор бўларди» (75-76-бетлар).

Келтирган парчамиздаги такрорланиб келаётган «хурсандчилик» Чўлпон баёнига хос бўлган майда-чуйда тафсилотлар билан берилган, тафсилотлар нафақат

холатни, балки юз, күз ва ҳаттоки, бу вазинтнинг рамзий белгиларини кўрсатиб беришга қодир. «Хурсанд... хурсандлигини... хурсанд... хурсандликка... хурсандлиги...» тақорорий формалар қаторида «кузатган мақсадига эришмоқ» сўз бирикмаси киритилган. Ва худди мана шу сўз бирикмаси бу «хурсандлик»нинг асл маъносини очиб бераяпти, яъни келтирилган парчадаги ҳар бир персонаж «кузатган мақсадига эришди». Зеби Ўлмасжон ҳақидаги ширин хаёллардан, бу оиласдаги инсоний меҳрдан, оила аъзолари эса Салти гуноҳининг «кечирилган» идан хурсанд. Бир-биридан тамоман бехабар кўнгил манзаралари тасвири битта сўзда намоён. Адид бунга лексик тақорор орқали эришади.

Ҳақиқий мураккаб деталь худди тоғдаги акс-садо сингари бир неча бор ва турфа хил жаранглайди. У китобхон онгига чуқур ва фавқулодда ассоциациялар уйғотадики, гоҳида ёзувчининг ўзи ҳам буни сезмаслиги мумкин. Деталь шундай бир куч билан таъсир қиласдик, ҳаракатнинг ўзи жумбоққа айланаб қолиши мумкин.

Чўлпон қаҳрамонлар нутқи, ўйлари орқали уларнинг ички дунёсини ҳам, айрим шахсларнинг руҳий ҳолатлари орқали ижтимоий мухитни, давр руҳини ҳам маҳорат билан кўрсата олган. Роман қаҳрамонлари нутқидаги лексик тақорорлар сюжетни вужудга келтирувчи вазифани ҳам бажарадилар. Бу, айниқса, Мирёқубнинг империя хусусидаги фикрлари келтирилган парчада яққол сезилади:

«Империяси чирибди... Йиқилса ҳам ҳеч ким тангир қолмайди. Менинг миямда шу бугун ғалати фикрлар кўзғалди. Нималигини ўзим ҳам билмайман... Илгари ҳеч бунақа гаплар йўқ эди. Аллакимдан алланималарни сўрагим, билгим, ўргангим келади. Бир пирни топиб — тариқат сўрасамми? Бир закунчини топиб — закун сўрасамми? Ё бир муаллимни топиб — масала сўрасамми, ҳайронман...» (143-бет). Ушбу иктибосни қуйида биз келтирадиган парча билан чоришириш давомида шунга амин бўламизки, Мирёқубнинг империя хусусидаги

ўйлари айнан бир хил шаклда бўлмаса ҳам, бир неча бор тақрорланади. Бундай тақрорлар руҳий таҳлил учун хизмат қиласди.

«Империяни кемага ўхшайди дейди... Йўқ, кема дейди, кема... Нималигини билсам эди! Империя нима десам оқподшони, ўзини, погонини кўрсатди. Оқподшонинг нималигини ўзи айтиб берди, ўзининг кимлигини ўзим биламан, бугун яна ҳам очикроқ билдим, эртага жуда равшан билсам керак... Энди елкасидаги погони қолди. У бир латта, зардан тикилган бўлса ҳамки, бир латта... Машиначи тикади. «Эшагига яраша тушови» деган гап бор. Эгасига яраша — погони... Демак, империя ботишга томон боради» (143-бет). Руҳиятдаги кечинмалар ва тафаккурда туғилган турфа саволлар Мирёқубнинг ички оламидаги саросималик ва маънавий улғайиш жараёнларини кўрсатади:

«Биз нима бўламиз? Фукаро нима бўлади? Бизнинг топган туттганларимиз, ортдирган давлатимиз нима бўлади? Азбаройи худо, кимдан сўрасам? Шошма, янги ошнамдан, мени занжирсиз боғлаб қўйган айёрдан сўрайман! У, ҳар ҳолда, ўрис-ку... ўқиган-ку, билади. Йўқ, шошма, у ўзи нима бўлади? Ўзи? Шундай катта империя ботади-ю, у сог қоладими? Нима, азбаройии худо, бу империя? Кимдан сўрайман энди? Кимдан?!» (143-бет). Шундай қилиб, Мирёқубдаги «Империяси чирибди...» деган ички туйғудан тафаккурга кўчтан фикр пиравардида «Нима, азбаройи худо бу империя? тузилишига ўсиб чиқди. «Ички» тақрорлар тизими «сюжет тугуни»ни ҳосил қиласди: «Демак, империя ботишга томон боради». Аввал билдирилган фикрнинг баён қилиш давомида тақрорланиб, кенгайтирилиб ва кучайтирилиб келтирилиши натижасида тақрор романда муайян композицион вазифа бажариш билан бирга эстетик функцияни ҳам бажаради. Бу аввало ўсиб бораётган вазият-ҳолат ва руҳий тарангликда кўринади. Юкорида келтирилган парчада таранглик «империяси чирибди» тақрорининг турли хил шаклда берилиши орқали вужудга келган.

Жаҳон реалистик романлари тажрибасидан яхшигина хабардор бўлган Чўлпон ижодида чинакам реалистик насрга хос, руҳий таҳлил билан муаллифнинг фалсафий мулоҳазалари мантиқан ўзаро чамбарчас боғланниб кетган. Қуйида шуни далиллашга ҳаракат қиласиз:

«Қафаснинг даричаси очилди!

Энди қушларга қанотларини ростлаб туриб «пир!» эта учмоқдан, кенг кўкларга, фазоларга парвоз қилмоқдан бошқа нарса қолмади. Паранжини ёпиниб ўтирамасдан, шундек бosh устига ташлаб, чимматни «хўжа кўрсинг»га тутган бўлиб югуриш керак, холос...

Фақат, унда даричанинг очилганига ким севинади?» (19-бет).

Қафаснинг даричаси очилди, лекин Зеби озодликка чиқдими? Ёзувчи мавзуни танлади, энди уни ривожлантириш керак. Зебининг «тутқалоги» тутган вақтида мингбоши ва Мирёқубнинг ўзаро сұхбати:

«Учиб кета қолсин! Шу топда «бор, кет!» дегим бор.

Эсингиз жойидами, хўжайин? Менга қаранг... бу нима гап? «Кет», десангиз, жон дейди. Шамолдай учади. Унга сизнинг «кет!» деганингиз ёввойи қушга қафас даричасини очгандай гап. Ким армонда қолади? Уми?» (113-бет). **«Қафаснинг даричаси очилди!»** такрори орқали Чўлпон Зебининг бутун тақдирини белгилайди. Зеби ва зебилар орзуси, Акбарали ва акбаралилар интилиши, Чўлпон ва Чўлпон авлоди армонлари «қафас» ва «дарича» образида моҳирона рамзлантирилади. Зеби тақдирининг икки хил ҳолатидаги вазият талаби бўйича келтирилган такрорларда адид руҳияти ҳам акс этган.

Романин кузатиш давомида шунга амин бўламизки, лексик такрорлар қайтарилаётган ҳолатни ишонарли бериш билан бирга, китобхонни ҳам қаҳрамон ҳисларини ўз бошидан кечиришга мажбур қиласи.

Лексик такрорлар сюжет ва композиция ҳосил қилиши билан бирга бундай нутқ типи асар бошида тасвирланган ижтимоий мұхитдаги халқ руҳиятини чуқурроқ таҳлил этиш учун хизмат қиласи.

Фикрларимизни якунлаб, шуни таъкидлаш керак-ки, Чўлпон янги йўналишда ижод қилган ёзувчилари-миздан бири. Ёзувчи турли нутқий-интонацион бузилишлар: (қайта сўраш, нутқ оқимининг узилиши, ўзгартувчан паузалар)ни қўллаш орқали драматик вазият-ҳолатни кучайтириш, таъсирчанликни ошириш, қаҳрамон кечинмаларига ҳамдард бўлиш, тасвир аниқлигини таъминлаш ва китобхон ишончини қозоништа эришган. Унинг романчилиқдаги ўзига хос услубий хусусиятлари инсон ҳаёти ва инсоний хислатларни синчковлик билан кузатиб, моҳирона кўрсата билганлигидадир. Баъзан адид фикр баёнини кўп маънно англатувчи уч нукта билан узиб, тасвирда «сукут сақлаш» усулини қўллар экан, мати эквиваленти сифатида мазкур фикр ва жумлани китобхон тўлдиришига ишонади. Романнинг баён оҳангидаги бундай «сукут сақлаш» ва узилишлар адигга қаҳрамон ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни янада чукурлаштириш имконини берган.

Аслида нутқ оқимининг кескин узилиши — «сукут сақлаш» муаллиф интонациясининг ёзувда акс этган график шаклидир. У баёнда драматик таранглик ва қаҳрамоннинг ҳис-ҳаяжонли вазият-ҳолатини акс эттиради. Бинобарин, уч нукталар муҳим услубий вазифани бажариб, қаҳрамон кечинмаларининг ҳаққоний ва ишончлилиги, романнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини таъминлаган.

Романда персонаж нутқи ва диалоглар орқали асар қаҳрамонлари ҳаракат қилаётган муҳитга хос муаммоларга муайян муносабат билдириш ифода услубидан фойдаланган. Таъкидлаш жоизки, миллат дардларини мустамлакачи амалдорлар тилидан айттириш ҳам расмий цензурани чалғитиш мақсадида қўлланилган ўзига хос усолдир. Демак, Чўлпон романда характерлар ички мантиғига зид бормаганидек, китобхон тафаккур эркинлигига ҳам зуғум ўтказмайди. Айни пайтда ўзи суйган, ардоқлаган қаҳрамонларига бўлган симпатиясини ҳам яширмайди. Ривоявий батафсилликдан қочган Чўлпон

қаҳрамонларни ҳаракатда кўрсатиш жараёнида баланд дидли китобхон тасаввурларига ишониб, худди моҳир рассомлар каби портретнинг муҳим штрихларини контурлар ёрдамида чизади. Баъзан эса, қаҳрамонни руҳан иккига ажратиб, унинг ўз-ўзини таҳлил қилиши усулидан фойдаланади. Масалан, Мирёқуб ва кўнгилдаги «терговчи-виждон» диалогик курашида адаб «Мирёқуб-назоратчи» мақомида туриб, риёкорлик ва сохтаклини аёвсиз фош этади.

Юқорида биз кўриб чиккан стилистик фигуранлардан бири бўлган такрор эса, адаб учун нафакат бадиий-эстетик восита, балки ёзувчининг инсонни инсондай кўрсата билишдан кўзлаган бош мақсади. Ўзбек романчилиги тараққиётида «Кеча ва кундуз» ҳаётни ривоявий баён этишдан кўра кўпроқ бадиий тадқиқ этиш нуқтаси назаридан жаҳон романчилиги тараққий даражасига яқинлашди.

### III. БОБ. ЧҮЛПОН ИЖОДИЙ ФЕНОМЕНИ

#### 3.1. Истеъдод жилолари

Чүлпон эстетик қарашларини теранрок англаш адабий танқидчиликда янги бир даврни бошлаб берди.<sup>1</sup> Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Дилмурод Қурунов, Шерали Турдиев, Маъруфжон Йўлдошев каби турли авлодга мансуб бир гурух адабиётшунослар чүлпоншунослик шаклланишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Аммо О.Шарафиддинов таъкидлагани каби «ҳали улар (тадқиқотлар — Ш.Т.) Чүлпонни англаб етганимизни билдирамайди». Чүлпонни англаш миллий адабиётимизни тоталитар тузум даврида ясалган қобигидан чиқариш демакдир. Гарчанд, янги замонга монанд ишлар қилинаётган бўлса-да, то ҳануз онгимизда «эски замон инерцияси» тугаб улгурганича йўқ. Бу ўзига яраша кучни талаб этади — ўша инерцияни фақатгина адабиётни санъят даражасида тушунганлар тўхтатишга қодир.

Дарҳақиқат, бу ижодий меҳнат жараёнида сарфланган куч, тўқилган кўз нури, юрак қўри эвазига кашф қилинган ҳақиқатдир. Ёзувчининг истеъдоди — ҳаётни ўзига хос нигоҳ билан кўра олиш, хис қилинган туйғуни бошқаларга ҳам гўзал ифода орқали юқтира олиш, ҳаётий ва жонли характеристлар яратади. Билишда кўринади. Чинакам санъаткорда катта фидокорлик, поёнсиз чидам, туганмас қунт, дадил изланишлардан чўчимаслик хусусияти ҳам бўлиши керак. Чүлпон бу талабларга тўла жавоб бера олади.

20-30-йиллар Чүлпон ижодининг энг сермаҳсул даври бўлди. У ҳам драматургия соҳасида, ҳам адабиётшунослик ва танқидчилик, ҳам таржимонлик, шу билан бирга, бадиий публицистика йўналишларида катта шиҷоат билан меҳнат қилди. Бинобарин, бу ишларнинг ҳар бири алоҳида олиб қаралганда ҳам ўзига хос қиймат касб этади. Бироқ гап уларнинг барчаси адаб қаламининг

<sup>1</sup> Рӯзимухаммад Б. Чүлпон — тонг юлдузи демак... (Абдулхамид Чүлпоннинг педагогик қарашлари). - Т.: Ўқитувчи, 1997. - Б. 65.

ўткирланишига олиб келгани, Чўлпон XX аср ўзбек адабиётiga янгича тасвирий усул ва воситаларни олиб киргани, унинг поэтик кўламини кенгайтирганидадир. Чўлпон дунёни идрок этишда фавқулодда истеъододга эга. Унинг нозик қарашлари инсон руҳиятининг энг чуқур қатламларига сингиб кетади. Адаб меросининг ўзига хос жиҳати шундаки, у анъанавий насримиз имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиб, имкон қадар европа адабиёти шаклларини ўзлаштириш йўлидан борди.

Санъат асари ҳамиша бир нусхада мавжуд бўлади. Рус мунаққидларидан бири бир санъаткорнинг иккисига таъсирини қуёш нурларининг ерга таъсирига ўхшатган эди — қуёшнинг тафти билан ерга тушган уруг кўкариб-униб чиққанидек, адабий таъсири туфайли ёзувчининг онгода мудраб ётган ички имкониятлар уйғонади ва қанот ёзади. Чўлпон рус мумтоз адабиётининг йирик намояндалари Достоевский, Толстой, Гоголь, Чеховларнинг асарларини чуқур ўрганиб, гарб адабиёти билан яқиндан танишган эди.

Кўпгина илмий манбалардан маълумки, Достоевский, Толстой мактаби нафақат рус адабиёти намояндалари учун, балки бутун жаҳон адабиёти, хусусан, гарб адабиёти намояндалари учун ҳам истеъододини юксалтиришда муайян синов майдони бўлган.

Чўлпон 1936 йилда «Катта мактаб эгаси»; 1937 йилда эса (қамоққа олинишидан бир оз олдин) «Устоднинг хислатлари» мақолаларини эълон қилди. Уларда Горькийнинг санъаткорлиги, бадиий маҳоратига зътибор қаратилган: «... наср тилини тараашлашни мен бошлаб Горькийдан ўргандим, — деб ёзади Чўлпон биринчи мақолада.<sup>2</sup> — У, менимча, ўзи ишлатадиган тилни жуда яхши кўради, уни ҳар қандай камчиликдан озода ҳолда кўрмак истайди. «Она»нинг тили мана шундай бир тил. «Она» мен учун катта бир мактаб бўлди. Ўзимнинг «Кеча ва кундуз» романимда мен ҳам шу буюк услубчининг унум-

<sup>2</sup> Чўлпон. Адабиёт надир: (Адабий-танқидий маколалар. Чўлпон ҳақида хотиралар) - Т.: Чўлпон, 1994. - Б. 240

ли таъсирини доим сезиб турдим».<sup>3</sup> Шубҳасиз, бу фикрлар proletar санъаткорлари эталони шаънига айтилган мақтov ёхуд қатағоннинг муқаррар бўронидан асраниш илинжидан туғилган истак деб қаралмаслиги керак. Ҳаёт ҳодисаларини кенг қамровда услубий ифода этишда Горький романлари таъсири Чўлпонда кузатилади.

Чинакам сўз санъаткорлари ҳамиша андозаларга сифмайди. Улар ҳаққонийликни ёритишга, асарларида инсон ҳақидаги ҳақиқатни айтишга интиладилар. Ҳаққонийликка асосланган тасвиirlарда реализм шафқатсиз тарзда акс этади. Масалан, романдаги Акбарали образини биз бутунлай кора бўёқларда кўрмаймиз, чунки у типик жон ва инсонга хос бўлган ижобий сифатлардан тамом бегона эмас. Ҳар бир инсон, гарчи у энг разил белги-сифатлар соҳиби бўлса ҳам, ўзида «оқловчи»ни қидиради...

Чўлпон характер мантигини бузадиган, маънони хирадаштирадиган, воқеа ривожини сусайтирадиган, табиийлик юзига парда тортадиган нарсанинг ҳаммасини жуда чукур ҳис қиласи. Бу қаҳрамоннинг ички дунёси билан боғлиқ жиҳатлар тасвирида аниқ кўзга ташланади. Ёзувчининг максади романда мумтоз адабиётдаги каби анъанавий портрет яратиш эмас (камон қош, ой юзли...), балки «қалб ҳаракатини» очишидир. Чўлпон портрет яратишда ҳам ижтимоий-психологик роман жанрининг умумий хусусиятларини назарда тутади. Бошқача айтганда, адаб портрет орқали, даставвал, қаҳрамоннинг ижтимоий белгиларини ифодалашга, кейин унинг ички дунёсига ишора қилишга ва ниҳоят, китобхонда унга нисбатан муайян эмоционал кайфият уйғотишга интилади. Диққат билан кузатсан, романда батафсил портретларни учратмаймиз. Ёзувчи ҳамиша ҳам қаҳрамон ўтмишини мукаммал тасвиirlамайди, унинг келажакдаги ҳаёти ҳақида ҳам ҳеч нарса демайди. Шунга қарамай, романда муайян характеррга эга бўлган жонли одам-

<sup>3</sup> Шарафиддинов О. Адабиёт яшаса - миллат яшар... // Чўлпон. Адабиёт надир. Т.: Чўлпон, 1994. - Б.30.

лар ҳаракат қиласы. Чүлпон истеъдодининг құдрати шундаки, у баъзи бир рассомлар каби характерни контурлар ёрдамида чизади, бу контурларда эса унинг эң мұхим томонлари акс этади.

Л. Толстойнинг машхур «Санъат нима?» деб номланған мақоласини әсласақ, биз асар яратайтган мұаллифнинг ғоясига тушуниб етамиз. Унинг асосий вазифаси шундан иборатки, китобхон сүз устасининг бутун ўй-фикарлари билан «сугорилған» бўлсин. Бу масала санъат асарининг вужудга келишида сўз устасининг ўша чексиз кичик лаҳзаларни топа билишида меъёрига етади. Чексиз кичик лаҳзалар эса бу деталь ва тафсилотлардир. Мана шу шарт билангина, яъни чексиз кичик лаҳзалар ёрдамида санъатнинг асосий мақсадига әришилади. Агар теран диккәт қилинмаса, бу фикр мантигини англаш мушкул. Унинг маъно қатига чуқурроқ кириб борилса, айни лаҳзада туйилган ҳайрат санъаткорларнинг ўзини ҳам «қамраб олиши»га гувоҳ бўламиз. Умумий планда узук-юлуқ, алоҳида кўринган деталь ва тафсилотлар лаҳзалик саҳна кўринишларида гўё бир-бiri билан боғланмагандек туюлади. Аслида эса умумий «ҳаётга» қўшилиб кетган бўлади. Бундан келиб чиқадики, асосий мақсад улар учун ўрнини тўлдириб бўлмайдиган тафсилотлардир. Деталь ҳам, тафсилот ҳам мазмунни кенгайтириш, яъни юқорида айтганимиздек, яхлит бадиийликнинг моҳиятига кириб бориш хусусиятига эга. Фарқи — мақсадга әришиш йўлларида: деталь «бирлик»да, тафсилотлар эса «кўплик»да берилади.

«Зеби (Зебиниса)нинг қиши ичи сиқилиб, занглаб чиққан кўнгли баҳорнинг илиқ ҳовури билан очила тушган; энди, устига похол тўшалган аравада бўлса ҳам, аллақайларга, дала-қирларга чиқиб яйрашни тусай бошлиған эди» (4-бет).

Шу тасвир давомида мұаллиф ўн беш яшар Зебининг кичик саҳнли ҳовлисига қиши ичи совчилар қадами узилмагани ҳақидаги қисқа хабар ҳам бор. Аммо бу гал кўча эшиги гийчиллаб очилганида паранжи ёпинган,

ўзининг тенгқур дугонаси Салти (Салтанат) кириб келади ва икки дугона ёш, ҳаёли, иболи ўзбек қизларига хос қувониб, сирлашиб, дардлашадилар.

Дугонаси ҳам ичи сиқилиб, дала, қирлар ҳавосини соғинган. Шу ерда оҳангдош кўнгиллар бир яирашиб оладилар. Орада Зеби гинага ўхшаш, салгина нозга ўхшаш ширин бир сўз айтар:

«Нимасини айтасиз... Ариқдаги сув ҳам музнинг тагидан чиқди-ку» (б-бет).

Бу жумлада ёш, гўзал, софдил бир қизнинг жамиятда етарлича қадр-қиммати йўқлигига ишора қилувчи «сигнал» оҳанги бор. Шундан кейинги икки қиз психолого-тик портретининг таққосида Салтанатнинг «юзлари чараклаган юлдуздай, сернашъя, қувноқ ва ҳар қандай андишадан йироқ (бу ерда андиша — уят эмас, ташвишли ўй маъносида. — Ш.Т.) бўлиб, ... севинч тўлқинларини акс эттиради» (б-бет).

Кейинроқ билинадики, Зебининг табиий қувноқлиги, шўхлигини бостириб турувчи ботиний оғир юқ — унинг тунд, совук, заҳарли сўзлар сочувчи отаси — Рazzоқ сўфи бор, Салтанатда бундай хавфли назоратчи йўқ.

«Сўфи» атамаси бу ерда зоҳид эмас, балки мутаассиб диндор маъносида келади. Агар Рazzоқ сўфи ашаддий мутаассиб бўлмаганида ёлғиз қизига бир қадар самимий муомала қилар, бағрикенглик билан муносабатда бўлар эди. Зебининг бир-икки кун дала-қирларга чиқиб яирашга интиқлиги — отасининг зуғумларидан сал узоқроқда юриб, ором олиш тилагидан ҳам келиб чиққан интилишдир. Чўлпоннинг Зеби тасвирига самимий-бегараз муносабати адабиётшунос олим Д.Қуроновнинг «Зеби, Зеби, Зебона...» маколасида шоирона ҳайрат билан кўрсатилади.<sup>4</sup>

«Кечча ва қундуз» қаҳрамони Акбарали ҳам, унинг оиласи мухити ҳам у қадар мақтовга муносаб эмас, лекин мингбоши мол-дунё ва айниқса, ҳокимият эгаси эканлиги туфайли барча фуқаролар уни хурматлашга

<sup>4</sup> Қуронов Д. Зеби, Зеби, Зебона... // Гулистон. - Т., 1991. - № 8.

мажбур. Ҳурматга «лойиқ» бу одам нафақат ҳалққа, балки шоҳона зеб-зийнатда яшаётган хотинлари қалбига ҳам бегона.

Мустамлака ҳокимиияти Ақбарали мингбошига ўхшаган ақлий ва маънавий салоҳияти йўқ, кўпинча ўз ҳузур-ҳаловатинигина ўйлайдиган, жамият муаммоларини тушунмайдиган, юқоридагилар истаги ижроиси бўлган кичик мансабдорларнинг кўпайишидан манфатдор эди. Ақбарали кўп нарсаларга ақли етмагани учун Мирёқуб каби эпчил, ишнинг кўзини биладиган, гайратли одамнинг ҳимоясига, маслаҳатларига муҳтоҗлигини сезади. Шунинг учун Ақбарали оила ички турмушида аҳли аёлига совуқ ва қўпол муомала қилса ҳам, Мирёқубга, унинг маслаҳатларига интизор, интиқ бўлиб туради. Унга нисбатан ҳамиша ҳам ҳукмдорона муносабатда бўла олмайди.

Ақли чекланган, тўғриси, мустамлака ҳокимиятининг сиёсати, вазифалари, қилаётган ишларига ақли етмайдиган Ақбарали мингбоши ҳеч қандай мансабсиз ва ҳунарсиз, хат-саводли Мирёқубга муҳтоҷлигининг яна бир жиддий сабаби шундаки, у пойтахтдаги Нойиб тўранинг яқин «дўсти», Мирёқубгина тўра билан гаплаша олади.

Жаҳолатга ботган, ақл-идрок, хат-савод, илм-маърифатдан йироқ Ақбаралига мансаб ва мол-давлат қандай келганига одамлар ҳайрон.

Чўлпон қисқа диалогларда, номсиз персонажлар — ҳалқ вакилларининг гап-сўзларида Ақбаралининг шахс сифатида арзимас одам эканлигига ишора қиласи:

«Худо берганда, худо! — дейишади кексалар. — Худо ол қулим деса ҳеч гапмас.

Шундай-да (яъни шундай пайтда) баъзи бир ёш-яланлар:

— Худо ҳадеб шунаقا инсоғизларга берар эканда! Биз бечораларга ҳам бир нарса узатса-чи! — деб қолишади.

Буни эшитган кексалар таёқ кўтариб, ёш-яланг устига югуришади, бечора ёшлар таёқдан қочаркан, бир-бирларига қараб пичинг отишади:

— Нимага қочасан? Худо сенгаям бераётир, олмайсанми?..» (54-бет).

Кексалар барча ноҳақликларга тез кўниколмайдиган, инсоф-адолатни талаб қилувчи ёшларнинг бу сўзлари тўғрилигини биладилар. Аммо ақлсиз мингбошини танқид қилиш мумкин эмаслигини, маҳаллий, кичик бир раҳбарга айни замонда ноинсоф экансиз, деб айтиш мумкин эмаслигини «бечора ёшлар»га қандай тушунтириб бўлади? Чўлпон очиқ айтмаса ҳам, шу тагдор сўзларда жамоатчилик фикрини, халқнинг маҳаллий ҳукуматдан норозилик кайфиятини ишоралар орқали ёрқин ифода қилишга эришади.

Зеби ва аравакаш Ўлмасжон каби софдил, беғубор қалбли бир-бирига талпинган ёшлар носоз ижтимоий муҳитда ўта қадрсизлангани, инсоний туйгулари оёқости қилингани, Акбарали мингбоши ва унинг хотинлари ўзаро инсоний муносабатларда ҳам ўз қиёфасини йўқотганлиги «Кеча ва кундуз» романida ҳаққоният билан тасвирланган.

Ижтимоий муҳитда юқори табақалар ичидаги риёкорлик, мунофиқлик авж олгани боис ҳалқ ва мамлакат тақдирига фидоийлик, куюнчаклик ўрнини лоқайдлик эгаллаган.

Мустамлака ҳокимияти (романда Нойиб тўра) маҳаллий бойларни, кичик мансабдорларни одам ўрнида кўрмаса ҳам, хўжакўрсинга «хурматлаб» турадилар. Чунки маҳаллий бойлар ва уларнинг далаларида қулдай ишлаётган камбағал дехқонлар меҳнати билан топилаётган даромад чор ҳукуматига, унинг амалдорларига шу маҳаллий мансабдорлар — Акбарали каби мингбошилар орқали оқиб келади.

Бу «оқим» камаймаслиги учун Нойиб тўра Акбарали каби энг аҳмоқ мингбошини ҳам хурматлаб туради. Ҳатто ўз кошонасида бу «ёввойи»ни меҳмон қиласди. Мастликдаги қилиқларига ҳам чидайди. Чўлпон романда мустамлака ҳукуматининг маҳаллий ҳалқ ва унинг «дарға»ларига менсимай карашини, ўзларини «мадани-

ятли» деб билиб, муомала қилишларини жуда табиий, ҳаққоний тасвирлайди.

Шубҳасиз, Чўлпон ўзи яшаб турган совет мустамлакачилиги даврини ҳам матн остига пинҳоний жойлаган. Адиб Нойиб тўрани аҳмок, кўпол қилиб тасвирламайди. У жуда зийрак одам. Тўра ўз уйида Ақбаралини «ўз тенгидай» кўриб, азиз меҳмондай иззат-хурмат кўрсатади. Лекин Ақбарали мингбоши европалик мустамлакачининг тенти эмаслиги, балки қули эканлигини ёзувчи ўта усталик билан, жуда нозик иборалар воситасида билдиради.

Ақбарали мааст бўлиб қолганида ўғил фарзанди йўқлиги эсига тушади. Мезбон — Нойиб тўранинг жажжи ўғилчасини «ёввойи азиатга» кўрсатгиси келмайди, аммо меҳмон хафа бўлиб, кўзи ёшланади. Нойиб тўра мингбошининг бир марта мастиликдаги эркалигини кўтаратилик деб, ширин ухлаб ётган ўғлини уйғотиб, келтиради.

Чўлпон мана шу нозик вазиятда характер ва ҳолат мантиғидан келиб чиқиб, биргина жумлада Ақбаралининг табиатини равshan кўрсатади. Уйқусираб, йиглаётган ёш тўразодани олиб киришганида «мингбоши пиншиллаб ухлаб ётар эди...»

Нойиб тўра гўё маҳаллий халқнинг юксак ўтмиш маданиятини яхши биладиган, қадрига етадиган одам сифатида ҳам кўринади. Бу одатидан боҳабар Мирёқуб кўпинча унга нодир кўллэзма ёки тошбосма асарларини топиб келиб, совға қиласди. Шу йўл билан Мирёқуб унинг кўнглига йўл топган. Романда Нойиб тўра ўта салбий қаҳрамон сифатида нуқул қора бўёқларда кўрсатилмаган. У, ўз «иши»ни яхши уddyалайди. Ақбарали мингбоши каби маҳаллий бошлиқларга, Мирёқуб каби тадбиркорларга яхши муомала қилиб, шулар орқали ўлка фуқароларини итоатда сақлаб туради, ғалваю жанжалга йўл қўймайди.

Маҳаллий халқнинг Мирёқуб каби нисбатан илғорроқ вакиллари сиёсий онги етишмагани ҳолда (у газет-

ни бир амаллаб ўқииди) мустамлакачи Нойиб тўра но-  
дир қўлёзмаларни ва уларнинг муаллифларини, мада-  
ният тарихини ҳам манфаат истагида анчагина ўргангандай.  
У Мирёкуб келтирган қўлёзма шоир Адо дастхати экан-  
лигини билиб, ўзини гўё астойдил қувониб кетгандай  
тутади. Ҳокимтўра муовини (нойиби) Мирёқубни сер-  
гайратлиги ва хизматта шайлиги, бинобарин садокати  
туфайли ҳурматлайди. Ҳатто Россия империясининг куч-  
кудрати заифлашиб бораётганини (I жаҳон уруши Рос-  
сияни жуда ҳолдан тойдирган, ҳалқнинг оқ подшо истиб-  
додига қарши норозилик чиқишлари авж олаётган эди. —  
Ш.Т.), бу кетишда салтанат, давлат ҳалокатга учраши  
мумкинлигини ҳам Мирёқубга ишониб айтади.

Нойиб тўра Россия қўшинлари Германия билан  
урушда кетма-кет енгилаётганини қайгуриб айтади:

«Мустаҳкам қалъалар бирин-кетин душман қўлига  
ўтмоқда, канча вилоятлар, ўлкалар, шахарларни душ-  
ман эгаллади...» (132-бет).

Мирёқуб тилидан адид Нойиб тўрага истехзоли са-  
вол беради:

«Оқ подшо қаердалар? Бир чора кўрмайдиларми?  
Ҳаммамиз севган оқ подшо...» (132-бет).

Ҳоким муовини бу «сарт»га ташвишларини яшир-  
май, аламли қалбини очади. Шу жиҳатдан унинг сўзлаш  
тарзига хос оҳанг жуда қизикарли. Бу оҳанг ҳоким синф-  
нинг юртни илгаригидай бошқариш учун ожиз бўлиб  
қолгани, ҳаёт муаммоларига тайёр жавоблари йўқлиги  
дavr зиёлиларини теран ўй-хаёлларга чўмдиргани иж-  
тимоий мухитнинг жиддий ўзгаришлар остонасида тур-  
ганидан дарак беради.

«Бу саволни, Мирёқуб, биз ҳаммамиз бир-биримиз-  
дан сўраймиз. Ҳеч қайсимиз жавоб тополмаймиз. Ўз-  
ўзимиздан сўраймиз. Тажангланиб, хафа бўлиб, қизиб  
сўраймиз. Шошилмай, таяммул билан, ўйланиб туриб  
сўраймиз. На ўзимиздан жавоб бор, на бошқадан! Бу —  
малъун савол, Мирёқуб!» (132-бет).

Жамият ва шахс муносабатлари адолатли ҳамда  
инсонпарварлик асосига қўйилганми ёки жамият ҳаёти-

да жабр-зулм ва ноҳақлик ҳукм сурадими? — бу муаммо барча замонлардаги мутафаккирларни ва халқчил санъаткорларни ўйлантириб келади. Жамият, ижтимоий муҳит барча замонларда ва барча тузумларда ҳам шахсларнинг тарбиясига, ҳулқига, тақдирига кучли таъсир кўрсатади. Айни вақтда кучли шахслар (агар салбий маънода кучли бўлса) ижтимоий муҳитда ноҳақликнинг кучайишига, ижобий маънода кучли шахслар жамиятни бошқарувчи ўринларни эгалласа, ижтимоий муҳит соғломлашади, жамиятнинг шахсга эътибори, уни қадрлаши ортади.

Ушбу фаслда кузатилганидек, Чўлпоннинг дунёни идрок этиши ва ифода тарзида адид услубига хос: ишора, тагдор сўз ва пичинг, кесатик, истеҳзолар тилида сўзлаш; етакчи фикрни матн остига жойлаш; характерларни муайян контурлар ёрдамида чизиш; характер ва ҳолат мантигининг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш каби ўзига хос жиҳатлар мавжуддир.

Чўлпон — ўз-ўзини англаган, оламни англашда маънавиятини моддий кучга айлантира олган ШАҲС. Бинонбарин, унинг дунёқараши ва услубий ўзига хослигини инкишоф этишининг энг мақбул йўли романдан жадидчilik ижтимоий-маърифий ҳаракати ва жадид адабиёти етакчи мақсадларига ҳамоҳанг бўлган адид эстетик концепциясининг бадиий ифодасини кузатишидир. Услуб — ижодкорлик қуввати ва эстетик концепциядан озиқланафи. Шу маънода алоҳида ижодкор услубини унинг ижодий мероси мазмуни ва йўналиши лейтмотивига боғлаб ўрганиш талаб этилади. Демак, Чўлпон услуби ёзувчнинг табиати, истеъдодидан келиб чиқади. Роман ифода ранг-баранглиги ва бадиий тилида акс этади.

### **3.2. Характер ва адид дунёқараши муносабатлари**

Шеър шоирнинг имони бўлса, шоир халқнинг, Ватаннинг имонидир. Бу мустаҳкам эътиқод, истеъдод ва ижодий меҳнат туфайли насиб этадиган тугал баҳт. Чўлпон ана шундай мавқета мушарраф бўлган қалам

соҳибларида эди. Чўлпон ижодига бўлган муносабат давр талаблари билан боғлиқ тарзда ўзгариб келди.

ХХ аср бошларида янги ўзбек адабиёти, хусусан, настри кўпроқ араб ва туркий адабиёт тажрибасига таянради. Бироқ рус ва европа адабиёти билан яқиндан таниш, бу адабиётлар таржимони бўлган Чўлпон учун бу бирдан-бир йўл эмас эди. Унинг «Кечা ва кундуз» романи янги ўзбек романчилигининг ривожланишида ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Чунки Чўлпон жаҳон адабиётининг буюк санъаткорлари — Федор Достоевский ва Лев Толстой, Николай Гоголь ва Иван Тургеневнинг илгор дунёқарашларига ҳамоҳанг тарафа фикрлаб, уларнинг ижодий анъаналарини давом эттириди.

Чўлпон насрининг етук тадқиқотчиси Д.Куронов «Кечা ва кундуз» романи хусусида тўхталар экан: «Роман ижодкорнинг жамият билан муносабатидаги чигалликлар унинг ички зиддиятига айланган ҳолларда ўша зиддиятнинг ечими сифатида юзага келади. Фикримизни ойдинлаштириш учун тематик жиҳатдан бир-бира га якин бўлган «Кечা» ва «Кутлуғ қон» романларига бир кургина қиёсий назар ташлани фойдали. Ҳар икки роман ҳам жамиятнинг муайян босқичдаги ҳолатидан «қониқмаслик» ёхуд унга нисбатан «исён» натижаси ўлароқ яратилган», — деб ёзади.<sup>5</sup> Таҳлил давомида олим Л.Толстойнинг «Тирилиш» романига ҳам мурожаат қилиб, айрим парчаларни Чўлпон романи билан муқояса қиласди (Нехлюдов ва Катюша Маслова муносабатлари). Бу мулоҳазалар бизга бир туртки бўлди. Гап шундаки, биз суд жараёни киритилган парчаларни жаҳон адабиётида кўп учратганмиз. Юкорида номи тилга олинган Л.Толстойнинг «Тирилиш» романи ҳам бундан мустасно эмас. Суд жараёнида асосий иштироқчилар «айбдор», «кораловчи» ва «адвокат»дир. Чўлпон романидаги суд жараёни ҳам бундан холи эмас. Лекин бу саҳнанинг ифодаси турли мулоҳазаларга олиб келади.

<sup>5</sup> Куронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. - Т.: Шарқ, 2004. - Б. 113.

Л.Толстой романи 1889 йилда ёзила бошлаган бўлса, 1899 йилга келиб якунланди. Қарийб 10 йил муддатда ёзилган «Тирилиш» романи ёзувчи жамоатчилик ва адабий фаолиятининг якуни сифатида ҳам қабул қилинди. У кенг қамровли асар. Романда синфий номутаносиблик, ерсизлар тақдирли, хуқуқи поймол қилинган дехқонлар, уларнинг адолатсиз жамият тузумига бўлган нафрати, мустақил ҳаёт ва ерга эга бўлиш хуқуқи муаммолари кўйилган. Асарда кўпмиллионли халқнинг амалдаги турмуш тарзига қарши ҳаракатлари тасвирланган. Шу билан бирга, худди ўша дехқоннинг бундай ҳолатдан чиқиб кетишга қодир эмаглиги,chorasizligi ўз аксини топган. Нехлюдовнинг суддан олдин ва кейинги аҳволи, Катюша Маслованинг қисматида ўзини айбдор санагани учун уни ботқоқдан тортиб олишни мақсад қилиб кўйиши ва ҳ.к. ёзувчи танлаган мақсадни амалга оширувчи масала.

Д.Куроновнинг «Тирилиш» романини қиёсий таҳлилга тортиш ҳақидаги фикрлари бизни 20-30-йиллар ўзбек адабиётига, хусусан Чўлпоннинг «Кечава кундуз» романига чуқурроқ назар ташлашга унади. Шу давр адабиёти ҳақида Озод Шарафиддинов шундай фикр билдирадилар: «20-30-йилларда ўзбек адабиётида ҳам музайян модернистик изланишлар бўлган. Бу, жумладан, Ойбек, Миртемир, Чўлпон ижодларида кўринади. Ойбекнинг дастлабки шеърларида модернистик изланиш ҳис-туйғуларининг таҳлилига жуда кенг ўрин берилганида кўринади. Миртемир биринчи китобида ҳаёт завқини тизгинсиз пафос билан ифодалашга интилади. Афусски, унда меъёр бузилгани учун пафос кўп ўринларда оддий баландпарвозликка айланиб кетади. Чўлпон эса «Кечава кундуз» романидаги, айниқса, Зеби устидан суд эпизодлари тасвирланган ўринларда ўша воқеаларнинг абсурдлигини жуда ёрқин ифодалаган. Ифодалаганда ҳам куруқ сўзлар билан эмас, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳис-туйғулари билан ифодалаган».⁶ Олимнинг бу фикрлари В.Жирмунский, Н.Конрад ва Д.Дю-

<sup>6</sup> Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. -Т.: Шарқ, 2004. — Б. 243.

ришиннинг илмий-назарий асарларидағи хулосалариға ҳамоҳант. Уларнинг фикрича, турли миллат адабиётларига мансуб бири иккинчисига ўхшаш, мос келувчи асарлар бошқа-бошқа даврларда, тарихий яқдиллик ва ҳеч қандай алоқанинг бўлмагани ҳолда ҳам қиёсий-типологик таҳлил доирасига тортилиши мумкин. Шунингдек, буни бирининг иккинчисига таъсири билан ҳам исботлаб бўлмайди.<sup>7</sup>

Чўлпон ижодининг ўзига хос жиҳати шундаки, у романига XIX аср ўзбек насли анъаналарини сингдириб, XX аср адабиётида шаклланастган янги ижодий имкониятлардан ҳам унумли фойдаланди.

Шубҳасиз, бизнинг миллий тафаккуримизга жаҳоний ижтимоий-эстетик қарашлар анча кучли таъсири кўрсата бошлаган XX аср бошларида ўзбек адабиётида уч берган модернистик изланишларни Чўлпон ижодида ҳам кўриш мумкин. Аммо бадиий ижод давр мафкурасига тўлиқ бўйсундирилган ва ижод эркинлиги бўйилган шароитни инобатга олмаслик мумкин эмас. Зоро, асосий хусусияти ҳар қандай қолипни инкор этишдан иборат бўлган модерн адабиётининг бу даврда эмин-эркин ривожланиши имконсиз эди. Шунга қарамасдан, Чўлпон мансуб бўлган авлод тажрибалари XX асрнинг 70-йилларидаги «нисбий эркинлик» даври модернистик изланишларига ҳам, бугун бу ўюналишнинг эстетик қиммати гоятда баланд асарлари пайдо бўлишига ҳам дебоча бўлди. Шаклий-мундарижавий экспериментлар кўламини кенгайтириш, бадиий ижодни бир хилликдан халос этишда Чўлпоннинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Чўлпон ўзбек китобхони ички оламини янада тераплаштириш, унинг интеллектуал — руҳий савиясини кўтариш, уларда индивидуалликни юзага чиқариш ар-

<sup>7</sup> Каранг: Жирмунский В.М. Литературное отношение Востока и Запада, как проблема сравнительного литературоведения. - ЛГУ.: Труды юбилейной научной сессии, секция: филология. 1946. Конрад Н.И. Запад и Восток. - М.: 1972, - С.295; Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. - М.: Прогресс, 1979. - С.144.

монлари билан қалам тебратган эди. Миллат вакилларининг шахслик даражасини теранлаштиришни кўзла-  
ган Чўлпон пировардидаги миллат аҳли тафаккурини бир  
хилликдан жалос этишга, уларнинг ҳар бири ўз олами  
бўлишига эришмоқни кўзлаган. Демак, миллатни тўда  
бўлишдан, оломонликдан асрар, шахси чуқурлашган  
қавмга айлантирмоқчи бўлган. Чўлпон романи тасвир  
қамрови, таъсир кўлами ҳақида сўз кетганда айнан ана  
шу жиҳатларга эътибор қаратмоқ ёзувчи бадиий ола-  
мини англашга интилишдир. Зоро, Чўлпон санъаткор-  
лиги романда қаҳрамонларни ичдан нурлантириш жа-  
раёнида ижодкор сифатидаги ўз «мен»ини ҳам сингди-  
ра олингандигида яққол намоён бўлади.

XX аср бошларидан дунё фалсафаси ва адабиётшу-  
нослигига А.Бретон, Р.Барт, Ж.Сартр, А.Камю, Э.Фром  
сингари ёзувчи, адабиётшунос ва файласуфлар модерн  
йўсинидаги бадиий тажрибаларнинг ўзига хос хусуси-  
ятлари, намоён бўлиш шакллари, тараққиёт йўлларини  
тадқиқ этиб келдилар. Бинобарин, мазкур ҳодиса-  
нинг ўзбек адабиётидаги миллий ва умуминсоний жи-  
ҳатларини Чўлпон насли мисолида кузатиш, ўрни би-  
лан «Кечва кундуз» романини жаҳон адабиёти наму-  
налари билан қиёслаш ғоятда долзарб муаммодир.

XX аср жаҳон адабиётига жуда кўп буюк сўз санъ-  
аткорларини берди. Улар ўз ижоди билан умумжаҳон  
адабиёти хазинасини беҳад бойитдилар. Жаҳон адабиёт-  
ти дурданалари ичida суд жараёни ва маҳбус мавзуси  
кўп учрайди. Шунга кўра биз, гарб ва шарқда тахминан  
бир даврда («Кечва кундуз» 1935й., «Бегона» 1942й.)  
ёзилган икки романнинг маълум қирраларини қиёсий-  
типолологик таҳлилга тортмоқчимиз.

Маълумки, Альбер Камю (1913-1960) француз ёзув-  
чиси ва файласуфидир. У атеистик экзистенциализм ваки-  
ли эди. Бу оқимнинг Хайдеггер, Сартр, Бовуар каби  
намояндалари қаторида Камюнинг ҳам ўзига хос ўрни  
бор. Унинг қарашлари Къеркегор, Ницше, Достоевский  
ҳамда немис экзистенциалист файласуфлари таъсири

остида шаклланган. Камю фалсафасининг марказий мавзуси — инсон яшашининг маъноси ҳақидаги: «Ҳаёт яшашга арзийдими?» — деган масаладан иборат бўлиб, «Сизиф ҳақида афсона» (1942), «Бегона» (1942), «Исёнкор одам» (1951) сингари асарларида акс этгандир. Тарихий ҳалокатлар олдида инсоннинг қандай яшай олиши мумкинлиги ҳақида фикрлаган адаб қаҳрамонларини «чегара вазияти»дан туриб тасвирлайди.

Унингча, инсон, факат ўлими олдиагина ўз эркинлитини кўлга киритади. Камюнинг фикрича, инсон ҳар бир ҳаракати билан ўз-ўзини шакллантиради. Инсон фаросат тафаккури орқали борлиқни пайқай олмайди. Зеро, унинг табиий ва ижтимоийликдан фарқланувчи ўз борлиғи бор. Инсон зоти жамият олдида ўзининг ғоятда ожиз эканлитини ҳис этар экан, воеаларнинг боришига зинхор таъсир эта олмаслигини англайди. Айни пайтда у эркин инсон сифатида теварак-атрофда бўлаётган барча ишлар учун ҳам, ўз қилмишлари учун ҳам айбдорлик сезади.

Англапшиладики, Камю қарашларида ижтимоийликдан кўра аҳлоқий нуқтаи назар устувор. Чунки экзистенциализмда реаллик интуитив пайқаш методи асосида тушунтирилади.

Демак, Камю жамиятнинг бурократча тузилишига киритилган замонавий индивидни ўрганади. У яшаш маъноси хусусида ҳар қандай ўй-хаёлдан маҳрум қилинган зиёлининг маънавий ҳаёти зиддиятларини таҳлил қиласди. Адаб «инсоннинг яшashi беҳуда», — деган хулосага келади. Камю «беҳудалик» категориясини ўз фалсафасининг бош тамойили қилиб қўяди. Унинг афсонавий қаҳрамони Сизиф каби инсон ўз «бемаъни» аҳволидан қутулиш учун, бу аҳволга чидай олмасдан стихияли «исён» кўтаради — нажот излайди, умидсизланади.

Бинобарин, Камюнинг руҳий кайфияти — бу «беҳуда» дунёда нажотсиз ёлғизликда қолган, замонавий жамиятнинг шафқатсизлигини ўзида ифодалаган инсон кайфиятидир.

«Сартр даврасига мансуб Камю экзистенциализм — «мавжудлик, тириклик» фалсафасига жиддий амал қил-маса-да, ҳар ҳолда ўзини «цезарча рух билан захарланган бутун инсониятта таъна қилувчи жонли шахс, эркинлик ва ҳақпаратликнинг таянчи» деб ҳисоблар эди, — деб ёзади С. Великовский Камю асарлари тўплами-даги сўзбоши мақоласида.

Буюк сўз усталари бадиий адабиётнинг янги имкониятларини очиб берадилар. Камю ижодида инсон қалби, маънавий дунёси янада ёрқин ва кенг тасвирланади.

Камюнинг катта шов-шувларга сабаб бўлган «Бегона» романи XX аср француз адабиётининг машҳур асарларидан бири ҳисобланади. Бу асар ҳақида кўп ёзишган ва ёзишяпти ҳам. Турли-туман баҳсларга сабаб бўлган бу романнинг бош қаҳрамони — Мерсонинг маънавий қиёфаси атрофида айтилган хилма-хил мулоҳазалар турли-туман фикрларни келтириб чиқаради. Қаҳрамонни гоҳида ахлоқ-одоб ўлчовларидан чиқиб кетган, деб айблашса, гоҳида эзгулик ва ёзуалик меъёрларидан устун турувчи қандайдир мавхум инсон сифатида талқин этишди. Бу ҳақда Л.Г.Андреев, С.И.Великовский, И.Д.Шкунаеваларнинг тадқиқотларида батафсил мулоҳазалар мавжуд.<sup>8</sup>

Асарни ўқиган китобхон, жазоирлик ўта камсукум бўлган хизматчи Мерсонинг ҳаётида рўй берадиган муҳим эпизодларни бир қаторга териб кўриши мумкин: гарибхонада онасининг тобути ёнида ўтган тунги бедорлик, ёзниң жазирама иссиғидаги дағн маросими; эртаси куни бирга ишлаган аёл билан бўлган учрашув ва уларнинг интим муносабатлари; якшанбадаги сафарда тасодифий танишлари билан денгизга бориши ва қасдан қилинмаган жиноятнинг содир этилиши; жиноятчи устидан ўтказилган тергов ва суд. Суддан сўнг ўз жазо-

<sup>8</sup> Карапт: Андреев Л.Г. Снова «чистое искусство» // О современной буржуазной эстетике. - М.: 1978. Великовский С.И. В поисках утраченного смысла. - М.: Художественная литература, 1979. Шкунаева И.Д. Современная французская литература. - М., 1961.

сини кутаётган бахтсиз қотил хоҳласак ҳам, хоҳламасак ҳам ҳукмнинг ҳаққоний ёки ҳаққоний әмаслиги түғрисида бизни ўйлашга мажбур қиласди, энг олий судга, яъни инсон виждони судига мурожаат қилишга даъват этади. Қонун ҳимоячиларининг адолатсиз ҳукми ҳам ўз-ўзидан жиноятдир. Асар биринчи кўринишда содда, ўзининг «тарафдор» ва «қарши»лари билан дикқатни тортади ва бирданига тинчлик бермайдиган бошқотирмага айланади. «Бегона»ни таҳлил қилганларнинг ҳаммаси асарни ҳикоя қилувчи «мен», яъни Мерсода ярамас ва ваҳший, махлук ва донишманд, разил инсон ва ҳалқ ўғлони, инсонийликдан маҳрум ва инсониятдан юкори турувчи шахсни кўришади.

«Кече ва қундуз»да Ақбарали мингбошининг ўлдирилиш воқеаси ҳам «Бегона»да арабнинг ўлдирилиши сингари роман сюжетида бурилиш ҳосил қиласди. Бу саҳна асар сюжет йўналишидаги бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган, бири иккинчисини тақозо этадиган воқеаларни туташтиради. Асарнинг биринчи қисмida Зебини севмаганига турмушга бериш воқеалари, мингбоши уйидаги ҳаёт, қундошлар билан муносабатлари; иккинчи қисмда эса Зеби устидан ўтказилган тергов ва суд жараёни манзаралари кенг тасвиrlанади. Романнинг биринчи қисмидаги китобхонга таниш воқеаларнинг давоми иккинчи қисмга ҳам ўтади, бироқ улар қонун ҳимоячилари талқини остида, бутунлай бошқача мазмун касб этадики, Зеби ҳатто уларни тасаввур қилиш у ёқда турсин, англаб етиш имкониятига ҳам эга эмас.

Эслга олсак, суд жараёни рус тилида олиб борилади, савол-жавоб тилмоч ёрдамида ўтади. Бу эса Зебининг ҳолатини янада оғирлаштиради...

«Кече ва қундуз» ва «Бегона»да айни ана шу ҳолатлар тасвирини (суд жараёни парчалари назарда тутил-япти) ўқиган китобхонда маънисизлик туйғуси уйғонади, англаш қийин ноҳақлик ҳолатларининг кучайиб бориши жамият ҳолатининг чуқур таҳлилига айланади. Мерсонинг ҳақиқий ҳаёти ва суд аҳлининг буни қандай «кўриши», «тушуниши» орасида номутаносиблик ву-

жудга келади. Худди мана шу нарса ёзувчиларнинг бадий системасида етакчи нуқтадир.

Шак-шубҳасиз, Чўлпон романида ижтимоий турмуш муаммолари анча бўрттириб тасвирланган. Бироқ бу кўнгил ҳисларини жамият муаммоларигагина боғлаб қўйиб бўлмайди, албатта. Чунки «Кеча ва кундуз»да кўтарилиган муаммолар, аввало, Чўлпонга тегишли бўлган фикр-туйгулар, кўнгил талпинишларидан бунёд бўлган. Муаллиф бадий сўзга айлантирган, хануз бизни ҳайратлантира оладиган романдаги барча ижтимоий муаммолар адид кўнгил тафтишидан ўтган, қалб ойнасида акс этган. Ёзувчи кўнглидаги тебранишлар роман учун ҳиссий туртки бергани аниқ. Бироқ Чўлпон романига ижтимоий куч юкламаслиги мумкин эмас эди.

ХХ аср бошлари умумшўро адабиётида майший турмушки яхшилаш йўлларини кўрсатиш анъанаси мавжуд эдики. Чўлпон насли ҳам бундан тамомила ҳоли эмасдир. Муҳими, юрт қайғуси каби кенг миқёсли тушунчалар шунчаки ижтимоий мақсад эмас, балки адид маънавий-руҳий дунёсининг асосини ташкил этувчи эҳтиёждир. Чўлпон тафаккури миллат истиқболига ҳам, ўз туйгуларида ардоқлаган қадриятларга ҳам мақбул келувчи йўллар қидирган. Шу боис ҳам адид субъективизми муҳрланган романни идрок этиш осон эмас. Унда ижодкор идеалларининг эстетик контурлари ўз ифодасини топган.

Альбер Камю санъат: «Халқقا ҳам, хосга ҳам эмас, ҳақиқат ва эркка хизмат қилиши керак», — деб билган эдики, унинг чинакам бадий асарни ижодкор самимияти, дил изҳори ифодасининг даражаси билан ўлчаганлиги аён бўлади. Чўлпон ва Камю асарларини инсониятга хос иллатларни бўрттириб ифодалаш маъносида қиёслаш мумкин. Эҳтимол, бу ёзувчилар бадий-эстетик тизимига хос жиҳатларни таккослаш кимгадир шунчаки тасодифий ўхшашликтини бир кадар ортириб баҳолаш бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ гап сифат-белгилар ўхшашлигининг тасодифийлигига ҳам, жаҳон

адабиётидан бундай ўхшаш жиҳатларни кўплаб топиш мумкин эканлигига ҳам эмас. Бизнингча, масаланинг бутун моҳияти бу адиларнинг инсон табиатига хос иллатларни танқид қилиш орқали инсониятни нуқсонсиз кўрмоқни астойдил истаганидадир.

Демак, Чўлпон ва Камю ижоди муштараклиги, биринчи навбатда бу ёзувларнинг одамзодни комил кўриш истагига намоён бўлади. Чўлпон маҳорати инсон руҳиятини ўзига хос руҳий-психологик таҳдил асосида акс эттиришга интилганида, воқеаларни қаҳрамонлар руҳияти фонида бера олганида кўринади.

Чўлпон ҳам, Камю ҳам ўз қаҳрамонларини суд аҳлига карши қўяди, шунда ҳам тергов давомида «айбдор» улар, фақат саволларга жавоб берадилар (эслатиб ўтамиш, Зебининг аҳволи Мерсоникидан ҳам оғирроқ, чунки у ўзининг қандай аҳволга тушиб қолганини асло тасаввур қила олмайди), улар ўз бошига ёғилай деб турган кулфатлар ҳакида ўйлаб кўришга ҳам қодир эмас, лекин айни замонда уларнинг эътирофларини эшигтан қонун ҳимоячилари ишимиз осон кўчди, ҳаққоний жазо бердик, деб ўйлайдилар. Агар Мерсо мавжуд жамият қонунларига риоя қилмаган экан, бу эътиқодини яшириб ўтирумайди, ҳеч нарсани бўрттирумайди, ёлғондан најот кутмайди; Зеби бўлса, жамиятда бундай мудҳиши ўйнілар бўлиши мумкинлигидан умуман хабарсиз:

«Зеби суд раисининг бола эмаслигини қайдан билсин?» Шу ерда ўтирган шунча эркакнинг ойдай равшан бир нарсани англамасликларини қайдан билсин? «Ўрисмусулмон бўлиб шунча одам ўтирибди, ахир. Мингбoshини ўлдирган Зеби эмаслигини ҳаммаси билади. Билиб туриб яна кайталаб сўрай бергани қизиқ! Ё ўсмокчилашиб сўрармикин?»

Чўлпон қаҳрамони Зебининг ҳолати билан А.Камю қаҳрамони Мерсонинг руҳий ҳолатида муайян ўхшашлик мавжудлигидан ташқари, булар ўртасида катта тафовутлар ҳам бор. «Бегона» романи қаҳрамони Мерсо чиндан ҳам айбдор. Унинг жиноят қилгани, одам ўлдиргани рост.

Дафн маросимининг эртасигаёқ Мерсо янги танишлари билан денгизда чўмилиб роҳатланадилар, у янги күштори Марига ҳам самимий ҳурмат сезмайди, аёллигидан «фойдаланиб» хузурланишни сигарет чекишидай оддий нарса деб билади.

Зебининг «котил» сифатида судланиши тасвирида ўқувчилар унга самимий ҳамдардлик билан қарайдилар, чунки улар Зебининг бегунох эканлигини биладилар. Аслида бу икки романни қиёслашдан мақсадимиз ҳам айни вазиятни Чўлпон ва Камю турлича фикрлаш йўсуни орқали ифода этганлигини кўрсатишдан иборатdir.

Чўлпон қиёфасиз одамларни танқид қиласигина эмас, руҳи кишланланган Зебининг ўз фожеасини етарлича англай олмаслигидан ҳам бир қадар нолийди. Бироқ адаб тасвирида Зеби қиёфасиз одам эмас, балки юксак ахлоқий фазилатлар соҳибасидир. Чўлпон нафратига нишон бўлаётганлар эса суд жараёнининг ижрочилиариdir. Бинобарин, Чўлпоннинг инсонга бўлган муносабати асосини шарқона ахлоқ ташкил этади. Зеби устидан ўтказилаётган суд жараёни орқали Чўлпон ўзининг эртанги тақдирига ишора қиласи, деган тахминларга келишимиз мумкин.

Камю эса абсурд адабиёти намояндасидир. У одамзоднинг қисмат олдидаги ожиз банда эканлигини эмас, балки одамзоднинг тафаккурию файратига ишончни ифода этади. Унинг қаҳрамонлари ўз-ўзига қисмат тайин этмоқчи бўладилар. Энди бу нуқтада Чўлпон ва Камюни қиёслаш мумкин бўлмай қолади. Чунки тақдир ҳукмига рози бўлган мўмин билан тақдирни қўл билан яратмоқ тилагидаги гарб кишининг ахлоқий қарашлари кескин фарқланади. Демак, Чўлпоннинг одам ва оламни англаши мутлақо шарқона ва ўзига хосдир. Биз эътибор беряётган жиҳат Зебининг дунё тартиботига бўлган заифона муносабати масаласининг романдаги оригинал бадиий тажассумидир. Зеби ўз тақдирига пешвоз чиқадиган қаноат ва умид кишиси.

Альбер Камю тасвиридаги Мерсо маънавияти Зебига тамомила зиддир. Мерсонинг исёни ҳаётни буткул

маънисиз деб билишдан, қисмат олдида, фақат ўзида-гина ана шу исёнкорлик имкони бор деб тушунишидан келиб чиқади. Ўз эҳтирослари рўёбини кутган, барча уринишларию интилишлари самарасиз кечган «Бегона» романи қаҳрамони ўз-ўзини ўлдиришни нафакат исён, балки улуг имконият деб билади.

Мўмина аёл бўлган Зеби эса ҳамиша умид билан яшайди. Ўзи тушиб қолган, ҳали англаб етмаган вази-ятдан халос бўлишига ишонч туйгусини йўқотмайди. Мерсо эса эртадан умиди узилган, боши берк кўчага кириб қолган (абсурд йўлига кирган — Ш.Т.) кишидир. У тадбирлари самара бермаслигининг сабабини тушуниш мумкин эмаслигидан нолийди, исён қилади. На ахлок, на ижтимоий тартибот, на дин Мерсога малҳам бўлолмайди. Аксинча, тақдир унинг учун мутлоқ озодликка тўсиқ бўлувчи зулм бўлиб кўринади.

Англашиладики, Чўлпон ва Камю дунёқараши, эътиқоди тамомила фарқланади. Бу нарса Зеби ва Мерсонинг кўнгил ҳолатлари ифодасида ёрқин намоён бўлган. Чўлпон миллий руҳият, ўзбекона одат-қарашларни тे-ран билган ва романда ифода этган. «Бегона» романи эса абсурд дунёқарашиб натижаси ўлароқ юзага келган асар бўлиб, Камю эътиқодининг самарасидир.

Зеби Камю қаҳрамонидан руҳий оламининг гўзаллиги, софдиллиги, соддалиги билан фарқланади. Суд вактида у «Суд раиси қандай ҳукм чиқарар экан» деб, ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди. Зеби эътиқод, имон ва итоат кишиси. Бу борада у ўзига ишонч билан қарайди, «Ахир ўлибдими ўз эрини ўлдириб».

Шу ўринда Зеби психологиясига хос яна бир хусусият бўртиб кўринади. У шароит қурбони бўлган ва пенонасида ёзилганини кўриш руҳида тарбияланган. Зеби мингбоши хонадонидаги барча паст-баландликларга кўнади, ҳатто фарзанд кўриш ниятида юради. Ахир чойнакдаги сув «ишим сув» эди-ку! Мингбошининг ўлимиди Зеби айбдор эмас, — бунга ишончи комил, чунки чойнакдаги сувни ўзи берган бўлса ҳам, ичига заҳар со-

линганидан хабари йўқ. Бу, масаланинг бир томони. Тарозининг нариги палласида суд аҳли турибди. Айнома хусусида уларнинг фикри, умуман, бошقا. Зеби ўз айбини инкор этмоқда, суд аҳли эса унинг ўзи айбига икрор бўлди деб ҳисобламоқда ва буни алоҳида таъкидламоқда. Мана шу икки қарама-қарши ҳолат, икки тоифа кишларининг ўй-фикрларидағи зиддият юкорида айтганимиздек, Чўлпон романида абсурд унсурларини пайдо қилмоқда. Мерсо ва Зеби устидан ўтказилган «жакқоният маросими» абсурд элементларига бой бўлса-да, ҳар бир адид ундан ўз дунёкараши ва эътиқодига мувофиқ тарзда турлича максадда фойдаланишган. Ҳар иккала вазиятда ҳам қаҳрамонларнинг суд аҳли билан тўқнашуви аслида бу ошкор этилмаган мудҳиш зулмни ўзида мужассамлаштирувчи жамият билан юзма-юз келишидир. Зеби ҳам, Мерсо ҳам самимий. Ҳар икки қаҳрамон ҳам йирик ижтимоий шахс эмас, лекин суд аҳли уларнинг аввалги ҳаёти лавҳаларидан ўzlари учун керак бўлган ашаддий жиноятчи образини яратадилар. «Бегона»га мурожаат қиласайлик. Мерсо прокурорнинг қуидаги айбловидан ҳайратга тушади:

«Жилла қурмаса, у афсус қиляптими? Гёё ҳеч нарса бўлмагандай! Тергов давом этган шунча вақт ичидан бирон марта бу одамнинг ўз қилмишита сал-пал бўлса ҳам пушаймон бўлганини эшитмадик, деган гапи қулоғимга етиб келгунча, уни эшитмай қўйдим...

Бунақа ёвузлик, деди у, сира ақлга сигмайди. У инсоний суд жиноятчига шафқатсиз жазо беришига умид килишга журъат этади. Лекин у ҳатто бундай мудҳиш жиноятдан ҳам менинг тошбағирлигимни кўрганчалик даҳшатга тушмаганини кўрқмай айтади. У шундай ёндашади: тошбағирлиги билан ўз онасини ўлдирган одам отасига жинояткорона қўл кўтарган одам билан баббаравар инсониятдан юз ўтиради. Ҳар ҳолда, биринчи иккинчисининг қилмишларига йўл очиб беради ва маълум маънода, бу қилмишларга бошлангич бўлиб,

уларни мұқаррар қилиб күяди».<sup>9</sup> Прокурор Мерсога қаратылған айблов нутқида унинг қанчалар разил, ўз онасининг «қотили» (аслинин олганда Мерсо онасини эмас, арабни ўлдирған!) эканини «түлқинланиб» гапиради. Айбланувчи онасини дағн қилиш маросимиде йиғламаган, ўликнинг тобути тепасида таклиф қилингандар қаҳва ва сигаретдан бош тортмаган, булар прокурорнинг фикрича, «бу одамнинг онасини күмған куни күнглида жиноятчи бўлгани»ни исботловчи далиллар. Бу айблов ҳам аслида бемаъниликтан иборат. Аслида Мерсо жиноятга қўл урган, яъни одам ўлдирған. Аммо тергов ва суд жараёнида унга мутлақо бошқача айблар қўйилмоқда. У умуман қилмаган ва қилиши мумкин бўлмаган, аслида йўқ нарса учун жиноятчига чиқарилмоқда. Мана шу ҳолатга ўта муҳим нукталар жам этилган. Ёзувчи ўзга жамият ва инсон ҳуқуклари, мутлоқ эрки ўртасидаги мавжуд зиддиятларни кўрсатар экан, инсон туйгулари устидан қилинаётган зўравонликлардан қаттиқ норози эканини санъаткор тили билан ифодалайди.

Демак, Камюнинг асосий эътибори кўпроқ алоҳида инсоннинг ички оламини тадқиқ қилишга йўналтирилган. Инсон ички моҳиятидан келиб чиқувчи эркинлик — ҳаракатнинг ўзига хос бўлган туридир. У тўла англанмаган ва заруриятга буткул боғлиқ бўлмаган бемаксад интилишни қаламта олиш орқали тасодифий вазиятда (ҳаёт ва ўлим ўртасида. — Ш.Т.) колган қаҳрамоннинг танлашга нисбатан муносабати эркин бўлиши кераклигини ёклайди. Айни шу вазият — ҳолатдаги қаҳрамоннинг асл ички қиёфасини очиб беради.

«Бегона»даги Мерсонинг ички эркинлиги мавжуд жамиятнинг ахлоқий принципларига зид келади. Уни суд қилаёттанлар назарида бу ҳолат ахлоқсизлик саналади. Чунки улар бу одам ички оламига бегонадир. Камю учун ташки ҳаёт зарурият ва эҳтиёжлари билан алоҳида инсон ички масъулияти ўртасидаги зиддият таҳ-

<sup>9</sup> Камю А. Бегона. Кисса ва роман (Рус тилидан А.Аъзам таржимаси.) - Т.: Ёзувчи, 1995. -Б. 68-69.

лили мұхим. Камю Мерсонинг ички ахлоқий маънавиятни инкор этаётган суд аҳлини ҳам, Марини ҳам танкид қиласы. Бинобарин, инсон ички ирода эркинлигини жамият ахлоқий талаблари ва қонунларига күр-күрона бўйсунишдан устун қўяди. Бошқачароқ айтганда, адаб Мерсога нисбатан бегоналик туйгусидан йирок. Уни Чўлпондан ажратувчи фарқ шундаки, Камю инсоннинг ички олами — борлигини ташқи оламдан ажратиб, уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўяди. Уларни ўзаро бирлаштирувчи илоҳий кучни рад этган адаб дунёқаршида эркин рух әмас, балки шахс эркинлиги масала-си устувор саналади.

Мерсонинг қамоқда ҳам ички эркинликдан маҳрум қилинмагани, ҳеч ким уни бундан маҳкум қила олмаслиги — эркин ўй-фикр билан яшаётганига тўсиқ бўла олмаслиги тасвири романда гоятда таъсирчан ифодалана-ди. Таассуфки, Мерсо эркинлиги унга баҳт келтирмайди. Унинг шахсий эркинлиги бошқаларнинг ахлоқий олами билан тўқнашади. Камю айнан шу вазиятда Мерсо ички дунёқаршини яққол гавдалантиради. «Бегона» романы инсон борлиғи таҳдил ва тадқиқ этилган асардир. Ташқи борлик даҳшатига қарама-қарши қўйилган Мерсо, фактат ўаига, ўз қобилиятига ишониб кимлигини англамоқчи бўлади. Мавжудликдан йўқликка (ҳеч нарсага) айла-нишга ишонч ҳосил қиласы. Камю инсон борлигининг маъноси ва мақсади ҳақидаги қарашларини характер, кўнгил ҳолатлари тасвири орқали ифода этади.

Чўлпоннинг «Кече ва кундуз»ида масаланинг қўйи-лиши ва ҳал этилиши анча бошқача кечади. Адаб мустамлакачилик даври сиёсий-ахлоқий муносабатларини тобе ўлка фуқароси тақдирига нисбатан бефарқлилка асосланганлигини фош этишни назарда тутади. Алоҳида олинган шахснинг жамият устуни бўлган сиёсий кучлар иродасига бўлган соддагина муносабатини ифода этган. Чўлпон Зеби онгиди нишона берган гоятда кучсиз сиёсий тафаккур учқунларини кўрсатади. Зебининг давлат ва суд органлари адолат қилишларига ишончи куч-

ли. Чунки у мустамлакачи ижтимоий қучларнинг сиёсий-мафкуравий манфаатларидан тамомила бехабар. Бу маъмурларнинг минтақавий шовинистик сиёсат юргизувчи ақидапааст ва худбин кимсалар эканлигини, қадриятларимизга менсимасдан, лоқайд қарашларини Зебининг тушуниши ҳам мумкин эмас. Ўзга миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг ўлка халқи (романда «азиат»)га нисбатан устунлигига ғоятда амин бўлган чор Россияси ҳукумати раҳбариятидаги маънавий-маданий ҳаётимизнинг ўзига хос томонларини менсимасликка бўлган интилишлар реал ҳаётда яққол намоён бўлаётган эди. Мутлоқ ҳукмронликка интилган мустамлака қилинган жуғрофий-сиёсий макондаги ўз мавқенини сақлаб қолишга зўр бериб уринган маъмурлар ҳаракати шўро мафкуравий сиёсатида ҳам ёрқин кўзга ташланган эди. Мазкур ҳолат Чўлпондай миллатпарвар адидни бефарқ қолдирмаган.

Коммунистик идеалогиянинг бирёқлама ва тарихан чекланганлигини анлаган Чўлпон буни ошкора айта олмаса-да, «Кечा»ги кун мисолида унинг ҳақиқий юзи ни очиб ташлашга интилади. Юргизилган нохолис сиёсатнинг танқиди айни пайтда шўро тоталитар сиёсатининг ҳам танқидидир. Суд-ҳуқуқ органларидағи бошбош доқлик тасвири орқали ёзувчи сиёсий ҳаётдаги парокандаликни ифодалаган. Муқаррар сиёсий таназзул сабабларини кўрсатган. Мамлакатдаги сиёсий ҳаёт оқими ни қаламта олган Чўлпон бошқарувчилар (мингбоши, Нойиб тўра, адвокат, суд...), бошқариладиганлар (Зеби ва б.) ўртасидаги муносабатларнинг сиёсий жиҳатларига ургуни кучайтирган. Унинг давлат ҳокимияти механизмидаги носозлик ифодасига аҳамият қаратганига таяниб айтиш мумкинки, романда ижтимоий муаммоларга эътибор кучли.

Муҳими, Чўлпон ана шу ижтимоий муаммоларни руҳий-психологик таҳлиллар орқали кўрсата олган. Чўлпон миллат ижтимоий онги, сиёсий маданиятини бадиий-эстетик воситалар орқали тарбиялашга уринди.

Шубҳасиз, Чўлпон гайриинсонийликка асосланган жамиятни қоралаш орқали уни рад этади. Чўлпон яратган характерларнинг кўнгил оламида, тафаккур тарзида ижобий силжишлар бор. Бу кўпроқ жадидчилик ва жадид адабиёти тоялари доирасида кечади. Бошқачароқ айтганда, Чўлпон учун уйгонаётган миллий тафаккур ва ижтимоий озодлик, эркинликнинг ифодаси муҳим саналган. Камю жамиятни инкор этган, бирок бу инкор ахлоқий субъективизмга асосланади. Мафкуравий яккаҳокимлик даврида яшаган Чўлпон насли, хусусан, «Кеча ва кундуз» романида ижтимоий муаммоларнинг биринчи планга чиқиши табиий ҳолдир.

Худди шу ўринда Зебига билдирилган даъволарни эслайлик: «Прокурор ўрнидан туриб, икки қўлини столга кўйди-да, ярим энгашиб туриб деди:

«Мен бу таклифга қарши эмасман. Албатта менинг бу масалада бошқа мулоҳазаларим бор. Мен уруш вактнинг нозик пайтларида бўлган бу ўлдиришга оддий ўлдириш каби қараёлмайман. Ўлдирилган одам Русия давлатига ва подшога садоқати билан танилган одам эди. Уни «ёш сарт» маҳфийлари, айниқса, уларнинг душманимиз бўлган Туркия билан фикран боғланишган унсурлари ёмон кўрардилар. Мен бу «садда» ва «гуноҳсиз» сарт аёлининг шундай унсурлар қўлида ўйинчоқ бўлмаганидан амин эмасман..»

Мана шу нукталардан қараб, мен бу «саддадил», «ювош» ва «гуноҳсиз» сарт қизига энг олий жазо талаб қилмоқчи бўламан» (255-бет). Ҳеч қандай далил-исботсиз айтилган бу тахмин инобатта олинади. Ҳеч ким бу даъвони исботловчи далиллар қани деб сўрамайди ҳам. Шу билан бирга, романда калтабин адвокат, инсофесиз прокурор, (Л.Н.Толстойнинг «Тирилиш» романидаги касбдошига ўхшаб, у ҳам ишни тезороқ якунлашга ошикарди) сохталикка тайёр суд раиси иштирок этувчи суд ҳайъатини қаттиқ ҳажв қиласди.

«Бегона»да эса Мерсонинг иши унинг аралашувисиз кўрилади:

«Мерсонинг ҳимоячиси сўз олди: «Ахир, уни нимада айблашяпти ўзи, — деб қичқириб юборди у, — одам ўлдирганидами ё онасини кўмганидами!»

Прокурор қўлларини пахса қилди, мени айбдор ва тариқча ҳам шафқатга арзимайди, деб айюҳаннос солди. Менга фақат бир нарса сал-пал иокулай бўлди. Ҳар қанча ўйга чўммай, бари бир, ҳар замонда гап қўшгим келди, лекин ҳар гал ҳимоячи:

— Жим туриңг! Ўзингизга яхши бўлади, — деб изн бермади. Шундай бўлиб чиқдики, менинг ишимни мени аралаштиrmай кўришди. Ҳамма нарса менинг иштирокимсиз бўлди. Тақдирим жал қилингипти, лекин мендан жеч ким ўзинг бу ҳақда қандай фикрдасан, деб сўрамади».<sup>10</sup>

Ҳар икки асар қаҳрамони тасодифий тарзда қилган қотиллиги учун оғир жазога гирифтор бўладилар. Қудратли ёлғон ва зўравонлик, адолатсизлик, инсофесизлик, ҳақсизлик гирдобига тушиб қолган Зеби ва Мерсон ўз ҳақикатлари билан ёлғиз, ночор қоладилар. Сўфињинг исёни, Қурвонбибининг дарддан куйиб кетиши тўла маънода манфаатпарастлик йўлидаги эврилишларга қарши қаратилгандир.

Суд ҳайъати, яъни жамият Мерсони гильотината аслида қилмаган жинояти учун юбормоқда (арабнинг ўлдирилиши ҳақида моҳияттан сўз бормайди). Зеби тақдираидан ҳам худди шундай. Агар жамият шундай йўл тутиб, шахс эркини бемалол поймол қилиниши учун йўл кўйиб берган экан, бу жамиятнинг ўзи чинакам жиноятчидир. Ҳар икки ёзувчи ана шу адолатсизликка асосланган жамиятни, турлича эътиқод, турлича услубда, фақат қоралаб қолмайди, балки рад этади.

Чўлпон ҳам, Камю ҳам инсон эрки, ҳақ-хукуқлари ҳимоячиси сифатида кўз ўнгимиизда намоён бўлади. Улар ўз қаҳрамонларини сунъийликдан холи қилиб, табиий, ҳаётий тарзда гавдалантирилар, уларнинг туйгулари, мураккаб кечинмаларини маҳорат билан ёркин бўёқ-

<sup>10</sup> Камю А. Бегона. Қисса ва роман (Рус тилидан А.Аъзам таржимаси.) - Т.: Ёзувчи, 1995. - Б. 65-67.

ларда жозибали тасвиirlаб бердилар. Бу икки ёзувчи шахс эрки, инсон озодлиги муаммосини ўзларича талқин қилишди. Ўз тезисларини исботлаш учун Чўлпон қаҳрамонини сунъий бегоналиг вазиятига қўяди, Зеби тушиб қолган бегона мухитта хос вазиятнинг иллатларини қабартириб кўрсатади. Адиб Зебиларни Султонхону Пошшахонларга айлантирувчи чиркин мухитни лаънатлади. Аслида Зебининг устидан олиб борилган суд жараёни ҳам (худди Мерсо каби) қаҳрамон эрк-иродасига зид тарзда ўтади.

Ҳар икки ёзувчининг суд жараёни тасвиirlанаётган парчаларига синчковлик билан назар ташласак, бу эпизодлар айнан саҳна кўринишларига айланиб кетганини кўрамиз. Ҳар икки романдан мисоллар келтирайлик:

«Суд мажлиси бўладиган кенг залда шамоллар учеб ўйнарди. Қатор-қатор тизилган Вена курсилари ҳафталик уйқуларидан ҳали ҳам уйғонмаган эдилар. Энг олдинги қаторда ҳоким, нойиб, гарнizon бошлиги, полиция бошлиги, поп, учинчи қатордаги энг чекка курсида оппоқ ва зўр саллали чол — жомеъ мачитининг ингичка овозли имоми ўтиради. Бир томонда — закунчи, бир томонда — тилмоч; бошқа ҳеч ким йўқ.

Зеби икки конвойнинг яланғоч қиличи ўртасида залга кириб келди; устида қора барқут паранжи, қора чиммат, оёғида амиркон маҳси-калиш билан суд қаршиисига келиб тўхтади».(250-бет). Келтирган парчамизда тайёр саҳна кўринишига ва қиёслаб бўлмайдиганни қиёслаш элементларига дуч келамиз: «зўр саллали чол — жомеъ мачитининг ингичка овозли имоми»; «Зеби икки конвойнинг яланғоч қиличи ўртасида залга кириб келди». Чўлпон зўр саллали чолни тасвиirlаб туриб, унинг овози ингичка эканини таъкидлаб ўтади; биз учун беғубор, дили ҳам, тили ҳам пок, ўзи ҳимояга мухтож бўлган Зебини, ваҳший жиноятчини ушлагандек, яланғоч қилич ўртасида залга олиб киришади.

«Бегона»да ҳам айнан шундай ҳолат кўзга ташланади:

«Чап ёнимда тарақлатиб курси суришди, ўгирилиб

карадим — баланд бўйли, пенсне тақдан қотма бир одам қизил ҳирқасини ҳафсала билан тўғрилаб энди ўтираётган экан. Бу — прокурор эди. Суд ижрочиси суд келаётганини эълон қилди. Айни шу пайти иккита баҳайбат вентилятор гувиллашга тушди. Уч киши — суд кирди — иккитаси қора, биттаси қизил ҳирқа кийган, ҳар бирининг қўлтиғида қоғоз солинган жуздан, тез супага йўл олдилар. Қизил кийгани ўртадаги курсига ўтириди, папорини рўпарасидаги столга кўйди, тепакалини рўмолча билан артиб, суд мажлиси очик, деб эълон қилди.

Мухбирлар аллақачон қаламларини шайлаган әдилар. Уларнинг юзи бегам ва жиндайгина истеҳзоли кўринарди. Айтгандай, юпқа кулранг костюм кийган, ҳаворанг галстукли, уларнинг ичида энг ёш биттаси ҳали рўпарасидаги столда ётган ёзғичини қўлига олмай, факат менга тикилиб ўтирган эди».<sup>11</sup> Келтирилган парчалардаги деталларнинг аниқлиги, персонажларнинг жонли қиёфаси, суд хайъатининг ён-атрофга, айбланаётганлар тақдирига совуқ, ҳиссиз, бефарқ боқиши, уларнинг қисматига заррача ачинмаслиги — буларнинг ҳаммаси бу асарларда худди саҳнадагидек кўз ўнгимизда гавдаланади.

Саҳна кўринишлари биз кўриб чиқаётган романларда жонли тасвирланган яна бир парчани «Бегона»дан келтиримоқчимиз: «Эрталаб етти яримда келиб, қамоқхона машинасида мени суд биносига олиб боришли. Иккита миршаб мени зах тортган бир ҳужрага олиб кирди, бу ерда қоронғилик ҳиди анқирди. Эшик олдида кутиб ўтиридик, эшик нарёғидагилар зса гаплашади, бирбирини чақиради, курсиларни суради, хуллас, галаговур, талатўп, гўё концерт ўтиб, энди жуфт-жуфт ракс тушишга хона ўртаси бўшатилаётган хайрия оқшомига ўхшайди. Миршаблар ҳали мажлис бошлангани йўқ, деб айтишди, бирори менга сигарет тутди, мен рад қилдим. Салдан кейин менга қўрқмаяпсизми, деди, мен йўқ, дедим. Қай бир маънода менга ҳатто қизик

<sup>11</sup> Камю А. Бегона. Қисса ва роман (Рус тилидан А.Аъзам таржимаси.) - Т.: Ёзувчи, 1995. - Б. 58.

эди, кўрайчи қанақа бўлар экан, ҳали бирон марта судга тушшиб кўрмаганман».<sup>12</sup> «Бегона»да суд бошланиши олдидан бўлаётган саҳна тасвиirlанаётган бўлса, «Кечава кундуз»да суддан кейинги саҳна тасвиirlанади:

«...Кенг зал бўм-бўш, худди етимчадек кўринади. Суддан сўнг уёқ-буёқда тартибсиз қолиб кетган курсиляр бозорчиларнинг карvonсаройга боғлаган отлари сингари бир-бирларига тескари эврилганлар... Кўк ёникли узун стол устида суд аъзоларидан бирининг кўзойнак қутичаси қолиб кетган; зал ўртасидаги оғзи очиқ пеҷдан ўтиннинг чарсиллаб ёнгани эшитилади» (258-бет). Кўрамизки, ҳар икки ёзувчи суд залиниинг тасвирига бефарқ қарамайди. Шу билан бирга, бир-бири билан боғланмаган, тарқоқ диалоглар — драматик ҳолатни кучайтирувчи парчалар ҳам берилган: «Закунчи суд раисининг мурожаатини кутмасданоқ ўрнидан турган эди:

— Мен ҳам сўз айтипдан воз кечаман! — деди у, яна дарҳол жойига ўтири.

Суд ҳайъати ўрнидан туриб ичкарига чекилди.

«Ана, — деб ўйлади Зеби, — ўзим айтган. Ҳамма гап ойдай равшан... Энди уйимни топиб кеталармикинман?» (255-бет). Желтирилган парчада ёзувчи нафақат шарқнинг бахти топталган, чиммат ичидаги, тўрт девор орасидаги ўзбек хотин-қизларининг ҳаётини, балки жамиятнинг сунъий қонунларини англаб етмаган, ўз дунёсида яшовчи аёлни кўрсатади. Унинг учун бу давра руҳан ҳам, шаръиан ҳам бегона эди.

«Бегона»да Мерсонинг кўшниси Селест гувоҳлик бераётуб, содир этилган жиноят хусусида шундай дейди:

«Мен шундай ҳисоблайман, бу бахтсизлик, бахтсизлик нима, буни ҳамма билади. Бахтсизлик қаршисида ожизсан одам. Мана, шунинг учун ҳам буни бахтсизлик, деб ҳисоблайман. У яна давом этмоқчи эди, аммо раис, жуда яхши, раҳмат, деди. Лекин, бари бир, у яна баъзи нарсаларни айтмоқчиман, деб туриб олди.

<sup>12</sup> Камю А. Бегона. Қисса ва роман (Рус тилидан А.Аъзам таржимаси.) - Т.: Ёзувчи, 1995. - Б. 56.

Үндан қисқароқ қилишни сўрадилар. У яна менинг бахтсизликка учраганимни қайтарди. Шунда раис:

— Ҳа, тушунарли, — деди. — Лекин биз ҳам сиз айтаётгандақа бахтсизликни суд қилиш учун бу ерда турибмиз. Раҳмат сизга».<sup>13</sup>

Мерсо жараён давомида пушаймон бўлмайди, балки конун ҳимоячиларига бетоналарча ва ҳайрат билан қарайди. Бахтсиз қотилнинг қадамма-қадам гильотинага яқинлашиши, унинг қилмишлари муфассал ва бир-бирига зид ҳолда таҳжил қилинган. Мерсо шаънига мақтовлар ҳам, таъна, гина-кудурат ҳам айтилган. Хуллас, маълумот, фикр ва мулоҳазалар керагидан ортиқча. Асадати қайси бир парчани ўқимайлик, дастлабки фикримиз ўзгармай қолади: у ҳаммага, ҳамма нарсага «бегона». Лекин нимага бегона? Бу ўринда Камю шубҳага ўрин қолдирмайди: ғайриихтиёрий қотил атрофдагиларнинг ўйинини ўйнамагани, ҳамма каби фикр юритмагани, иш тутмагани учун жазога ҳукм қилинган. Бу матьнода у ўзи яшаётган жамиятга ёт. У ҳаётда колганлардан нарироқда юради. У жамият ахлоқий мезонларини рад этади, қолипга тушиб яшашни хоҳламайди. Кўнгил тилагига содик қолади. Эврилиш унинг табиатига бегона. Шунинг учун ҳам Мерсонинг фикр-ўйларини тушунишга, англашга қодир бўлмаган жамиятда ўзини, ўзлигини таҳдид остида севади. Ўз истакларида чегара билмайдиган кимсанинг инжиқ табиатига хос фикрлаш йўсини учун ҳаёт маъносиз туюлади. Бизнингча, у инсон ақли билан руҳни англаш ва изоҳлаш мумкин эмаслигини, тақдир олдида банданинг ожизлигини тушунмайди. Абсурд — мантиқсизлик адабиётининг башарий ақлтагина таяниши «Бегона»да ёрқин акс этган. Эътибор бериш керак бўлган жиҳат мазкур романдаги талабчан қалб интилишлари ифодаси гўзал акс этганлигидир. Айнан шу нарса китобхон тасаввурларини кенгайтиришга, адабий жўнликтан халос қилишга ундейди. Камю яратган воқелик эскиликни шунчаки ин-

<sup>13</sup> Камю А. Бегона. Қисса ва роман (Рус тилидан А.Аъзам таржимаси.) - Т.: Ёзувчи, 1995. - 56 б.

кор этмайди. Балки қарашларни ҳам ўзгартириб, руҳни янгилаш, инсон деган мураккаб мавжудотни тушуниш сари етаклайди. Зеро, роман адид фикрлаш тарзи ва руҳиятидаги кучли тўлғонишлар самарасидир. Гарчанд Мерсо ўзида яшаёт учун ички руҳий қувват топа олмаган бўлса-да, унинг руҳий изтироблари китобхонни зинхор бефарқ қолдирмайди.

Омади келмаган судланувчи — ҳимоя ва айблаш ўйинида ортиқча, унинг ҳаёти тикилган бу ўйин қоидала-рини англамайди. Ўйин иштирокчиларининг юришлари сирли, бу Мерсога залда бўлаётган йиғилишининг «хаёлда бўлаяптими» деган фикрни уқтираётгандай туюлади. У ҳайрон, чунки чиндан ҳам атрофидаги воқеаларни тушунмайди. Бироқ бу тушунмовчилик ожизлик эмас, балки ўзига хос сергаклиkdir.

Камю «Бегона» романида одамлар ўртасида инсоний алоқалар парчаланган (бузилган) шароитда уларда пайдо бўулувчи руҳий тушкунлик туйғусини таҳлил қиласди. Чўлпон эса миллатпарвар, эрк куйчиси сифатида Камюдан фарқли равищда миллат фожиасини беради. Миллат ҳақ-хуқуқлари поймол қилинишини, амалдорларнинг бунга муносабатини кўрсатади ва Кечанинг Кундуз билан алманишига, халқимиз ҳаётида қуёш порлашига умидворлигини ифодалайди.

Чўлпон ижодини жаҳон адабиёти контексти миқёсида ўрганиш шу куннинг долзарб муаммоларини ёритишига йўл очади. Зеро, ўзбек адабиёти, айниқса, Чўлпон насли миллий-эстетик тафаккурдан ҳам, жаҳон адабиёти анъаналаридан ҳам озиқланади.

Юқорида баён қилган фикрларимиздан шундай хулосага келишимиз мумкинки, XX аср янги ўзбек романчилигининг тараққиётида Абдулҳамид Чўлпон романни муносиб ўрин эгаллайди. Чўлпон — мутафаккир адид. У миллатни улуғ манзилларга етаклаш, тафаккурини уйғотишига интилди. Айни дамда алоҳида инсонга ҳам ўзига хос дунё деб қарай билди. Уни тушуниш ва англаш йўлидан борди. Чўлпон учун адабий асар ижтимоий функцияга эга бўлмаслиги мумкин эмас. Зеро,

унинг кўнглида шахсийлик ва ижтимоийлик бирлашганdir. Чўлпон фалсафий-эстетик қарашлар тизими ҳам, эътиқоди ҳам қатъий миллий рангларга йўғрилган. Шу боис у Ватан, миллат ва унинг маънавияти ҳимоясига дадил отланади. Ҳаёт ҳодисаларини ҳақоний ифода этишга ҳаракат қиласиди. Сунъий чақириқ ва сохталиктан холи бўлган «Кечава кундуз» романида ифода тарзида кинояга мойиллик кучлидир. Адаб барча масалаларни миллат манфаатлари нуқтаи назаридан кўнгил призмасидан ўтказади. Реал ҳаётда қачондир бўлиб ўтган тарихий воқеани қайта ҳикоя қилиб бериш йўлидан бормайди. Чўлпон романидаги тарихий воқеликнинг бадиий тажассуми адаб тафаккури ва кўнглидан униб чиқкан. Ёзувчи бадиий диди ҳукмрон мафкура талабларидан баланд туради. Шунинг учун ҳам Чўлпон алоҳида олинган одамлар орзу-ўйлари, туйгу-кечималарини ўзи ҳис қилганича акс эттириш йўлидан борди. Буларнинг барчаси Чўлпон насрининг замонавий жаҳон адабиётига ҳамоҳанглигини кўрсатади.

Миллий адабиётимизда замонавий насрчилик эндиғина шакллананаётган бир даврда янгила изланишларни дадил ўзлаштирган Чўлпоннинг ижодий тажрибалари XX аср ўзбек романчилиги поэтик хазинасини янада бойитишга сезиларли ҳисса бўлиб кўшилди. Чўлпон ўз ижодий мероси билан, насррий жанрларнинг турфа имкониятларини намоён қилди. Айниқса, «Кечава кундуз»да турли поэтик усул ва воситаларни дадил кўллаб, уларнинг миллий адабиётимизда ўзлашиб қолишига пухта замин ҳозирлади. У бугунги китобхонга миллатнинг ўтмишдаги ҳаёти ҳақида теран тасавур бериш билан чекланмай, унинг юксак эстетик талабларини ҳам қаноатлантириди. «Кечава кундуз» романи бугунги кунда бизнинг қалбимизда жўш ураётган эркинлик ва мустақиллик оҳангларига муштарақдир. У ўзимизни танишимизга ёрдам беради, юраклардаги инсоний гуруримизни янада авж олдиради. «Кечава кундуз» романи жаҳон адабиёти хазинасининг умрбокий асаллари қаторидан жой олишга муносибдир.

## ХУЛОСА

Чўлпон дунёқараши бир вақтнинг ўзида моддийлик ва маънавийликни, объективлик ва субъективликни, табиийлик ва ижтимоийликни бирлаштиради. Давр руҳининг ташувчиси бўлган Чўлпон ижодий мероси, хусусан «Кеча ва кундуз» романи санъаткор ўзлигининг ҳам ифодасидир.

Адиб руҳиятидаги ички конфликт — жиловланга мажбур бўлган ҳис-туйғу, ҳоҳиш-истаклари роман матни тагқатламида акс этган. Чўлпоннинг дунёқараши ва услубий индивидуаллиги ёзувчи ички «мен»и билан романдаги муштаракликинг англаш, кўрсатиш ва англатишга интилиш орқали қашф этилади. Чунки романда реал ҳаёт Чўлпон тафаккур тарзи, маънавияти, қалби орқали англанади, нафис ифода этилади.

«Кеча ва кундуз»да характерлар статик ҳолатда эмас, балки конкрет воқеалар ичида тасвирланган. Роман композициясига макон ва замон чексизлизлигини сингдиришда Чўлпон қатор усуллар: муаллиф характеристикаси, ички ва ташки монолог, диалог, хотира, руҳий изтироб, ўз-ўзини ва атрофдагиларни баҳолаш, лирик чекинишдан маҳорат билан фойдаланган. Адиб тасвир палитраси ранг-баранглиги сюжет поэтикасида тасвирнинг бир нигоҳдан иккинчи нигоҳга оҳиста кўчичиши, маъно талабига кўра адабий монтаж усулидан фойдаланишда ҳам кўринади. Турли ижтимоий типларнинг реал, ҳаётий қиёфасини ҳаққоний чизган Чўлпон романда халқ менталитети, милллий руҳиятига хос соғлом дид, орият ва баланд назарни ҳам равшан кўрсата олган.

«Кеча ва кундуз» инсоннинг мураккаб оламини қашф этувчи ижтимоий-психологик романdir. Асарда образ ишончлилиги баёнчининг холислиги орқали таъминланган. Адиб персонаж нуқтai назарига алоҳида эътибор қаратиб, Мирёқуб фикрида пайдо бўлган чайқалиш ва силжишни кўрсата олган. У аста-секин фуқаро тақдири ҳакида ўйлайдиган, сиёсий устунларнинг мўртлигидан

ташвишланадиган кишига айлана боради. Мирёқубда «итлик»дан инсонийлик сарҳадларига ўтиш истаги, умиди уйғонар экан, бунга қаҳрамон ўз-ўзини ва жамиятни таҳлил этиш орқали муваффак бўлади. Чўлпон романда қаҳрамон ички ҳолатларини очишда руҳий таҳлил ва ишоравийликни кучайтирган.

Чўлпон характерларни очишда перипетия (вокеа ривожидаги кутимаган бурилиш — Ш.Т.) ва коллизияларга алоҳида эътибор билан карайди. Адаб роман бадииятини таъминлаш, ифода таъсирчанлигини кучайтириш, нутқий эмоционаллигини оширишда интонацион-синтактик ифода усуллари: (такрор, пауза, жим қолиш — сукут, градация, перифраза)дан унумли фойдаланган. Жумладан, Чўлпон кўллаган бадиий такрорлар куйидаги функцияларни бажаради:

- лексик фон яратиш ва табиийликни кучайтириш, характер ҳаётйлигини таъминлаш;
- воеага кириш ҳосил қилиш, кетма-кетликни таъминлаш; матнни бирлаштириш;
- роман тили поэтик жилосини ошириш, ифодавий гўзаллигини таъминлаш;
- руҳий жараёнлар ривожининг турли поғоналарини кўрсатиш, характерларнинг кечинмаларини индивидуллаштириш ва экспрессивликни кучайтириш;
- тасвирланаётган вазият-ҳолат ва объектга нисбатан ёзувчи субъектив муносабатини ифодалаш ҳамда баҳолаш;
- ўқувчи дикқат-эътиборини муайян воеа-ҳодисанинг қайтарзда намоён бўлиш жараёнини кўрсатиш.

Демак, Чўлпон бадиий нутқинг романдаги роли ва ўзига хос аҳамиятини теран англаган адидир. Нутқинг ўзига хос типи бўлган диалогдан роман бадиий матнининг узвий бир қисми, бадиий тўқиманинг энг мухим унсури сифатида фойдаланган Чўлпон унга куйидаги функцияларни юклаган:

- сюжет ипини бир-бирига узвий боғлаш;
- қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш;

— романнинг руҳий-психологик иқлими ва миллий колоритини яратиш;

— характерларга инсоний жозиба бахш этиб, тасвир жонлилигини таъминлаш ва ҳаётйлигини кучайтириш.

Психологик портрет яратиш асносида эса Чўлпон қуидаги усулларни қўллаш орқали мулоҳаза-диалог яратиб, қаҳрамонларнинг ўй-фикрлар дунёсини кўрсатишга эришган:

- диалог суръатини тез-тез ўзгариши;
- узук-юлуқ ибораларни фаол қўллаш;
- фикрлар сертармоқлигига аҳамият бериш;
- ҳаёлий жараёнларни изоҳлаш.

«Кеча ва кундуз» романида «қалб ҳаракати»ни очиш диалог ва монологнинг мақсадига айланган. Зеро, адаб қаҳрамонлар руҳиятини очишида ички диалог ва монолог имкониятларидан унумли фойдаланади. Шу орқали ички кечинма — руҳиятдаги қарама-қаршиликлар, изтиробларни ёркинроқ ифодалашта муваффақ бўлган. Романда ички диалог вазияти — персонажлар ҳаёлида кечган ўй-фикрлар орқали зоҳиран айтилмаган, ботиний оламда мавжуд иборалар ички экспрессияси яққол ифода этилади. Бошқачароқ айтганда, икки қалбнинг бир-бирини англаши улар ички оламидаги ҳаракат, руҳий ҳолат ва кайфиятлар тарзида акс этган. Демак, вазият-ҳолат яратиш орқали қаҳрамон портретини чизиш ҳам роман мукаммаллигини таъминлайди.

Чўлпон поэтикасига хос усуллар сирасига нутқ ифодаси, бадиий деталь қўллаш, образнинг бир неча бор такрорланиши ҳам киради. Адаб романда такрорий қайтишлар орқали туйгулар қоришиқлиги жараённада оҳанг сержилолигини таъминлашга эришган. Такрорий қайтишларда қўлланилган тиниш белгилар тизими эса драматизмнинг кучайиб бориши, ҳолатнинг тобора зўрайишидан далолат берувчи восита вазифасини ўтайди. Баъзан такрор турларидан бири бўлган аллитерация ҳам услубий оҳанг яратиш ва характерлар руҳий дунё-

сини кўрсатишга хизмат қилдирилади. Лексик тақорларга ҳам алоҳида эътибор бериб қараган, уларни ўзига хос усул деб билган Чўлпон китобхон диққатини айнан муайян сўзга қаратиш, қайтарилаётган сўзниг тасвир имкониятларини ошириш, кўнгил манзараларини акс эттириш, шунингдек, сюжетни вужудга келтириш, муайян композицион ва эстетик вазифаларни бажариш сингари функцияларни унга юклаган.

«Кеча ва кундуз» романи Чўлпон истеъодининг айни етилган даври маҳсулидир. Шу боис Чўлпоннинг дунёни идрок этиш ва ифода тарзида унинг услубига хос бўлган жиҳатлар (ишора, тагдор сўз ва пичинг, кесатик, истеҳзолар тилида сўзлаш, етакчи фикрни матн остига жойлаш, характерларни муайян контурлар ёрдамида чизиц, характер ва ҳолат мантигининг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш каби) кучли намоён бўлган. Бундай услубий воситалар ёрдамидагина Чўлпон жиддий ўзаришлар остонасида турган ижтимоий мухит манзараларини турли ракурсларда акс эттира олади.

Чўлпон ижодий мероси, хусусан, «Кечава кундуз» романида XX аср бошларида ўзбек адабиётида уч берган модернистик изланишлар ҳам кузатилади. Зоро, бадиий ижодни бир хилликдан халос этиш, шаклий-мундарижавий эксперементлар кўламини янада кенгайтиришда Чўлпоннинг ҳам муносиб ўрни бор. Бизнингча, Чўлпоннинг модерн йўсингдаги тажрибаларига хос хусусиятлар жаҳон адабиёти аспектида кузатилса, унинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари янада ойдинлашади. «Кечава кундуз» романи тасвир қамрови, таъсир кўлами адабининг ижодкор сифатидаги «мен»и поэтик оламини англаш орқали инкишоф этилади. Таъкидланганидай, «Кечава кундуз»да ижтимоий турмуш муаммолари нечоғлик қабариқ тасвирланмасин, унда ижодкор субъективизми — идеалларининг эстетик контурлари муҳрланган. Чўлпон ва Камю бадиий-эстетик тизимида хос жиҳатларни инсониятга хос иллатларни бўрттириб ифодалаш, кўнгил тафтишидан ўтказиб,

хиссий акс эттириш маъносида қиёслаш мумкин. «Кечава кундуз»даги Зеби билан «Бегона»даги Мерсоларнинг суд аҳлига қарши қўйилишидаги муштарак ва фарқли томонлар таҳлилга тортилган. Икки романда адиллар айни бир-бирига яқин вазиятни ифода этишда турлича фикрлаш йўсими билан кўзга ташланадилар. Шунга қарамасдан, улар маҳорати инсон қалбини руҳий-психологик таҳлил асосида акс эттириш, воқеаларни қаҳрамон руҳияти фонида ифодалашда намоён бўлади:

— Альбер Камю масалалар моҳиятига гарб кишиси ахлоқий қарашлари асосида ёндашса, Абдулҳамид Чўлпоннинг инсонга бўлган муносабати асосини шарқона ахлоқ ташкил этади. Бинобарин, улар олам ва одамни англаш нуқтасида кескин қутбий фарқланадилар. Демак, Чўлпон ва Камю дунёқараши ҳамда эътиқодининг фарқланиши Зеби ва Мерсо кўнгил ҳолатлари ифодасида намоён бўлмаслиги мумкин эмас;

— Камю ўз ахлоқий субъективизмидан келиб чиқиб, инсон туйғулари устидан қилинаётган зўравонликдан норозилигини алоҳида инсон ички олами тадқиқига йўналтиради. «Бегона»да Мерсо ички эркинлиги ва жамият ахлоқий принциплари ўртасидаги зиддиятни кўрсатади. Бинобарин, ёзувчи учун ўз тафаккур ва гайратиганини таянган, тақдирини кўл билан яратмоқ тилағидаги Мерсо ички масъулияти ҳамда ташки хаёт зарурият ва эҳтиёжлари ўртасидаги зиддият таҳлили мухимдир. Демак, Камю дунёқарашида шахснинг мутлоқ эркинлиги юяси устувордир;

— Камюдан кескин фарқланувчи Чўлпон дунёқарashi ва эътиқодида инсон борлиги ташки оламдан ажратилмайди, илоҳий эркин руҳ инкор этилмайди. «Кечава кундуз»да Чўлпон мустамлакачилик даври сиёсий-ахлоқий муносабатларига асосий эътиборини қаратади. Унинг тобе ўлка фуқароси тақдирига нисбатан бефарқлик ва лоқайдликка асосланганлигини миллатпарвар адаб сифатида фош этади. Демак, сиёсий ҳаётдаги паррокандаликни ифодалаш орқали муқаррар таназзул са-

бабларини руҳий-психологик таҳлиллар орқали кўрсатади. Характерлар кўнгил олами ва тафаккур дунёсидаги ижобий силжишларни жадидчилик ва жадид адабиёти доирасида акс эттиради. Чўлпон учун уйғонаётган миллий тафаккур, ижтимоий озодлик ва эркинлик ифодаси муҳимдир;

— Камю ва Чўлпон талқинлари уларнинг эътиқод ва услубида турлича фикрлашни келтириб чиқарган бўлишига қарамасдан, уларнинг кенг маънода олиб қаралганда, адолатсизликка асосланган жамиятни шунчаки қоралабгина қолмай, рад этиш йўлидан борганлиги аён бўлади. Демак, муайян нуктада улар инсон эрки, ҳақ-хуқуқлари ҳимоячиси сифатида намоён бўладилар. Шу маънода айтиш мумкинки, Чўлпон ижоди миллий-эстетик тафаккурдан ҳам, жаҳон адабиёти анъаналаридан ҳам озиқланиб, индивидуаллик касб этади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Аристотель. Поэтика. - Т.: Faфур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
2. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. Исследования разных лет. - М.: Художественная литература, 1975.
3. Бахтин М.М. Слово в романе. // Вопросы литературы и эстетики. - М.: Художественная литература, 1975.
4. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. - М.: Искусство, 1979.
5. Бобониёзов А. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти. Филол. фанлари ном... дисс. - Т., 1995.
6. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб: Услуб муаммосига назарий нигоҳ ва ҳозирги ўзбек насрода услубий изланишлар. /Андижон Давлат тил ва адабиёт муаллимлари олий билимгоҳи; масъул муҳаррир: Б.Назаров. - Т., 1992.
7. Борев Ю. Теория литературы. Т. IV. Литературный процесс. - М.: ИМЛИ РАН, Наследие, 2001.
8. Великовский С.И. В поисках утраченного смысла. Очерки литературы трагического гуманизма во Франции. - М.: Художественная литература, 1979.
9. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. - М.: Высшая школа, 1989.
10. Виноградов В.В. О теории художественной речи. -М.: Высшая школа, 1971.
11. Винокур Г.О. О языке художественной литературы. - М.: Высшая школа, 1991.
12. Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. — М.: Прогресс, 1977.
13. Днепров В. С единой точки зрения (статья о Камю). - Л.: Советский писатель. Ленинградское отделение, 1989.
14. Долгов К.М. От Киркегора до Камю. - М.: Искусство, 1990.

15. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. - М.: Прогресс, 1979.
16. Еремина Л.И. О языке художественной прозы Н.В. Гоголя. - М.: Наука, 1987.
17. Ефимов А.И. Об изучении языка художественных произведений. - М.: Просвещение, 1952.
18. Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. - М.: Издательство Московского университета, 1957.
19. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. - Л.: Наука, 1977.
20. Имомова Г. Типик миллий характерни яратишда бадий нутқнинг ўрни. Филол. фанлари ном... дисс. - Т.: 1993.
21. Йўлдошев М. М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати («Кеча ва кундуз» роман мисолида) Филол. фанлари ном... дисс. - Т., 2000.
22. Камю А. Бегона. Қисса ва роман (Рус тилидан А.Аъзам таржимаси.) - Т.: Ёзувчи, 1995.
23. Камю А. Избранное (Перевод с французского) / Вступительная статья С. Великовского/. - М.: Правда, 1990.
24. Каримов Б. XX аср адабиётшунослигида талқин муаммоси (Қодирийшунослик мисолида): Фил. фанлари докт... дисс. автореф. - Т., 2002.
25. Каримов И.А. Биз келажатимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
26. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
27. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллый истиқлол, иқтисад, сиёsat, мағкура. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
28. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
29. Каримов Н. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон. / Масъул муҳаррир: С.Мамажонов - Т.: Фан, 1991.
30. Каримов Н. Чўлпон ва унинг бадиий олами. //Чўлпоннинг бадиий олами. - Т.: Фан, 1994.

31. Каримов Н. Чўлпон: Маърифий роман. - Т.: Шарқ НМК, 2003. — 464 б.
32. Квятковский А.П. Поэтический словарь. - М.: Советская энциклопедия, 1966.
33. Конрад. Н.И. Запад и Восток. - М.: Главная ред. Восточной литературы, 1972.
34. Костомаров В.Г. Жизнь языка. - М.: Педагогика, 1984. — 144 с.
35. Курунов Д. «Кеча ва кундуз» романида характерлар психологизми. Филол. фанлари ном... дисс. - Т.: 1993.
36. Курунов Д. Бадиият сирлари. // Тафаккур. Тошкент, 1998. — №1.
37. Курунов Д. Жаҳон адабиётига йўл // Жаҳон адабиёти. 1997 — № 6.
38. Курунов Д. Зеби, Зеби, Зебона... // Гулистон. 1991. — № 4.
39. Курунов Д. Рухий дунё таҳлили. - Т.: Ҳазина, 1995.
40. Курунов Д. Томчид қуёш акси. // Шарқ юлдузи. Тошкент, 1991. — №12.
41. Курунов Д. Чўлпон поэтикаси (насрый асарлари асосида). Филол. фанлари док... дисс. - Т.: 1998.
42. Курунов Д. Чўлпон насли поэтикаси. /Масъул мух. О.Шарафиддинов, У.Норматов. - Т.: Шарқ, 2004.
43. Курунов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. - Т.: Ўқитувчи, 1997.
44. Кўшжонов М. «Кечава кундуз» романида образлар тизмаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1992. — № 3-4.
45. Кўшжонов М. Моҳият ва бадиият. - Т.:Faafur Fuлом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
46. Ларин Б.А. Эстетика слова и языка писателя. - Л.: Художественная литература, 1973.
47. Левидов А.М. Автор-образ-читатель. 2-е изд., доп. - Л.: Издательство Ленинградского университета, 1983.
48. Лотман Ю.М. Проблемы литературной типологии исторической преемственности (сборник статей). - Тарту, 1981.

49. Лотман Ю.М. Структура художественного текста. — М.: Искусство, 1970.
50. Мамажонов С. Бизнинг Чўлпон. - Т.: Ёзувчи, 1997.
51. Мамажонов С. Чўлпоннинг насрый ижоди. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1991. — № 6.
52. Называть вещи своими именами. Програмные выступления мастеров западно-европейской литературы XX века. Сост., предисл., общ. ред. Л.Г.Андреева. - М.: Прогресс, 1986.
53. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. - Т.: Маънавият, 2000.
54. Палиевский П.В. Литература и теория. Изд. 2-е, доп (статья: "Фолкнер и Камю"). - М.: Современник, 1978.
55. Поспелов Г.Н. Проблемы литературного стиля. — М.: Изд. Московского университета, 1970.
56. Пустовойт П.Г. От слова к образу. Изд. 2-е перераб. - Киев: Радянська школа, 1974.
57. Пустовойт П.Г. Слово. Стиль. Образ. М.: Просвещение, 1965.
58. Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси: (сюжет ва конфликт) Филол. фанлари док... дисс. - Т.: 1993.
59. Ризаев Ш. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари. Филол. фанлари ном... дис. автореф. - Т., 1995.
60. Розенталь Д.Э. Стилистика на каждый день (Новое в жизни, науке, технике. Серия «Литература») - М.: Знание, 1976.
61. Рўзимуҳаммад Б. Чўлпон — тонг ўлдузи демак... - Т.: Ўқитувчи, 1997.
62. Словарь литературоведческих терминов. Сост: Л.И.-Тимофеев, С.В. Тураев. - М.: Просвещение, 1974.
63. Салижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насирида бадиий нутқ поэтикаси. Филол. фанлари докт... дисс. - Т., 2002.
64. Сравнительно-историческое изучение и теоретические вопросы развития современных литератур. - М.: Наука, 1985.

65. Султонов У. Чўлпоннинг адабий эстетик қарашлари. Филол. фанлари ном... дисс. - Т., 1995.
66. Султонова М. Ёзувчи услубига доир (Ойбек, А.Кодирий, А.Қаҳҳор ва С.Аҳмад прозаси асосида). - Т.: Фан, 1973.
67. Фитрат А. Адабиёт қоидалари: Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун. / Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Ҳ.Болтабоев. - Т.: Ўқитувчи, 1995.
68. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи (Монография ва мақолалар). - Т.: Янги аср авлоди, 2002.
69. Хотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. - Т.: Ўқитувчи, 1979.
70. Храпченко М.Б. Горизонты художественного образа. 2-е изд. доп. - М.: Художественная литература, 1986.
71. Чўлпон ва танқид. /Матнларни нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Каримов Б. - Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004.
72. Чўлпон. Яна олдим созимни. - Т.:Faфур Гуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
73. Чўлпон. Адабиёт надир: /Адабий-танқидий мақолалар, Чўлпон ҳақида хотиралар. Тўпловчи ва изоҳ муаллифлари: Д.Қуронов, З.Эшонова, У.Султонов; Масъул мұхаррирлар: О.Шарафиддинов, У.Норматов. - Т.: Чўлпон, 1994.
74. Чўлпон. Асарлар. Уч жилдли. / О.Шарафиддинов таҳрири остида. Ж.2. Роман. Ҳикоялар. Сафарнома. Таржималар. - Т.: Фоғур Гуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.
75. Чўлпоннинг бадиий олами. - Т.: ЎР ФА. Фан, 1994.
76. Шарафиддинов О. Кеча ва кунидуз // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990 — 16 февраль.
77. Шарафиддинов О. Ижод йўли. // Ёшлик — 1987. № 10
78. Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. - Т.: Faфур Гуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
79. Шарафиддинов О. Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон

- Хошим: Истиқлол фидойилари. - Т.: Шарқ, 1993.
80. Шарафиддинов О. Чўлпон — таржимон. // Гулистан. 1990. — №2.
81. Шарафиддинов О. Чўлпон: Шоир ҳакидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар. - Т.: Чўлпон, 1991.
82. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. - Т.: Ёзувчи, 1994.
83. Шарафиддинов О. Чўлпоннинг ижодий йўли тўғрисида. // Шарқ юлдузи, 1988. — № 2.
84. Шкунаева И.Д. Современная французская литература. — М.: 1961.
85. Шмелев Д.Н. Слово и образ. — М.: Наука, 1964.

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ЧҮЛПОН ИЖОДИННИГ ГОЯВИЙ-БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЁЗУВЧИ УСЛУБИ</b>	
1. 1. Чүлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида миллий руҳият тасвири .....	9
1. 2. Ижтимоий-психологик таҳлил устуворлиги .....	30
<b>II БОБ. «КЕЧА ВА КУНДУЗ» РОМАНИ БАДИЙ МАТНИ ТИЗИМИДА СТИЛИСТИК ФИГУРАЛАР</b>	
2. 1. Роман бадииятини таъминлашда интонацион-синтактик ифода усулларининг роли .....	45
2. 2. Поэтик фигураларнинг бадиий-эстетик функцияси .....	64
<b>III БОБ. ЧҮЛПОН ИЖОДИЙ ФЕНОМЕНИ</b>	
3. 1. Истеъодод жилолари .....	86
3. 2. Характер ва адаб дунёқараши муносабатлари ....	95
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>119</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАВИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>125</b>

**ТУЙЧИЕВА Шаҳноза**  
**ИЖОДКОР ДУНЁҚАРАШИ ВА БАДИЙ УСЛУБ**  
**(Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи мисолида)**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
Илмий кенгаши томонидан чоп этишга руҳсат берилган

Akademiya  
Тошкент — 2009

Муҳаррир М.Умирова  
Мусаххих Г.Абдуллаева  
Дизайн Б.Разоқов  
Техник муҳаррир Н.Қурбонова  
Нашр учун маъсъул Б.Умаров

Теришга берилди 2.10.08. Босишга руҳсат этилди 05.01.09. Бичими  
84x108<sup>1/32</sup>. Офсет босма. Шартли босма табори 8,0. Нашриёт хисоб  
табори 8,0. Адади 500. Баҳоси шартнома асосида.

MChJ “ISHQUVVAT” босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Сўгалли ота 5.